R 496
1986/9



Экз №4

ГУЛИСТОН

9
1986



Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз механизатори Нурулла Тошев.

В. Мосин фотоси



Пахталар хирмон-хирмон...

В. Жирнов фотоси



Тунги терим.

М. Пенсон фотоси

Жадаллаштириш — давр талаби

Қайта қуришни, қайта қуриш борасидаги жамики ишларни ҳар бир киши ўзидан, ўзининг гражданлик позициясини белгилаб олишдан, сиёсий, меҳнат фаолиятини активлаштиришдан, топширилган иш учун, пировард натижалар учун жавобгарликни кучайтиришдан бошлаши керак.

М. С. ГОРБАЧЕВ

РЕЖАЛАРДАН АМАЛИЙ ИШГА

ГБ УзССР
НН

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг сифат назоратчиси Комила **БОЙБОБОЕВА** *билан суҳбат*



— Комилахон, ўзингиз, касбингиз ва коллективингиз ҳақида фикрлашсак.

— Комбинатга келиб иш бошлаганимда дастлаб менга Людмила Смолова — тажрибали ишчи касб ўргатди. Мана, ўн уч йилдирки, касбимни ардоқлаб келаяпман. Зиммамизга катта масъулият юкланган. Комбинат аҳли бутун имкониятини ишга солиб, пешона тери билан яратган маҳсулотини шунчаки саралашнинг ўзи камлик қилади. Коллективимиз ютуқ ва нуқсонлари кўз ўнгимизда. Камчиликлари учун биз, назоратчилар ҳам жавобгар эканлигимизни ҳис қиламиз.

КПСС XXVII съезди материалларида инсон омилини кучайтириш ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришнинг гарови эканлиги таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, ўз имкониятим даражасида юксак унум билан ишлаб, ҳамкасбларим ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпман. Ишга келган дастлабки пайтларимда смена давомида 2800 погон метр газлама саралай олган бўлсам, эндиликда бу миқдорни 3800—4200 погон метрга етказаётирман. Албатта, бунга корхонамизда ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга катта аҳамият берилаётганлиги учун ҳам эришилаяпти. Партия ва ҳукуматимиз менинг камтарин меҳнатимни қадрлаб, «Меҳнат Қизил байроқ» ва «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирлади. Бу ҳурмат мени доимо қайноқ меҳнат қучоғига чорлаб туради.

Бизнинг бўёқ-пардозлаш ишлаб чиқариш коллективи ягона мақсад — тайёрланаётган газламаларнинг юқори сифатли, харидоргир бўлишини таъминлашга азму қарор қилган. Саврнисо Икромова, Вера Володина, Надежда Аркуша, Турсунбой Исмоилов сингари ҳамкасбларим ҳар бир метр газламанинг сифати учун астойдил жонкуярлик қиладилар. Мавжуд 10 та сортларга ажратувчи дастгоҳ ёрдамида ҳар сменада 70 минг метрдан ортиқ газламани саралаб, жўнатишга тайёрлаб қўйишга муваффақ бўлаётирмиз. Қўлда бажариш миқдори ҳам қўшилганда, умумий кўрсаткич смена давомида 150 минг метрдан ошаётир. Ҳар бир кишининг белгиланган графикни орттириб бажаришга интилиши туфайли ойлик плантопшириқларимиз шараф билан уддаланмоқда. Кўпчилик ҳамкасб дугоналарим йиллик планни аллақачон дўндириб қўйдилар.

— Бирлашма маҳсулотининг сифати қандай, улар харидорлар талабини тўла қондираяптими? Шу ҳақда гапирсангиз.

— Бундан 5—6 йил аввал корхонамизда тайёрланаётган газламаларга талаб жуда катта эди. Айниқса, «Янгилик» индекси билан чиқадиган кўйлакликларга жуда кўп буюртма олардик. Аммо бугунги кунги фактлар билан мақтана олмаймиз. Тўғри, ҳозир ҳам шундай индекс билан 3 хил маҳсулотимиз реализация қилиниб турибди. Бироқ, омборларимизда 10 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ўз харидорини кутиб ётибди. Уни на савдо ташкилотлари ва на тикувчилик корхоналари олишади. Бунга асосий сабаб уларнинг сифати паст, ранглари талабга жавоб бермаслигидадир. Сифатни яхшилаш борасида анчагина иш қилаяпмиз. Лекин, олға силжиш бўлмаяпти. Масалан, шу йилнинг олти ойи давомида 40 минг сўмлик маҳсулотимизга 20 та жойдан шикоят олдик. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич икки баробар камдир. Бироқ, бирлашмамиз коммунистлари бундан қаноатланмаяптилар. Умуман, фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинми? Мен мумкин ва шарт дейман. Бу фикримга корхонамиздаги барча сифат назоратчилари ҳам қўшиладилар. Бунинг учун эса асосан қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

Сифатни яхшилашга тўғаноқ бўлаётган энг биринчи масала — бу хом ашёнинг стандартга тўла жавоб бермаслигидадир. Бирлашмани вискоза деган сунъий ипак қилиш учун целлюлозадан тайёрланадиган қуюқ ёпишқоқ модда билан «Барнаулхимволокно» бирлашмаси таъминлайди. Улар билан анчадан буён ҳамкорлик қиламиз. Таъминотчилар кўп йиллардан бери бизга биринчи нав ўрнига иккинчи, учинчи, ҳатто тўртинчи навли вискоза жўнатмоқдалар. Барнауллик химикларга, КПСС Олтой ўлка комитетига, ҳатто СССР Химия саноати министрлигига бир неча марта талабномалар ёздик. Бироқ улар эътиборсиз қолдирилиб, ҳамон сифатсиз хом ашё юборилмоқда. Сурхондарё областидан олинаётган пахта толасининг сифатсизлиги ҳам бизни ноқулай аҳволга солиб қўймоқда.

Сифат пастлигининг ўзимизга боғлиқ томонлари ҳам анчагина. Чунончи, оҳорлаш, бўяш, гул босиш цехларидаги айрим ўртоқларимизнинг масъулиятсизлиги натижасида сифатсиз (брак) газламалар ҳам пайдо бўлиб қолаётир. Хўш, бу қай тарзда юзага келмоқ-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 9 (439)
Сентябрь
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Зал №4

да? Кўпинча ўзимиз машиналарни тозалаш, уларни технология қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ишлатишга эътиборсизлик билан қараймиз. Бу эса газламанинг йиртилиб, гулининг хира тортиши ва айрим жойларининг тешилиб қолишига олиб келаётир. Бундан ташқари, тахлаш-саралаш участкасида маҳсулотни нотўғри, юпқа қоғозларга ўраш, ёрлиқ осилган ипларнинг ингичкалиги ҳам сифатга салбий таъсир кўрсатаяпти. Шу йилнинг олти ойида ана шундай камчиликлари борлиги учун 85 минг сўмлик маҳсулотга шикоят олдик. Бунинг учун ҳаммамиз ўзимизни айбдор ҳисоблашимиз лозим.

Эндиликда сифатсиз газлама тайёрлашнинг ўзимизга боғлиқ томонларини тўла бартараф этишга ҳаракат қилаётирмиз. Назоратчиларнинг малакасини ошириш тадбирлари белгиланмоқда.

— Бирлашмада техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш йўлида қандай тадбирлар амалга оширилаётир?

— Кейинги пайтларда техника тараққиётини жадаллаштирмай туриб, ишда туб сифат ўзгаришларига эришиб бўлмаслиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу асосий технологик жараёнлар механизация зиммасига юкланган бизнинг соҳамизга ҳам тўла тааллуқлидир. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш борасида бирмунча тадбирларни амалга ошираяпмиз. Чунончи, сўнгги йилларда Норин, Уйчи, Учқўрғон районлари марказида янги филиаллар қурилиб ишга туширилди ва замонавий йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Натижада бирлашманинг маҳсулот тайёрлаш қуввати бир неча баравар ортди. Бу қувончли, албатта. Аммо бизни шу соҳадаги бошқа масалалар ташвишлантирмоқда. У ҳам бўлса бош корхона ҳисобланган бизнинг комбинатимизнинг реконструкция ва қайта қуроллантиришга муҳтожлигидадир. Маҳсулот сифати пастлигининг бир томони ҳам худди шу масалага бориб тақалади.

Хўш, бош корхонада техника воситаларидан фойдаланиш, уларни янгилаб боришнинг аҳволи қандай? Бу саволга дадил ижобий жавоб бериш қийин. Цехлардаги дастгоҳларнинг икки мингга яқини жуда эски, кам унумли. Уларнинг аксарияти қарийб 20 йилдан бери ишлатиб келинаётир. Айниқса, тўқув ва пардозлаш ишлаб чиқаришидаги ускуналар моддий ва маънавий жиҳатдан жуда эскириб қолди. Уларнинг иш унуми паст. Бизда ҳам янгилари ўрнатилса, унумдорлик 1,5 баравар ортиши мумкин. Бу соҳада ҳеч қандай иш қилинмаяпти, деб айта олмайман. Бироқ, олиб борилаётган тадбирлар кўлами 10 минг киши ишлайдиган корхонамиз учун ниҳоятда оз. Масалан, машина ва механизмларни ремонт қилиш учун ҳар йили 5 миллион сўм маблағ сарфланмоқда. Лекин бундан кутилганчалик самара олинмаяпти.

Янги филиалларнинг ишга туширилиши хом ашё миқдорини анча кўпайтирди. Лекин бош корхона уни қайта ишлашда шошилиб қолаяпти. Айниқса, бўяш-пардозлаш цехининг қуввати талабга жавоб бермайди. Ҳозир бу ерда қувватлардан унумли фойдаланилаяпти. Шунда ҳам кўплаб хом ашё навбат кутиб турибди.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, тармоқдаги бошқа илғор корхоналар билан кенг қадам ташлаш, ўн иккинчи беш йиллик план-топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун бирлашмада техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва таъмирлашни тезлик билан амалга ошириш зарур. Бунинг учун лойиҳа ечимлари тайёр, фақат энди гап республика Енгил саноат министрлиги раҳбарларида қолди. Улар эса бу масалага етарли эътибор бермаяптилар. Агар аҳвол шу тариқа давом этадиган бўлса, тайёрланган лойиҳалар жорий этилмасданоқ эскириб, талабга жавоб бермай қолади. Шу боис, бизга бу соҳада амалий ёрдам зарур.

Суҳбатни Қ. **НАЖМИДДИНОВ** олиб борди



Теримчи қиз. **Д. Тайберг фотоэтюди**

Санобар ҲАСАНОВА

ИСТАК

Йўлинг тушса олисга агар,
Хаёлингда орзудай кезсам.
Гар ўртаниб уйғонсам саҳар,
Соғинчингни юлдуздан сезсам.
Тунда агар қайтсанг йироқдан,
Йўлларингнинг ҳилоли бўлай.
Кўнглинг хира тортса фироқдан,
Қувонч бўлиб чеҳранг кулдирай.
Босган изинг тоши кўп сўқмоқ,
Тилагимдир сабру қаноат.
Ёвуз ният гар бўлса нуқмоқ,
Нигоҳимдан ёнсин ҳар офат.
Йўллар аро чанқаб толиқсанг,
Чашма бўлиб қошингга келай.
Иссиқдан гар ҳориб нолисанг,
Барглар каби елпиб, ўргилай.
Йўлларингда кўтарилса чанг,
Сувлар сепиб салқинлатгум бор.
Хомуш тортсанг, таратиб оҳанг,
Ғазалларим ўқийман такрор.



ЧОЙХОНА

Фарғона водиси беқиёс чаман,
Чаманлар биридир серқут Наманган,
Ажойиб бир шаҳар чеҳраси кулган,
Дурлар дурдонаси бўлган Наманган.
Бағрида кўп эрур сўлим чойхона,
Ҳорганлар чой ичар қона ва қона.
Чойхоналар бири шинам «Дилором»,
Агар чой ичсангиз ором олар жон.
Янги пахта гулли чойнакларда чой,
Атлас пиёлалар...
Сиз ҳам ҳойнаҳой
Шунда бир пасгина олсангиз дамни,
Дадилроқ босарсиз, дўстлар, қадамни.
Ҳар дам ширин суҳбат қурарлар
чоллар,
Суҳбатлар мазмуни ёшлик, хаёллар...
Саҳардан таралар ёқимли куйлар,
Ҳар нозик кўнгилда режали ўйлар.
Чой ичган оталар шундай дейдилар:
(Аслида оталар табаррукдирлар)
— Мунчалар ажойиб иссиққина чой...
Барглар ранги мисол чойдаги чирой.
Чой ранги эслатар баҳорни, ёзни,
Оламга табиат берган пардозни.
Чойни ўйлаб топган кимсага раҳмат!
Бахтимизга замон тинч бўлсин фақат.
Саҳар келинчаклар дамлайди кўк чой,
Чойда аксин кўрар кўк чироғи ой.
Чой — жонлар ороми, юрак қуввати,
Бир пиёла чойда инсон ҳиммати...
Дастурхон кўркидир хушбўй кўк
чойим,
Дил-баҳринг очувчи яшил чиройим.

Наманган

ТИНЧЛИК ҚАЛҚОНИ

В. И. ЛЕНИННИНГ «ПРОЛЕТАР РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҲАРБИЙ ПРОГРАММАСИ» МАҚОЛАСИ ЁЗИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин 1916 йил сентябрида «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» деган мақоласини ёзди. Бу асар илк марта 1917 йил сентябрь — октябрь ойларида матбуотда босилиб чиқди ва ўқувчилар қўлига етиб борди.

Бу давр жаҳон империалистик уруши янада кучайган, фронтларда шиддатли жанглар авж олган, халқлар оммасининг турмуш шароити кескин ёмонлашган, халқнинг норозилиги ва ғазаби кучайган, революцион вазият кескинлашган давр эди. Россия, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда урушга қарши иш ташлашлар ва сиёсий намойишлар сони орта бораётган, социалистик партиялар сафларида интернационалистлар кучи кўпайиб ва мустаҳкамланаётган эди. Мустамлака ва қарам мамлакатлардаги эзилган халқларнинг миллий озодлик ҳаракати кенгайиб борарди.

Воқеалар оқимида урушнинг дастлабки кунларидаёқ В. И. Ленин ишлаб чиққан большевистик партия йўлининг тўғрилиги исботланди. В. И. Ленин раҳбарлик қилган большевиклар партияси бутун дунё социал демократиясига уруш даврининг энг оғир шароитида қаҳрамонона революцион иш юритиш намунасини кўрсатди, халқаро социалистик ҳаракатда авангард куч сифатида майдонга чиқди. Мазкур мақолада социалистик революциянинг марксча назарияси ривожлантирилиб, империализм даврида ишчилар синфининг революцион курашини авж олдириш истиқболлари қуйидагича белгилаб берилган эди. «Бир мамлакатда ғалаба қилган социализм умуман ҳамма урушларни асло ёппасига рад этмайди... Капитализм турли мамлакатларда ниҳоятда нотекис ривожланиб боради. Товар ишлаб чиқариши шароитида бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бундан келиб чиқадиган қатъий хулоса шуки, социализм барча мамлакатларда бир вақтда ғалаба қозонолмайди. У дастлаб бир ёки бир неча мамлакатда ғалаба қозонади, қолган мамлакатлар эса бирмунча вақтгача буржуа мамлакатлари ёки ҳали буржуа тараққиёти даражасига етмаган мамлакатлар бўлиб қола берадилар. Бу ҳол бошқа мамлакатлар буржуазияси билан социалистик давлатнинг ғолиб пролетариати ўртасида низо туғдириши билан бирга, шу мамлакатлар буржуазиясининг социалистик давлат пролетариатини тор-мор қилишга очиқдан-очиқ интилишига ҳам сабаб бўлиши турган гап. (В. И. Ленин. ТАТ, 30-том, 159—160-бетлар).

В. И. Ленининг ушбу фикридан, социализм билан капитализм узоқ вақт ёнма-ён яшаши тарихан муқаррарлиги тушунилади. Бунда пролетариат, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашидан манфаатдордир. Агрессив урушлар пролетариат учун бегонадир. Икки тузумнинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги ленинча ғоя Совет давлати ва бошқа социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатининг, уларнинг тинчлик учун, урушларнинг олдини олиш учун курашида йўл белгиловчи дастакка айланди.

КПСС Марказий Комитети, Совет давлати ўз фаолиятини жаҳонда тинчликнинг қарор топишига, халқлар ва давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар йўлга қўйилишига қаратадики, бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездида қилган Сиёсий докладида бундай деган эди: «Биз ҳозирги замон шароитидаги курашнинг бош йўналиши — барча халқлар учун муносиб, чинакам инсоний турмушнинг моддий ва маънавий шарт-шароитларини яратишдан, планетамиздаги ҳаётни таъминлашдан, унинг бойликларига, аввало энг катта бойлик — инсоннинг ўзига, унинг имкониятларига авайлаб муносабатда бўлишдан иборат эканлигига асосланамиз. Айни шу соҳада биз капитализм системаси билан мусобақалашишни, мустаҳкам тинчлик шароитида мусобақалашишни таклиф қиламиз».

В. И. Ленин қатнашган Штутгарт (1907 й.) ва Копенгаген (1910 й.) халқаро социалистик конгрессларида ҳамма мамлакатларнинг социалистларини милитаризмга қарши актив курашга, ўз ҳукуматларидан қуролланишни камайтиришга, давлатлар ўртасида чиқадиган келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этишни талаб қилишга даъват қилувчи революциялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Владимир Ильич маълум шароитларда демократик чора сифатида, тинчликни сақлаш, давлатлар ўртасида уруш хавфини камайтириш мақсадида қуролсизланиш талабини илгари суришни зарур, деб эътироф этган эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин, 1922 йилда Генуя халқаро конференциясида совет делегацияси В. И. Ленин ташаббуси билан қуролланишни ялписига камайтиришни ва оммавий қирғин қуролларини мутлақо ман қилишни таклиф қилиб чиқди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлати қуролсизланиш масаласини конкрет-тарихий жиҳатдан қўйиш зарурлиги тўғрисидаги ленинча қоидага изчил тарзда амал қилиб, қаттиқ халқаро назорат остида амалга ошириладиган давлатлар ўртасида уруш чиқишига имкон қолдирмайдиган, ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини илгари суриб келмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, шунингдек, бошқа марксча-ленинча партиялар қуролсизланиш, оммавий қирғин қуролларини йўқотиш дунёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва урушнинг олдини олишда энг тўғри йўлдир, деб билмоқдалар. Бу тинчликсевар сиёсат инсониятнинг келажаги манфаатига, инсониятнинг кўпчилиги интилишига мосдир.

Бинобарин, «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» мақоласида доҳиймиз В. И. Ленин томонидан чиқарилган хулосалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Жаҳондаги барча коммунистик ва ишчи партиялар уларни ўз фаолиятларига татбиқ этган ҳолда тараққий этмоқдалар.

Омон ТЎРАЕВ,
илмий ходим



Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхознинг илғор механизатори Пошшожон Хўббиева.

Қ. Отаев фотоси (Ўз ТАГ)

КОСМОНАВТИКАМИЗНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ



Космонавтлар Л. Кизим ва В. Соловьев ерга муваффақиятли қўндилар.

В. Кузьмин ва А. Пушкарев фотоси (ТАСС фотохроникаси)

4 ойдан кўпроқ, яъни 125 кечаю кундуз коинотда! Космонавтларимиз Леонид Денисович Кизим ва Владимир Алексеевич Соловьев космик фазода мана шунча узоқ муддат бўлиб, «Салют—7» ва «Мир» орбитал станцияларида фан ва техника учун қимматли бўлган ҳамда келгусида космосни кенгроқ тадқиқ қилиш мақсадларига қаратилган кўпгина муҳим тадқиқотларни ва экспериментларни амалга оширдилар. Уларнинг фаол иштироки билан космонавтика тарихида илк бор бир экипажнинг орбиталараро учиб ўтиши муваффақиятли амалга оширилди ва одам бошқарадиган икки орбитал комплексда муҳим тадқиқот ишлари бажарилди.

Космонавтларимизнинг бу галги самарали парвозлари натижасида янги «Мир» орбитал станцияси конструкциялари ва унинг ичидаги системаларнинг элементлари ҳар томонлама синовдан ўтказилди, станциядаги аппаратлар созланди ва иш ҳолатига келтирилди. Иккита «Прогресс» автоматик юк кемаларида орбитага олиб чиқилган асбоб-ускуналар билан, шунингдек, «Салют—7» — «Космос—1686» орбитал комплексидаги «Союз Т—15» кемасида келтирилган асбоблар ва ускуналар билан станция қўшимча равишда жиҳозланди. Шу зайлда «Мир» орбитал станциясидаги ишларнинг биринчи босқичи тўла-тўкис бажарилди.

Экипаж «Салют—7» станциясида келажакда Ер атрофи орбитасида катта ҳажмдаги мураккаб конструкцияларни яратишда амалий равишда фойдаланиш мақсадида очиқ космосда технологик операцияларни пухталаштириш ниятида кенг кўламли ишларни муваффақиятли амалга оширди. Космонавтлар ана шу станцияни ишлатиш бўйича программада кўзда тутилган илмий-техникавий тадқиқотларни ниҳоясига етказдилар.

Парвоз программасини бажариш чоғида космонавтларимиз чинакам мардлик ва юксак касбий маҳорат намуналарини кўрсатдилар.

Космонавтлар Леонид Кизим ва Владимир Соловьев парвози вақтида бажарилган тадқиқотлар ва экспериментлар натижаларидан фан ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг кўламда фойдаланилади. Бир парвоз давомида икки орбитал станцияда экипаж ишини ташкил этиш тажрибасидан махсус орбитал модуллари бўлган кўп мақсадга қаратилган ва одам бошқарадиган доимий ҳаракатдаги комплексларни ишлатишда фойдаланилади.

Уч туташтирув узелига эга бўлган «Мир» станцияси ва «Салют—7» — «Космос—1688» орбитал комплекси автоматик режимда учишни давом эттирмоқда.


Космонавтларимизнинг узоқ давом этган навбатдаги янги парвозининг муваффақиятли амалга оширилиши КПСС XXVII съездининг космик фазони бундан буён ҳам тинч мақсадларда ўзлаштириш юзасидан белгилаб берган тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида катта ютуқ бўлди.

НИҲОЛ ЭКДИМ

Ниҳол экдим кўкламда,
Бўлиб кўркам гуллагай,
Дала-даштни яшнатган
Сахий кўклам гуллагай,
Камол топиб орзумиз,
Сўлмай ҳар дам гуллагай,
Доҳий Ленин ижоди —
Озод ўлкам гуллагай.
Бир марказга бирлашиб,
Дўстлигимиз ирмоғи,
Порлаб тургай ҳамиша,
Иқболимиз чироғи,
Қайнай берсин мавж уриб,
Илҳомимиз булоғи,
Доҳий Ленин ижоди —
Озод ўлкам гуллагай.
Ўзинг эрур, Ватаним,
Ҳуррият хиёбони,
Гулга буркаб ҳар ёғинг,
Бўлдинг тинчлик посбони,
Энди бордир ҳар ишга
Сафо Очил имкони,
Устоз Ленин ижоди —
Озод ўлкам гуллагай.

Сафо ОЧИЛ

Тошкент



ЛИРИК ҚАТРАЛАР

* * *

Соғиндимки, сени шунчалар,
Соғингандай тонгни ғунчалар.
Ишқ ўтида куйдирсанг, майли,
Ҳижрон тиғин урма бунчалар!
Сен хаёлга қолдинг айланиб,
Оташ қалбга жондек жойланиб.
Лекин, лекин армонда тўнгган —
Бир саволга қолма, айланиб!
Биласанми соғинчларимни?..

* * *

Елқинли муҳаббат тандадур,
Уй-фикрим, хаёлим сандадур.
Излайман сен моҳи малакни,
Сеҳрлаб олгансан юракни.

Илинжим, қувончим, куйимсан,
Қалбимда мавж урган туйғумсан.
Қоғозга тўкилган дургинам,—
Юрагим парчаси — шеъргинам!..

* * *

Кечани кўраман,
Мудҳиш кечани,
Момомнинг афғонли эртакларида.
Бугунни кўраман,
Нурга чўмилган —
Беҳудуд боғларнинг чечакларида...
Эртани кўраман,
Гуррос эртани —
Беғубор навниҳол куртакларида...

Умарали ҚУРБОНОВ

Бешариқ

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

САМАРАДОРЛИК ҲИСОБИГА

Тошкент Тўқимачилик комбинатида йил давомида ишлаб чиқариладиган газламаларнинг 60 фоизи янги ном билан аталади. Бу ерда тайёрланадиган чит ва сатин газламаларига моҳир пардозловчилар ўлкамизнинг ажиб рангларидан жило берадилар. Пишиқ ва силлиқ тўқилган газламаларга босилган ранго-ранг гуллар мамлакатимиз ва ҳатто чет эллик мижозларнинг кўнглига серқуёш Ўзбекистонимиз ҳароратини уфуриб туради. Ана шундай газламалардан бири «Нева тўлқинлари» деб номланган. Бу газлама ўзининг нафислиги билан ҳаммага манзур бўлиб қолди. Корхона коллективи йил бошидан буён иқтисодий синов шароитида меҳнат қилаяпти. Демак, коллективнинг ҳуқуқи кенгайган. Шунинг билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига бўлган талаб ҳам ошган. Бундай шароитда ишлаш тўқимачилар зиммасига катта масъулият юклайди. Нафақат маҳсулот, балки, унинг кўркамлиги, мижозларга манзурлиги ҳам доимий эътиборда бўлади. Ана шундай маҳсулотлар (умумий ҳажмнинг 70 фоизи) Н (Янгилик) белгиси билан ишлаб чиқарилаяпти. Тўқимачиларимиз яқин-яқингача қолоқлар сафини тарк этолмай келишарди. Бунга ишчи кучининг етишмаслиги асосий сабаб эди. Дарвоқе, бу муаммо ҳали ҳам ҳал этилмаган. Аммо ишлаб чиқариш жараёни кейинги вақтда бир мунча тартибли йўналиш ола бошлади. Бунга эски, самараси кам дастгоҳларни янги, ишлаб чиқариш суръати юқори бўлганлари билан алмаштириш туфайли эришилаяпти.

Корхонада «Янги дастгоҳни унумли меҳнат зонасига айлантирайлик» шиори кенг ёйилган. Биз иккинчи тўқув фабрикасининг СССР Олий Совети депутати, Виноградова номидаги мукофот лауреати, таниқли тўқувчи Каромат Ёқуббоева хизмат қиладиган участкасида бўлганимизда, моҳир тўқувчининг шогирди Лола Йўлчиеванинг жонкуярлиги ҳақида гапириб қолишди. Унинг бу меҳнат даргоҳига келганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Устозининг жўяли маслаҳати, ўзининг тўқувчилик касбига сидқидилдан меҳр қўйганлиги туфайли тилга тушди. Ёш тўқувчи ҳозирданоқ юқори даражали хизмат усулига ўтиб олган. Ҳозир у 30 та тўқув дастгоҳини бошқараяпти. Тўғрисини айтганда, қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Ахир, тармоқ нормасини бир ярим баробар бажаришнинг ўзи бўлмайди. Тошкент Тўқимачилик комбинатида Лолага ўхшаб фидокорона меҳнат қилаётганлар жуда кўп. Лола, Дилбар, Зуҳра, Зулфия... Бу илғорларнинг номи эндиликда кўпчиликка яхши таниш. Улар истеъмолчиларнинг ип газламаларига тобора ошиб бораётган талабини иложи борича қондиришни ўз вазифалари деб биладилар. Зиммаларидаги бу масъулиятни ҳис қилган меҳнат аҳли узоқ муддат давомида интилишлар, изланишлар натижасида қўлга киритаётган ютуқлари билан фахрланишга ҳақли. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқаришнинг ўсиши давомида биринчи марта самарадорликни ошириш ҳисобига муваффақият қозонилаяпти.

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ



Тошкент Тўқимачилик комбинатининг илғор ишчилари Сайёра Қўчқорова, Лола Йўлчиева, Афруза Ҳусанова.

В. Мосин фотоси



Машҳур тўқувчи Дилбар Қулматова иш устида

Л. Глауберзон фотоси

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Асалари исиб кетса

Асалари ҳатто энг иссиқ пайтда ҳам тиним билмайди. Тоқати тоқ бўлгандагина йиғган нектари ёки бир томчи сувни танидан сиқиб чиқаради. Бу томчи асаларининг сўрувчи хартумчаси устида буғланиб, совутиш системаси хизматини ўтайди. Шунинг учун асаларилларга иссиқ писанд эмас.

Янги қурилма

Денгизлар ва океанлар тагидаги бойликлар Францияга ўхшаш денгизли мамлакатларнинг тобора эътиборини тортмоқда. Бу ерда сувостини тадқиқ қиладиган янги қурилма яратилди. У сув ости чуқурлигидаги фойдали қазилмаларни қидириш билан бирга ўша жойларнинг суратини ҳам олади. Қурилма ёрдамида сув ости телефон кабелларини ремонт қилиш ва бошқа ишларни бажариш ҳам мумкин.

Бу қурилма сув остида 600 метр чуқурликкача тушади, 7 соат давомида узлуксиз ишлай олади. Қурилма бошқариш пультидаги микропроцессордан йўналтирилган сигналлар орқали бошқарилади.

Японияда ҳам 1989 йил ишга туширилиши мўлжалланган худди шунга ўхшаш қурилма яратилмоқда. Бу — бўлажак аппарат 6 минг 300 метр океан тубига туша олиши ва 9 соат ишлай олиши мумкин. У ҳам сув ости қазилма бойликларини аниқлайди, муайян чуқурликдаги жараёнларни тадқиқ этади ва зилзила зоналарини белгилашга хизмат қилади.

«Қоронғулик» излари

Тахминан 3 минг 500 йил аввал Мисрда бир қанча вақт ўта қоронғулик бўлган. Мисрдаги фиръавнларнинг 18 сулоласидан қолган манбалар ҳам буни тасдиқлайди. Яқинда Вашингтондаги Смитсон институтининг олимлари «Миср туни» сабабини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Эгей денгизидаги Тир оролида ҳамда Нил кўрфазидан топилган вулқон кулининг таҳлили қоронғулик сирини билиш имконини берди. Маълумки, эрамиздан аввал 1 минг 400 йилда юз берган Санторин вулқонининг отилиши инсоният хотирасида сақланиб қолган. Бу энг катта вулқон хуружи натижасида ҳавога 13 куб километрдан 18 куб километргача кул отилган. Шамолнинг кучи билан бу кул жанубий-шарқий Ўрта денгиз устига сурилган. Санторин вулқонидан отилган кулни геологлар Крит, Родос ва бошқа грек оролларидан ҳам топдилар. Олимлар Минай маданияти ҳалокатини ҳам шу вулқон отилиши билан боғламоқдалар.

Нил кўрфази ва Санториндан олинган кул намуналарининг ёши бир хиллиги Мисрдаги зимистонга ҳам Санторин вулқонининг отилиши сабаб бўлганини исботлайди.

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Отаулла ОҚИЛОВ,
биология фанлари доктори, профессор

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг тарихий қарорларида совет кишисининг соғлиғи, моддий ва маданий ҳаётини янада яхшилаш кўзда тутилади. Бошқа фан тармоқлари қатори совет медицина фани ҳам муттасил ривожланаяпти, шифохоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар сони тобора ортмоқда, совет кишисининг саломатлигини яхшилаш, умрини янада узайтириш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш тадбирлари кўрилаяпти.

Халқимизнинг турмуш даражасини янада кўтаришни таъминлайдиган, меҳнаткашларнинг кенг истеъмол молларига, турар-жойларга ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш тадбирлари ҳам партия ва совет ташкилотлари томонидан изчил амалга оширилмоқда.

Ўтмишда аҳоли ўртасида кенг тарқалган хавфли ва юқумли касалликлар: ришта, трахома, безгак, вабо, лейшманиёз, чинчечак, бўғма каби касалликлар эндиликда тамоман тугатилган. Аҳолининг юқумли касалликлар билан касалланиш кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада камайиб бормоқда. Лекин давлатимиз кўрсатаётган жуда катта миқёсдаги моддий ва маданий ёрдам, шунингдек, малакали медицина хизмати билангина тўлақонли соғлом турмуш тарзига эришиб бўлмайди, албатта.

Коммунистик жамият кишиси ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом, билимдон, коммунизм ғояларига садоқатли, она-Ватан ва халқ олдидаги инсонийлик бурчини яққол англаган, одобли, юксак маданиятли бўлиши ҳам керак. Ҳар бир киши ўз саломатлигини мустаҳкамлаш учун ғамхўрлик қилиши, ўзгалар соғлиғига ҳам бепарво бўлмаслиги лозим, албатта. Лекин ўзимизга ва бошқалар турмушига холисона назар ташласак, кишилар ўртасида ахлоқ-одоб нормаларига амал қилмаслик ҳоллари учрайди. Саломатлик кушандаси — спиртли ичимликларга ружу қилиш, тамаки чекиш кабилар шак-шубҳасиз инсоннинг нормал турмуш тарзига ёмон таъсир этади. Инсон саломатлигига путур етказувчи салбий омиллар ҳақида сўз юритар эканмиз, айрим ғайриилмий урф-одатларимиз: диний ақидаларга амал қилиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқ зарур.

КПССнинг XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми (1983 йил) қарорларида совет кишиларини мафкуравий жиҳатдан етукликка кўтариш программаси янада такомиллаштирилди, унда коммунистик тарбия кўламини кенгайтириш ва уни бугунги талаблар даражасида ташкил этиш алоҳида таъкидланди. Коммунистик тарбия масалалари ғоят серқирра бўлиб, унга партия идеалларига садоқат, ватанпарварлик, ахлоқий поклик, диний ақидаларга қарши бешафқат курашиш фазилатлари киради. Такрор айтамизки, атеистик тарбия коммунистик тарбиянинг ажралмас, таркибий қисмидир.

Барча ёшдаги кишилар, хусусан, келажагимиз ҳисобланган ёшлар ўртасида атеистик тарбияни олиб боришда ҳамма ўзини сафарбар сезса, у идеологик фронтнинг фаол жангчиси бўлаолса, у аввало ҳақиқат олдида, халқ олдида, қолаверса, ўз виждони олдида хайрли иш қилган бўлади. Атеистик тарбияни фақатгина партия ва комсомол ташкилотлари, сиёсий билимлар вакиллари: философлар, тарихчилар, иқтисодчилар, кўп сонли тарғиботчилар ва агитаторлар зиммасигагина юклаб қўйиш ва бошқа касб ҳамда илм вакилларининг четда туриши кечирилмас ҳолдир. Ёшлар ўртасида атеистик тарбияни жуда эрта бошлаб, мактаб педагоглари, тарбиячилар ўқувчи боланинг ёшига, билим доирасига қараб, ишонарли ва ҳаётий мисоллар замирида, материалистик дунёқарашнинг ҳақиқатлигини, идеалистик дунёқарашнинг тамоман сохта далиллари эса сароб эканлигини мунтазам фош этиб борсалар, бу хайрли ишда ажойиб натижаларга эришишимиз табиийдир.

Йўқолсин жаҳолат!

Илм-фан ютуқларини аниқ, тўлақонли тарғибот қилабилиш ҳам оммани атеистик тарбиясида муҳим омил ҳисобланади. Турли фан кишилари: химия, физика, биология, геология, астрономия, генетика фанларининг илмий ютуқлари мисолида аниқ далиллар билан, лўнда қилиб, диний ақидаларнинг фанга зидлигини, унинг замири пуч ва сохта эканлигини исбот қилиб берсалар, атеистик тарбиянинг самарадорлиги шунча ортади. Масалан, биология ва медицина фанлари эришган ютуқлар мисолида идеалистик дунёқарашнинг асоссизлигини далиллар билан исботлаш мумкин. Чунончи, ҳаммамиз учун маълум: кишининг туш кўриш ҳодисасини олайлик. Диний ақидалар туш кўришни илоҳийлаштириб, уни баъзан қувончли онлар, баъзан эса ногиҳон таҳлика, бахтсизликлар даракчиси деб ҳисоблайди. Ҳозирги замон медицина, одам физиологияси фани эса бу масалани илмий исбот қилган.

Одамнинг туш кўриши, аввало, бу бахт ёки бахтсизлик хабарчиси эмас, балки шу шахснинг яқин орада ёки узоқ ўтган дамларда бошдан кечирган воқеалар унинг бош мия қобиғида қолдирган изи, аксининг талқинидир. Шу билан бир қаторда инсон тушига баъзан «етти ухлаб, эсга келмаган» тасодиф, ақл бовар қилмайдиган воқеа-ҳодисалар ҳам кириши мумкин.

Аввало, одамнинг туш кўриши унинг уйқуси етарли сокин эмаслигидан, бош миянинг эса қобиғ қабатида тормозланиши билан бир қаторда айрим марказларнинг ҳали сергак эканлиги натижасидир. Умуман, соғ одам, меъёрли ухласа, у туш кўрмаслиги керак. Инсон қанчалик жонсарак, безовта бўлса, у турли-туман тушлар кўраверади. Бу нарса илмий далиллар билан исботланган.

Яна бир далил келтирсак, хурофотчилар ҳомиланинг жинсини, яъни ўғил ёки қиз туғилишини ҳам «илоҳий сир» деб ривоят қиладилар ва бу «сирдан» воқиф бўлишликни гуноҳ деб ҳисоблайдилар. Илмий медицина, хусусан, одам ирсияти фани бу жумбоқда ҳам ҳеч қандай сирли мўъжиза йўқлигини тўла исбот қилиб берди. Ҳозирда медицина фани Грузия ССР Фанлар академиясининг академиги А. Чачава кашф этган илмий усулга асосланиб, аёлларда ҳомиладорликнинг илк муддатларида — 5—6 ҳафтадаёқ, яъни аёлнинг кўзи ёришидан 6—7 ойлар олдин жуда осон, ҳаммабоп усул асосида туғилажак чақалоқнинг жинсини аниқ айтиб бериши мумкин. Ҳомиладорликнинг кейинги ойларида эса ультратовушли томограф ёрдамида, ҳомиланинг барча аъзо ва тўқималари ривожини кузатиш, агар бирон бир касаллик аломатлари топилса, уни бола туғилгунча даволаш ҳам мумкинлигини тасдиқ этиб, илмнинг яна бир жаҳолат устидан тантанасини намойиш этди.

Ниҳоят, яна бир мисол. Ҳозирги замон ирсият фани яқин қавм-қариндошлар, акаука, опа-сингил, холаваччa, тоғаваччаларнинг фарзандлари ўзаро никоҳланувлари мақбул эмаслигини илмий исбот қилиб берди. Бу каби никоҳланувда авлоддан-авлодга яширин ҳолда ўтувчи ирсий касалликларнинг рўёбга чиқиши, яъни касалликнинг суяк суриш салмоғи ортар экан. Ваҳоланки, диний ақидалар бу хил никоҳланувда авлод ва аждодлар яқинлиги афзаллигини даъво қилади.

Атеистик тарбия олиб боришда биология ва медицина фанларининг илмий хулосалари шунчалик ҳозиржавоб ва ҳаққонийки, биз улардан баъзи мисоллар келтирдик, холос.

Фарзандларимизнинг камолотга етиши, давримизнинг етук кишиси бўлиб етишиши аввало, ота-онага, мактабгача ва мактабдаги тарбиячи устозларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Нури дийдаларимиз соғлом униб-ўссин деб, улар атрофида доимо парвона бўламиз, емасдан — едирамиз, киймасдан — кийдирамиз. Лекин биз катталар болалар тарбияси борасида баъзан ўзимиз сезиб-сезмаган ҳолда айрим, тузатиш қийин бўлган хатоликларга ҳам йўл қўямиз. Бу масалада болага тўғри тарбия бериш, уни ҳалолликка, Ватан ва халқ ишига фидойиликка ўргатиш, уларда диний ақидаларга мойилликнинг шаклланишига мутлақо йўл қўймаслик лозим. Бу борада аввало ота-оналар ва педагоглар ўзлари ибрат бўлмоқлари лозим.

Советлар диёрида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш — бу муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Шунинг учун ота-оналар, педагоглар, тарбиячилар ва шифокорлар учун ёш авлоднинг соғ-саломат, маънавий пок бўлиб ўсиши ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Фарзандларимиз ўғилми, қизми, аввало, улар соғлом, жисмонан бақувват бўлсин, уларга биз шундай тарбия берайликки, улар пок қалбли, меҳр-шафқатли, адолатли, меҳнатсевар инсон бўлиб, совет граждани деган юксак номни доимо оқласинлар. Эзгу мақсадимиз, давримиз тақозоси ҳам шудир.

Жадаллаштириш — давр талаби

ЯНГИ ЙИГИРУВ МАШИНАСИ

Ўзбекистон Тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструкторлари иш унуми юқори даражада бўлган янги йигирув машинасини яратдилар. Қисилган ҳаво ёрдамида механик тарзда ишлайдиган бу машина сифатли иш принципига эга бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, мазкур машинада йигирув ишлари суръати одатдаги айланма йигирув дастгоҳларига нисбатан беш баробар юқори эканлигини айтиш кифоя. Айни пайтда йигирувчининг меҳнат унумдорлиги ҳам шу даражада ошади.

Ҳозир бирлашманинг бош корхоналаридан бири — Тошкент Тўқимачилик машиналари заводида ана шу дастгоҳ агрегатларининг дастлабки туркумини йиғиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Мазкур йигирув машинасидан фойдаланиш саноат учун жуда зарур бўлган ингичка ва пишиқ толаларни кўплаб ишлаб чиқаришга имкон беради. Бу эса истеъмолчиларнинг ана шундай ипларидан тайёрланадиган шифон, зефир, батист, марказит, поплин каби сифатли газламаларга бўлган эҳтиёжини қондириши мумкин. Янги машинанинг яна бир афзаллиги шундаки, бир хил миқдордаги пахта ва бошқа сунъий толадан одатдагига нисбатан бир ярим баробар кўп маҳсулот тайёрланади. Мутахассислар иш жараёнида ортиқча шовқин меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатишини ҳам эътиборсиз қолдирмаганлар. Бунинг учун товуш ва титрашни пасайтирадиган махсус материаллардан фойдаланилди. Блокларнинг алоҳида жойлашганлиги унинг яна бир қулай томонидир. Бу ихчам дастгоҳ бўлакларини иш майдончаларига жойлаштириш осонлашади. Йиғиш тез ва қисқа муддатда бажарилади.

Ўтган йили тошкентлик конструктор ва машинасозлар ўз маҳсулотларини Лейпцигда ўтказилган Халқаро саноат кўргазмасида намойиш этиб, унинг олтин медалига сазовор бўлдилар. Машинасозларимизга муваффақият келтирган янги йигирув машинаси АҚШдан 36 та, шунингдек, Англия, Франция, ГФР, Италия, Швейцария каби тўқимачилик машиналарини ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан кўплаб патент олди.

Шу кунларда конструкторлик бюроси ана шу йигирув дастгоҳини янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда. Дастгоҳ узилган ипларни автоматик равишда улаш, йигирув қурилмаларини тозалаш, тайёр маҳсулотларни йиғиштириб олиш каби юмушларни «бажарадиган» «ақлли қўлча»лар билан таъминланади. Мамлакатимиз фан-техникасининг яна бир янги намунаси йигирувчиларимиз меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг хизматини операторлар хизмати билан тенглаштириш имконини беради.

ҚУЛАЙ ВА ТЕЗ

Республика қурилишини индустрлаштириш корхоналаридан бири — Тошкент йирик блокли уйсозлик комбинати ўзининг янги маҳсулотини ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда бир йўла дераза ва эшик ромлари, электр жиҳозлари, гигиеник техника тармоқлари ўрнатилган квартира блоклари тайёрланади. Завод шароитида, дастлабки иш жараёнидаёқ бетон қуйиш, хоналарни бўёқлаш ишлари бажарилади. Бунинг учун аввал тайёр қолиплар ёрдамида хоналар ясалади. Саккиз соатдан сўнг бу хоналарни пардозлаш мумкин. Бундай усул пардозлаш ишларининг сифатли бажарилишини таъминлайди. Комбинатнинг турар-жой бинолари блокларини тайёрлаш йиллик қуввати 120 минг квадрат метрни ташкил этади. Иш жараёнларининг аксарияти механизмлаштирилганлиги ва автоматлаштирилганлиги кўрсаткичларнинг юқори бўлишини таъминлаяпти.

Комбинат коллективи ҳозирча суткасига 36 та ана шундай хоналарни монтажга тайёрлаш имкониятига эга.

Тошкент шаҳрининг Сергели районида эса ана шу тайёр блоклардан кўп қаватли бинолар қурилмоқда. Квартираларни бир неча ҳамда кўп болали оилалар учун мўлжалланган беш ёки олти хонали қилиб қуриш ҳам мумкин. Бундай квартиралар кенг ва шинам айвончаларга эга бўлади. Хоналарда ўсимликлар, гуллар, манзарали гиёҳлар ўстириш мумкин.

Лойиҳачилар Тошкент шаҳри шароити учун хос бўлган биноларнинг зилзилага бардошлилигини ҳисобга олганлар. Бунинг учун блоклар орасида ҳосил қилинган бўшлиқларга бинонинг бўйи баробар яхлит йўғон темир симлар жойлаштирилади. Бетон билан мустаҳкамланган блокларнинг чидамлилиги шу тариқа таъминланади. Бундай усулда қурилган уйлар зилзилага бардошли, кўркам ва кўп йилларга мўлжалланган дир.

Тайёр блоклардан турар-жой қуриш тажрибаси қурилиш муддатини икки баробар қисқартиришга олиб келди.

Заводда юқори даражада тайёрланган илғор қурилиш маҳсулотидан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши қурилишни индустрлаштириш ва уни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имкониятини беради.

И. АБДУХОЛИҚОВ



Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тўқувчи Гулжаҳон Майорова шогирди З. Хўжаева билан.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ)

Намангандаги Шойи тўқиш комбинати ишчиси Ҳанифа Каримова (ўртада) ҳамкасблари — Санобар ва Шарофат билан.

А. Корниенко фотоси



Сурамиз Буткул Зулматни,

Насриддин Афанди ва Шайтон алайҳул-лаъна

Ғафур ҒУЛОМ

Ҳажвий ҳикоя

Кеч баҳор айёмида мулла Насриддин Афанди ўз яқин дўстлари — Аҳмадали ва Жўравойлар билан Оқтош қишлоғига совчиликка бориб, қуруқ қайтиб келар эканлар, Дўрмон деган қишлоққа келганларида катта бир салқин олчазорга дуч келибдилар. Ўнинчи синф қизларидай қатор, бир текис экилган олчалар ўртасидан биринчи синф болаларидай шовқин-сурон солиб икки тегирмон сувли ариқ шарқираб оқиб ётар экан.

— Келинглар, шу сўлим ерда озгина дам олайлик,— дебди Жўравой.

Учовлари ариқ лабига чўқ-қайибдилар. Ғарқ пишган олчалар маржондай тизилиб уларнинг боши устида майин шабадада тебраниб турар экан. Рад этилган совчиликдан ҳасратлашиб, қўл узатиб олчалардан узиб еб, бекорчиликка эрмак — данагини икки бармоқ ўртасида худди ким ўзар ўйнагандай «тирс-тирс» этиб ариқнинг нариги бетига отиб ўтирар эканлар.

Ана шунда десангиз, худди қиёмат-қойим бўлгандай бўлибди. Ер осма кўприкдай тебраниб кетибди. Ер қаъридан ўкиргандайми, бўкиргандайми гулдурос товушлар чиқибди. Иннайкейин десангиз, шудгорлаб қўйилган ернинг ўртасидан «ғурру-ғурру-ғумбур» дегандай овоз келиб, ер қоқ ёрилибди. Ер ёриғидан бир бочка нефтга ўт кетгандай тим қора, қуюқ тутун осмонга ўрлаб чиқибди. Икки терак бўйими, уч терак бўйими чиққандан кейин яна қуйилиб ерга чўка бошлабди. Одам бўйидан сал баландроқ ерда

ҲАМЗА

ЭШОННИНГ ОҒИЗ ОЧИШЛАРИ

Рўза тутдим фитр учун,
Ҳам йиғишга ушр учун,
Бор закотин олмоққа
Камбағалга хитр учун.

Тубан айлаб бошимни,
Оқизиб кўз ёшимни,
Хилватни саҳиҳ айлаб,
Тушда урдим ошимни.

Амри маъруф, чиллалар,
Шубҳасиз, бу ҳийлалар,
Барчасидан мақсадим:
Танга, червон, тиллалар.

Гар бўлса нодон элим,
Авж олиб турғон келим,
Гўрга киргунча бошим
Ғам юкин кўрмас белим.

Рўза тутдим ош учун,
Ушбу қалам қош учун,
Рўзасини сотаман
Бирор чеким нос учун...

1927 й.



А. Балканов чизган плакат.

В. Дунькин чизган плакат.

ЖАҲОЛАТНИ, ҒАФЛАТНИ!

(ҲАМЗА)

тўхтаб, шаклга кира бошлабди. Бир эмас — иккита, катта-кичиклик.

— Ота-бола дев келаяпти! — дебди Аҳмадали.

— Ростдан-а? — дебди Жўравой, у ҳам яна битта олчани маҳкам қучоқлаб.

— Ҳаф турларинг, ҳозир нималиги билинади,— дебди ўртада ўтирган Афанди пинагини бузмай.

Кейин, десангиз, ҳалиги баҳайбат махлуқ кичкинасини бир қўлидан етаклаб, улар томон кела бошлабди. Каттасининг иккита пармагажак шохи бор, қораю узун шокилали думи бор. Кичкинасининг шохи энди бўртган, бир кўзига катта пахта қўйиб, устидан ингичка қора латта билан боғланган. Бунинг думи ҳам калта — бир қарич келар-келмас.

Бу маҳлуқ уч баҳодир ўғлонларнинг олдига келиб:

— Ким бу ерда олча еган? — деб наъра тортибди.

— Учаламиз ҳам олча еб ўтирибмиз,— дебди Афанди.

— Тирсиллатиб данак отган қайси бирларинг?

— Учаламиз.

— Ҳа-ҳа! — дебди ўшқириб.— Биласанларми, мен Шайтон бўламан! Данак отганда кўзларингга қараб отсаларинг бўлмайдими! Мана, менинг қўзичоқларим ёнғоқ тагида ўйнаб юришган экан, битта данак келиб мана бу кенжатойимнинг кўзини чиқариб қўйибди.

— Бўлмаган гап, — дебди Афанди,— аввало шуки, сен Шайтон эмассан. Бизга туҳмат қилаяпсан.

— Шайтонман!— дебди қобонникидай қайқи тишларини қиртиллатиб.— Асли биз бир отадан эгизак туғилганмиз. Отамиз биримизга Раҳмон деб, биримизга Шайтон деб исм қўйган. Биз — Ҳасан-Ҳусан ўғиллар ҳар куни муштлашаверганимиздан кейин отамиз зерикиб ерни бизга бўлиб бериб кутулди. Раҳмонга ернинг юзию менга ернинг қаъри тегди. Раҳмон сенларга худо бўлиб қолди. У аҳмоққа теккан нарсаларни қаранг — мана шу ўту ўланлар, олтита ёнғоғу бир кафт майиз, сенга ўхшаган аҳмоқ бандалар. Мен — Шайтонга-чи? Ернинг қаъридаги бутун бойликлар, конлар, хазиналар, ўт пускуриб турган вулқонлар... Мен ҳозир сенларни ўғлимни кўр қилганларнинг жазоси учун ер қаърига — жаҳаннамга олиб тушиб кетаман, додингни худога айт.— Қаҳқаҳлаб кулибди.

— Шайтон бўп бўпсан, дедимку,— дебди Афанди.— Ҳали ҳам гап шу, Шайтон эмассан. Шайтонлар кўпинча одамлар ўртасида юради. Сен жуда нари борса, бирор жаҳаннамдан қочган пиёниста девдирсан.

— Ия,— дебди бояги маҳлуқ.— Шайтонлигимга ишонмасанг, қудратимни кўрсатаман. Нима истайсан?

Афанди ўнг томонида ўтирган Аҳмадалига қараб:

— Ука, шу аблаҳга бир қийин иш буюриб, даф қилиб юбор,— дебди.

— Агар Шайтон бўлсанг,— дебди Аҳмадали энди ўзига келиб,— шу жилғани орқасига қайтариб оқиз. Ҳар икки қулочда биттадан фонтанчаси ҳам бўлсин.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Шу ҳам гапми! Мана қараб тур бўлмасам,— деб қўлтиғидан титилиб кетган телефон дафтарчадай китобни олиб филнинг ўпкасидай лабларини шивирлатиб:

— Зумбайк, вили-тили-надзе, зум-байкви, зум-байк, ва, куф! — деб дуо ўқиб сувга уфурди.

Ана шунда десангиз, ҳалиги шўх-шотир ариқча аввалига шиппа тўхтади, кейин ғизиллаганча орқасига оқа бошлади. Ҳар икки қулоч ерда чопаётган саман отнинг думидай фонтанчалар қалқираб турарди.

— Қойилман,— деди хўрсиниб Аҳмадали.— Мен Шайтонлигингга ишондим. Қани, жаҳаннамингга бошла.

— Тўхтаб тур,— деди ҳалиги маҳлуқ,— булар ҳам ишонсин, ҳаммангизни бирга қўшиб олиб кетаман.

— Қани, энди сен, Жўравой ука, ўзинг пухтароқ бир нима девор, бу тўнгбўйинни мот қилиб юбор.

— Агар Шайтон бўлсанг,— деди Жўравой уҳ тортгандай,— шу еб ўтирган олчаларимизнинг танаси кумушдан, япроқлари зумраддан, мевалари ёқутдан бўлиб қолсин.

— Во-ҳаҳ-ҳа-ҳа. Шуни ўйлаб топдингми? Мана қараб тур,— қўлтиқ дафтарчасини олиб «О» ҳарфини қидирди (олчани), сўнг дуо ўқий кетди:

— Ко-бакай ё-чил-озо, чунзуҳу-диган тунзу... Куф, суф! — деб олчаларга дам урди. Ана иннайкейин қарабсизки, ҳалигина майин елда ҳилпираб турган япроқлардан бодроқ қоврилаётган пайтдаги қозонга урилган капкур овози чиқа бошлади.

Қани энди биронта мевасини узиб бўлса! Уч кишилашиб аранг учта олчани узиб олиб оғзиларига солишса — ғажир-ғужур тошгинанинг ўзи.

— Мен бошидаёқ Шайтон эканлигингни сезган эдим,— деди иҳраб Жўравой.— Мунча чўзилдиларинг, қани кетаверайлик. Аҳмадали, бўлар иш бўлди...

— Қани энди сен нимани истайсан?— деди Шайтон Афандига қараб.

— Хўп бўпти. Шайтон бўлсанг Шайтондирсан. Бизнинг ерда, одамлар ўртасида кўпчиликнинг айтганига бўйсуниш деган муқаддас қоида бор. Бу иккови сени Шайтон деб танигандан кейин мен нима дер эдим? Қани, йўл бошла. Кетсак кетдик-да. Кўр бўлиб боқиб оларсан...

— Тўхта,— деди Шайтон,— йўқ, бу йўлинг кетмайди. Сен буларнинг ичида маҳмадона, маккороқ, сўзамолроқ кўринасан. Ер остига олиб тушсам, бутун хўжалигимнинг тўс-тўполонини чиқариб, одамларимни йўлдан урадиганга ўхшайсан. Кел, сенинг ҳам, менинг ҳам армонимиз қолмасин, орани очиқ қилиб олайлик. Буюр, нима ҳунар кўрсатай?

— Буюрганимни қилолмасанг, нима бўлади?— деди мийиғида кулиб Афанди.

— Нима-нима? Менинг қўлимдан келмайдиган иш ҳам бор деб ўйлайсанми? Мен сенинг худойингга ўхшаган ўз бандаларидан қўрқадиган аҳмоқ эмасман. Мен вулқонлар, зилзилалар ҳукмдориман.

— Бўлмаса яқинроқ келиб менга қулоғингни тут,— деди Афанди.

Шайтон букила келиб қора қуённинг терисидек шалпанг қулоғини Афандига тутди. (Маълумки, Афандининг олдида битта тиши йўқ, шу тиш ўрнидан кўпинча «чирт-чирт» тупуриб ҳам юрарди, тўртинчи синф ўғил болаларидай узоқдаги бировни ҳам шу ердан «ҳуш-ш-т» деб чақира олар эди). Ана шу тиш орқасидан чўзиброқ эговни аррага сургандай ғаш келтирадиган қилиб ҳуштак чалди. Сўнг:

— Эшитдингизми?— деб сўради Шайтондан.

— Ҳа, эшитдим. Оддий ҳуштак,— деди Шайтон.

— Бўлмаса сен ҳам армонда қолма. Бу қулоғингни ҳам тут.

Шайтоннинг бу қулоғига ҳам ҳуштак чалиб қўйди.

— Буниси-чи?

— Буниси ҳам ҳуштак.

— Баракалла,— деди Афанди.— Шайтон бўлсанг, қани бир қудратингни кўрсатиб, ана шу ҳуштакларга саккиздан тугма қадаб бер.

(Шайтон шу дамгача ҳуштакка тугма қадай олганини ҳеч бир манбадан учрата олмадик.— Ғ.Ғ.)

Шайтон ҳанг-манг бўлиб қолди. Бу ҳангомаларга томошабин бўлиб турган ўғлига яқинлашиб, унинг қулоқ-чаккасига тортиб юборди:

— Падар лаънат шайтонвачча, ҳамма айб ўзингда экан! Қани юр, қолган жазони онангдан оласан...

Яна ер осма кўприкдай силкинди. Бу силкинишдан совчиликдай узоқ йўлдан қуруқ қайтаётиб ҳориб ухлаб қолган уч оғайни чўчиб уйғониб кетдилар.



ОТЛАР «ТУФЛИ» КИЯДИ

«Отларнинг оёғига қоқиладиган анъанавий тақалар ўрнини тез орада пластмассадан ясалган шиппак эгаллайди. Отлар бундан буён темирчилик корхоналарига бормайдиган бўладилар», деб тасдиқлайди Швейцариядаги от заводининг хўжайини Пьер Феликс. Маълумки, мазкур мамлакатда ҳар ўнта отдан биттаси тақаларининг тез-тез алмаштирилаверишидан азият чекарди. Шу сабабли Пьер Феликс худди юқорида айтилган «шиппак»-лар ишлаб чиқаришга рухсатнома олди. Энди унинг устахонасида дастлаб синтетик материаллардан от туёғининг қолипи олинади ва сўнгра атрофига темир ҳалқа ўрнатилган пластмасса «туфлилар» тайёрланади.

АРХИВДА НИМА ЙЎҚ ДЕЙСИЗ...

Сигету-Мармацией шаҳридаги тарихий музей яна бир ашё билан бойиди. Бу — «янги» топилма... шаҳар архивидан олинди. У бундан 138 йил илгари бўлган чигиртка офатидан эсдаликдир. 1847 йили ёзда ёпирилиб келган чигирткалар Бихор ва Сту-Мнаре райони экинзорларига катта зарар келтиради. Кейинги йили эса бошқа районларни ҳам чигиртка босди, Кимпулунг деган қишлоқ далаларидаги барча ҳосилни еб битирди. Шунда маҳаллий амалдорлардан бири бошлиғига чигирткалар офати ҳақида хат ёзиб, маълумот бериш билан бирга, исботи сифатида босқинчи чигирткалардан ҳам жўнатади. Уша хат ва қуритиб қотирилган чигиртка узоқ вақт архивда ётгач, музейга топширилди.

«ОҚ» ҚАҲВА

Белгия мамлакатидаги дўконларда одатдан ташқари оқмалланг тусдаги қаҳва сотувга чиқарила бошланди. Мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра, бу янги хил қаҳва таркибида қора қаҳвадаги зарарли хусусиятлар йўқ. Бу маҳсулот тўла пишиб етилмаган ҳосилни камроқ қовуриш йўли билан олинади. Рекламаларда айтилишича, «оқ» қаҳва спортсменлар ва ошқозон-ичак касалига йўлиққан кишилар учун айниқса фойдали. Одатдаги қаҳвада қанча кофеин бўлса, «оқ» қаҳва составида ҳам шунча кофеин мавжуддир. Бироқ янги хил қаҳвадаги кофеин инсон организмида тез ва енгил ҳазм бўлади.

ЯЙЛОВ — ХАЛҚ БОЙЛИГИ

ЧОРВАЧИЛИКНИ бежиз зарбдор фронтга қиёслашмайди. Унинг ҳам ўзига хос муаммолари бор. Яйловларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мўл-кўл озуқа жамғариш, қўйлар туёқ сони ва маҳсулдорлигини ошириш, чўпонларга ҳар томонлама маданий-маиший шарт-шароит яратиш каби вазифалар оқилона ҳал этилган тақдирдагина чорва маҳсулотлари мўл бўлади, қишлов бечиқим ўтади.

Биз ана шу муаммонинг муҳим қирраси — яйловларни маданийлаштириш, улардан самарали фойдаланиш ҳақидаги айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Конимехликларнинг ширали, тўйимли перко, рапс ва бошқа экинларни етиштириш йўлидаги изланишлари ҳаммага маълум. Уларнинг тажрибалари республикамизнинг бошқа областлари хўжаликларида ҳам ўрганилмоқда. Аммо районда баъзан яхши бошланган ишларни охирига етказмаслик ҳоллари учраётганлиги кишини ташвишлантиради. Бу, айниқса, бир неча йил аввал қанча куч-меҳнат эвазига юзага келтирилган «яшил оролча»ларга бепарволик, масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинаётганлигида яққол кўринади. «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг 2-фермасидаги аҳвол худди шундай.

Ташвишли сигнал

16 гектар майдонда бедазор барпо этилганига анча бўлди. Бу — саҳродаги дастлабки мўъжиза сифатида эътироф этилган эди. Шундан буён бедазор кенгайгани йўқ, аксинча ишдан чиқиб бораяпти. Бунинг сабаби нимада?

— Ёмғир ёққанга ўхшаб суғорадиган КДН-10 механизмлари яхши ишламаяпти, — дейди ферма раҳбарлари. — Зарур эҳтиёт қисмлар етишмайди.

— Бир ёғи сувнинг ўзи тақчил, ер ости сувлари анча пасайган. Шунча чуқурликдан мотор билан сув чиқариш осонми?

— Мутасадди ташкилотлар ёрдами туфайли бу масалани ҳал этиш мумкин эмасми?

— Мумкин. Лекин бефойда. Сабаби — моторни ишлатадиган даражада электр қуввати етишмайди.

Бир сўз билан айтганда, ферма раҳбарлари асосланадиган сабаблар кўп-у, амалда бирон-бир ҳаракат йўқ. Шунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Навоий области чорвадорлари ҳар йили ғоят мураккаб шароитда ем-хашак тайёрлашади. Ўзларининг яйловларидан жамғаришса, молларнинг ейишига ҳеч нарса қолмайди. Қўшни областлардан келтирилаётган озуқа эса, олтиндан ҳам қимматга тушаяпти. Бу муаммони ҳал этишнинг ягона йўли яйловларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан иборат.

Қизилқум табиати саксовулзорларни кўпайтиришни тақозо этади. Бу масалани ҳал этиш катта қийинчиликлар туғдирмоқда.


— Саксовулзорларни кўпайтиришнинг самарали усулини топиш учун кўп изланишга тўғри келди, — дейди Конимех район партия комитетининг биринчи секретари А. Петросян. — Уруғни қўл кучи, самолётлар орқали сепиш билан ҳам синаб кўрдик. Ҳеч бири кутилган натижани бермади. Аввалги йилдан бошлаб сеялкаларда экаяпмиз. Дастлабки самаралар ёмон эмас. Экилган 16 минг гектар майдондаги уруғ яхши униб чиқди. Ҳозир уларнинг бўйи белга етиб қолган.

Ҳаёт яйловларнинг ҳар қаричини ҳам авайлаб-асрашни кун тартибига қўймоқда. Чунки уларнинг маданий ҳолати жуда секинлик билан яхшиланиб бораётгани ҳолда хўжаликларда давлат ва шахсий секторлардаги қўй-қўзилар сони тез ошиб бормоқда. Бир пайтлар 8—10 гектар майдонга битта қўй тўғри келган бўлса, ҳозир у аксарият жойларда 1,5—2 гектарни ташкил этмоқда. Бу планлаштириш органларидан моллар сонини белгилаётган пайтда атрофлича ўйлаб иш тутишни, асосий эътиборни улар бош сонини кўпайтиришга эмас, маҳсулдорлигини оширишга қаратишни талаб этади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Целиноградда бўлиб ўтган кенгашда сўзлаган нутқида худди шу масалага аҳамият бериб, чорвадорлар олдидаги асосий вазифа — чорва моллари сонини камайтирмаган ҳолда уларнинг маҳсулдорлигини оширишдан иборат эканлигини таъкидлади. КПССнинг XXVII съездида, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида бу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

— Бу йўл — энг мақбул йўл, — дейди Конимех районидаги «Шофрикон» совхози бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нортой Бердиев. — Ахир, молларни ёйишга яйловлар ҳозирданоқ танқис бўлиб қолди. Уч-тўрт кун ўтмай ўтарни яна ўша майдонларда боқаяпмиз. Натижада майса ва ўтлар ўсиб улгурмасдан молларга емиш бўлаяпти ёки улар туёғи остида топталаяпти. Шу ишга масъул мутахассисларнинг яйловлар ҳолати, унинг миқдори билан иши йўқ. Фақат қўйлар бош сонини ўстиришни, ҳар йили кўпроқ қўзини ўстиришга қолдиришни талаб қилишгани-қилишган. Уларнинг фикрича, қўйлар қанча кўп бўлса, маҳсулот шунча мўл бўлади. Шу йўлдан борилса, ишда сифат бўлмаслигини тушунтиролмай жонинг ҳалак. Бу муаммони ечишнинг энг мақбул йўли — қўйлар вазнини ошириш, сифатли қоракўл терилар, жун етиштиришдан иборат, деб ўйлайман. Масалан, бизнинг Конимех районимиз йилига юз мингдан ортиқ қўйни гўштга топширади. Улар ўртача 42—44 килограммдан тош босади. Хўш, бу кўрсаткични 48—50 килограммга етказиб бўлмайдими? Албатта, бўлади.

Нортой аканинг айтишича, истиқболда яйловларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, суғориладиган майдонларда озуқа етиштиришга катта эътибор берилиши лозим.



— Қани, азамат, қулоқ солиб кўрайлик-чи, — дейди медицина фанлари доктори М. Мирзамуҳамедов.

В. Жирнов фотоси

— Қани энди, қўранг олдида уч гектаргина бедазор бўлса... — дейди Бердиев хаёлга берилиб. — Бошқа жойлардан минг азоб билан келтирилаётган ем-хашак жамғариш машаққатидан қутилган бўлардик.

Бердиев меҳнат қилаётган хўжаликда бедазорлар барпо этиш учун Қизилқум табиати унчалик имкон бермайди. Бунинг устига, сув ғоят тақчил. Лекин қизилқумлик чорвадорларнинг орзуси бўлган бу масала кейинги пайтда нуроталик кўплаб чўпонлар учун реал фактга айланди. Улар томонидан чўлда яратилган яшил ороллар минг гектардан ошиб кетди.

— Экинларни суғориш масаласи йилдан-йилга мушкуллашиб бораяпти, — дейди бедазорларни барпо этиш ташаббускорларидан бири, Ленин номли совхознинг бўлим бошлиғи Қ. Абдуллаев. — Аввалари 16—18 метр чуқурликдан сув чиққан бўлса, эндиликда артезиан қудуқларини аввалгига қараганда икки-уч баравар чуқур қилиб қазиш керак.

Табиат ресурсларидан оқиллик, омилкорлик билан фойдаланилмаса, унинг хусусиятлари ҳар томонлама ўрганилмай, ўзлаштиришга киришилса, оқибати жуда катта зарар билан тугаши мумкин. Нуротада артезиан қудуқлари қазишга ортиқ ружу қўйиш натижасида ер ости сувлари йилдан йилга пасайиб бормоқда. Ўртачўл массивида ўзлаштирилган майдонлар коллектор-дренаж шохобчаларининг етишмаслиги ва сифатсизлиги туфайли тобора «ботқоқ»ликка айланмоқда...

Яйловларни маданийлаштириш ҳақида гап кетганда, яна бир масалага алоҳида тўхташ лозим. Нурота ва Конимех районларининг яйловларида катта-катта майдонлар сим тўсиқлар билан ўралган, уларнинг кўпи бузилиб ётибди. Бугун яроқсиз бўлиб қолган бу иншоотлар бир пайтлари кун тартибидаги энг ажойиб янгилик саналар эди.

70-йилларда Бутуниттифоқ Қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти олимлари яйловларни сим тўсиқлар билан ўраш ёрдамида алоҳида-алоҳида бўлакларга бўлишни тавсия қилишди. Уларнинг фикрича, бундай майдонлар тўйимли ўтларни кўпайтиришга, табиий ўтларнинг қалин ўсишини таъминлашга, уларда молларни график бўйича боқишга, буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, яйловларнинг маданий ҳолатини яхшилашга хизмат қилиши лозим эди. Нурота районида бу тавсия қизғин қўллаб-қувватланиб, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги», «Ғозғон», «Нурота», «Қизилча» совхозларидаги минглаб гектар майдонлар юз минглаб сўмлар эвазига сим тўсиқлар билан ўраб чиқилди. Афсуски, бу хайрли иш аста-секин унутила борилди.

Нега шундай бўлди? Давлатнинг миллион сўмлаб маблағи нега елга совурилиб қолаверди? Чунки бу янгиликни ҳаётга жорий қилишдан олдин хўжалик раҳбарлари реал шарт-шароитни ҳар томонлама тарозига солиб кўришмаган эди. «Конимех», «Ғозғон» совхозларида бўлса, сим билан ўраладиган майдонларда ўтарлар навбатма-навбат боқилади, унгача бошқаларида ўтлар етилиб туради, деб ўйлашди-ю, шарт-шароитни, молларнинг бош сони тобора кўпайиб боришини, ўша пайтнинг ўзида яйловлар торлик қилиб қолганини ҳисобга олишмади. Бу ва бошқа хўжаликларда оқилона ўйлаб, йўл тутиш ўрнига майдонларга сим тўсиқ ўрнатишга зўр берилди...

Навоий области чорвачилик мутахассислари яйловларда изензорлар барпо этишни ҳамиша ёқлашади, унинг қўйлар учун жуда тўйимли озуқа эканлигини қайта-қайта такрорлашади. Биз ҳам бу фикрга тўла қўшиламиз. Фақат бу ишга қўл урилган пайтда яйловларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлигини эслатгимиз келади.

Она заминимизнинг ҳар қаричи, ундаги ҳар бир майса, ҳар томчи сув — бебаҳо ва муқаддас бойлигимиздир. Улардан оқилона фойдаланиш, табиатни гўзал ва бой ҳолда келажак авлодлар учун сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.


Абдурауф ҚОРЖОВОВ

Ҳамроқул РИЗО

БОШЛАНДИ ЯРАТИШ ФАСЛИ

ҲАМЗАОБОДДАГИ ЎЙЛАР

Қўлларин самога узатган қирлар,
Ҳамзаобод сойин қуршаган қўрғон.
Чинорлар қуёшда мангу ярқирар,
Чинорлар гувоҳдир — шоирни кўрган.
Бу сойда жўшади тошга урилиб,
Инқилоб шоирин шарафловчи шон.
Ва лекин кетгандир сойга қўшилиб,
Шоир юрагидан силқиб чиққан қон.
Шоир ашъорига ҳурмат, садоқат
Бу ерга чорлади, таъзимда бошим.
Эзгач юрагимни алам бешафқат,
Еноғим куйдирди кўздаги ёшим.
Жўшиб ўқир шоир бу ерда ҳар кун
Қалбининг садоси — «Яша, Шўро»ни.
Жаҳолат, зуғумни айлайди дилхун,
Шеърнинг пўртанаси, шеърнинг сурони.
Бунда ҳар кун шоир келтирар қирон
Бидъатнинг қутирган бўриларига.
Бунда шамол ҳар кун йиғлайди гирён,
Бош уриб уйларнинг мўриларига.
Шоиргамас, дўстим, менга тегади,
Қаттоллар қўлидан отилган ҳар тош.
Бу ерда ҳар куни бошин эгади,
Фалакни ёндириб ўтгувчи қуёш.
Қиличин қинидан олганда бидъат,
Оталар ўғилдан бўлганлар жудо.
Жафокаш куйчига қилмади шафқат,
Ёвузлик аталган баттол бир бало.
Не ҳол бу — бахт дея битганда ғазал,
Сен унга кўтардинг қонли панжангни.
Не ҳол бу — озодлик деганда азал,
Сен унга қўлладинг мудҳиш режангни.
Разолат, хусумат, ҳийла аслида,
Тарих деворида қотган қора қон.
Шамнинг ожизлиги офтоб олдида,
Сенга ҳам, менга ҳам беш қўлдай аён.
Оҳ, шундан Кўксувнинг туни қорадир,
Оҳ, шундан Оқсувнинг юзи каҳрабо.
Отилган тошларнинг бағри яродир,
Шоирни соғиниб излайди сабо.
Шарманда, беномус, муттаҳам ёвлар,
Билмади шоирга ўлим йўқлигин.
Шоир шеърларига меҳрим товланар,
Шеърлар исбот этган эркнинг ҳақлигин.
Қаранг, Ҳамзаобод қутлар ашъорни,
Ашъорни қутлайди — чинорлар — азим.
Одамлар олқишлар бунда баҳорни,
Буюк шоирига этганча таъзим.





БУРИЛИШ ДАВРИ

Даврим, оқ тонгларда бағримга босиб,
Қувонч-ла ўқиган бахт китобимсан.
Қайноқ қонинг иссиқ қонимда жўшиб,
Юксакка чорлаган ҳур офтобимсан.
Ун тўққиз миллион содиқ ленинчи
Бу сафда турибди метин қоядай.
Улар замонанинг пўлат таянчи,
Ленин асос солган буюк ғоядай.
Тинчликнинг тақдири, халқлар тақдири
Улар меҳнатига асосий мезон.
Шодман, чунки мен ҳам уларнинг бири,
Уларнинг меҳридан яшнади замон.
Бурилиш даврини бошлади улар,
Бурилиш — юксалиш демакдир асли.
Иқрорман — келажак боғлари гуллар,
Иқрорман — бошланди яратиш фасли.
Яратиш талаби — фидокор бўлиш,
Фидокор кишига доим зафар ёр.
Кимки меҳнат билан элни этса хуш,
Қалбида мангуга яшнайди баҳор.
Доим олға томон интилган давр —
Баъзи хатолардан эмасдир холи.
Санаб ўтирмасдан ҳаммасин бир-бир,
Баъзисин эсласак йўқдир малоли.
Тоғдан тош қуласа, уни қўрқмасдан
Кенг елкани тутиб тўхтатса бўлар.
Лекин алдоқчилик шу тошдан ёмон,
У умид қасрини вайрона қилар.
Кафтида ардоқлар муборак замон
Эзгу меҳнат билан бахтга ёрликни.
Ва лекин ошкора кўради ёмон,
Ичи бўм-бўш, сохта димоғдорликни.
Нияти покларни севиб, ардоқлаб,
Инсон камолини ўйлайди Ватан.
Порахўр — иллатдир, уни лаънатлаб,
Нафратим мисрага жойладим, зотан!
Ҳалоллик меваси пишсин боғларда,
Ҳалол яшамоқни ўйлайман фақат.
Қинғирлар изма-из келган чоғларда
Алдовлар юракни эзар бешафқат.
Кўзлари нурини тўкиб қоғозга
Тонгни қутлаб шоир ёзганди достон,
Кўп ўтмасдан сўзлаб берди у бизга:
«Бир имзосиз хатдан жигар-бағрим қон...»
Тўғри сўз — қалбимда жўш урган куйлар,
Унга бахшидадир дилдаги сурур.
Тулкидан айёрдир хушомадгўйлар
Хушомад охири — бадномлик эрур.
Ҳалоллик қуёшин қутлайди само,
Оппоқ орзуларни этганча эъзоз.
Шундай чоқ қалбимдан янграйди нидо:
«Инсон бахти учун, даврим, олға бос!».

Гулистон

ЁШЛАРГА ДЕГАНИМ

Музайяна АЛАВИЯ

Кўпни кўриб, кўп нарсани билган ёши улуғ ота-оналарнинг билим, маълумот манбаи эканликларини яхши биласиз. Ота-оналарнинг тилаги: ҳамиша тинчлик, осойишталик, болалар бахтли, ризқли-рўзли, инсофли бўлсин, умри-жонидан барака топсин. Зеро, ота-она ўз саодатини фарзандининг иқболида кўради. Шу сабабли улар башариятнинг тарихий тажрибасида ҳосил қилинган, мақбул ва маъқул кўрилган ахлоқ қоидаларидан, ўз тажрибалари хулосасидан фойдаланиб, болани тарбиялайдилар.

Инсон ўз ишлари, яратган ихтиролари, қаҳрамонлиги билан шуҳрат қозонади, ном қолдиради. Кишининг қобилияти, таланти, инсонлик закоси, абадий барҳаётлиги ҳалол меҳнатда намоён бўлади. Ҳалол меҳнат билан мартабага эришилади, обрў топилади.

Одобнинг боши — тил одамнинг инсонлик камолотини билдиради. Англаш, англатиш учун фикр ва тил керак.

Одамнинг ёшига, қадрига, даражасига қараб гапириш лозим. Катта ёшлилар олдида ўзини тутиб, одоб билан сўзлаш керакки, сизнинг уларга бўлган ҳурматингиз сезилиб турсин. Хушхабиат, маданиятли киши самимият билан гапиради. Ҳар бир эшитган сўзини айтавермайди. Кишини қайғуга соладиган, озор берадиган сўзларни айтмайди. Кесатиш, сўкиш, қарғаш маданиятли кишилар оғзидан чиқмайди. Ўйлаб, андиша билан гапириб, ишнинг натижасидан огоҳ ҳолда туман сўз тугунини бир сўз билан айтган одамни ҳурматлайдилар. Ширин сўз, хушфеъллик одамни нуроний, иззатли қилади. Зеро, хазиналар сарф қилганда ҳам топилмайдиган фойда бир сўз билан топилиши мумкин:

Ҳамсўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила ўлик тан топиб ҳаёт.
(Навоий)

Ширинсўз, хушхулқ юзнинг бадбашаралигини беркитиб юборади. Агар тил, хулқ-атвор ёмон бўлса, юзнинг чиройи бир пулга арзимай қолади. Гўзаллар чой берганларида очиқ юз, ширин сўз, тотли табассум билан узатсалар, яна гўзалроқ, яна маҳбуброқ кўринадилар.

Гўзал фазилатларга эга бўлишнинг энг муҳими — одамга, ҳаётга, ота-она, фарзанд ва ёрга, касб-корга, меҳнатга чексиз муҳаббатдир. Ҳақиқий севги одамни одам қилади. Севгидан кўра сева билиш шарафли. Севганда шундай дунё очиладики, барча моддий, маънавий неъматлар лаззатидан, бутун эзгулик, гўзалликлар латофати, назокатидан, инсоният ақли, зеҳни, идроки, тарихий тажрибаси шарофатидан баҳра олишдай эҳсон насиб бўлади. Кўпчиликка хуш келадиган мақбул ва маъқул хислат одат бўлиб қолади.

Мақсад йўлида зафарли кураш учун ҳам севги керак.

Башарият томонидан тўпланган бойликка ҳурмат билан қаратадиган, ёмонлик ва нопокликдан узоқлаштирадиган ҳам чин муҳаббатдир. Эркинлик, тенглик, ҳамкорлик манфаатларининг бирлигидан ҳақиқий муҳаббатнинг достонлари юзага келади. Демак, ҳақиқий муҳаббатнинг ўзи одамни тарбиялайди.

Пул, мол кўпайтириш пайига тушиб, одамийликдан йироқлашган шахс ёлғондан, эгриқўлликдан қайтмайди. Бундай шахслар раҳбарлик ишига мутлақо ярамайдилар. Ўзини доно билиб кўпчилик фикрига қулоқ солмайдиган, ўзиникини маъқуллаб, бошқалар фикрини кесадиган ҳам шулардир. Оёқ остига тариқ тўкиб, ҳийла қилиб йиқитадиган ҳам шулардан чиқади. Улар ҳаётдаги мардликларни, яхшиликларни кўриб завқ ололмайдилар. Айтай десанг, тилингни тутади, юрай десанг, йўлингни тўсади. Яхши ҳамки жамиятимизда бундай шахслар кам.


Таърифи тугамайдиган — ақил, тотув оилалар сон-саноқсиз. Саховат, ҳиммат, мурувват, шафқат, марҳамат каби хислатлар борки, бегонани ҳам қариндош, бир оила фарзандларидек қилиб юборади. Шу сифатдаги киши йўқчиликдаги дўстини тўқчиликда унутмайди.

Ёшларнинг чеҳрасида чирой, латофат, сийратидаги гўзаллик, поклик билан одоби ҳам мутаносиб бўлгани қандай яхши. Салом бериб ҳол сўраш ҳаловат олиб келади. Салом билан яқинликка ва эсонликка йўл очилади. Агарда ясамаликка йўл қўйсангиз, демак, сизда самимият, оддийлик, гўзалликнинг кучи йўқ, ўз манфаатини кўзлаш устунлик қилади. Ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўювчи ўзига ҳам, ўзгага ҳам дўстлик қилмайди. Сувсаганларга сувнинг шавқи жондан ортиқ бўлса, пул, дунёга ҳирс қўйганларга молнинг шавқи ундан ҳам ортиқдир. Бундай шахслар — адоватнинг ўчоғи.

Қайсарлик, ўжарлик — ёмон. Дўст ачитиб гапиради, бари бир гапига қулоқ солинг, хулоса чиқаринг. Яхши дори — аччиқ, аммо касалга даво.

Китоб ўқишни севинг, жамият ҳаётига фаол қатнашинг, оқ билан қорани тез таниб олиб, бир-бирингизга ҳурмат ва муҳаббат билан қарашга одатланинг. Акс ҳолда: «Тўдадан ажралган тўрга тушади», дегандай фикр доирангиз торайиб кетади, орқада қоласиз. Баъзилар борки, ўзи тўқувчи бўла туриб, ўриш-арқоқнинг фарқига бормайди. Кўпчиликка ҳар куни, ҳар соат фойдаси тегадиган одам энг яхши одамдир.

Кутубхона залларида китобга тикилиб ўтирган, илм денгизига шўнғиб дур-марварид излаётган, кимё ажойиботларидан тортиб, асрлар оша бойлигини сақлаб келаётган табиатнинг қирқ калитли хазинасини очиб, элни баҳраманд қилаётган ўғил-қизларимизнинг меҳнат ғалабасидан беҳад қувонамиз.



Ажойиб китоб. А. Жумаев фотоси

ХАР ТЎГРИДА БИР ШИНГИЛ

ТЎҚҚИЗ АСР БУРУНГИ

Археологлар 1964 йили Туркиянинг Диёлакир вилоятидаги Эргани шаҳри яқинидаги Чаёнли тепаликларида қазиш ишларини бошлаганларида: «Бунчалик ноёб топилмага дуч келамиз», деб ўйламаган эдилар. Узоқ вақт давом этган археологик қазиш ишларидан сўнг олимлар бундан тўққиз ярим минг йил илгари одамлар яшаган манзилгоҳ харобаларини топдилар. Харобалардан топилган ашёлар, ўша даврда яшаган аҳолининг юксак маданиятга эришганлигидан далолат беради. Улар овчилик, деҳқончилик ва бошқа ишлар билан шуғулланишган, аниқ тарх асосида ҳашаматли бинолар қуришган. Чаёнли шаҳри ўз тарихи давомида турли офатлар натижасида ўн марта қайта қурилган. Олимларнинг фикрича, Чаёнли аҳолиси ижтимоий жиҳатдан анча ривожланган бўлган. Қазиш ишлари давомида шу нарса маълум бўлдики, бу қадимги кишилар ўлганларни уйларнинг ертўлаларида сақлашар экан. Чаёнлидаги ўртасида сатҳи 40×50 метрли майдончаси бўлган учта бино бўлиб, булар бошқа бинолардан ажралиб туради. Майдончалар ўша ерда яшовчи аҳолининг йиғин ўтказадиган жойи бўлган. Айниқса, бу ердаги офтобрўй бино кишида алоҳида қизиқиш уйғотади. Бинонинг 50 дан ортиқ кунгираси бўлиб, унинг тепа қисми безаклари сақланиб қолган, пастки қисми ёнғин натижасида куйиб кетган. Бинонинг ўртасига қўйилган тошдан олинган кимёвий анализлар натижасида тош устида одамларнинг ва ҳайвонларнинг қон излари топилди. Кўриниб турибдики, бу тошлар жонли қурбонлик ўтказиладиган жой бўлган. Кунгираларни эса босқинчилар хароб қилган. Бу ерда ўтказилган тадқиқотлар юзасидан берилган кўплаб саволларга Хўжатепа университетининг профессори, археолог М. Узбек жавоб берди. Умуман, Чаёнли қазилмалари ўша даврдаги кўчманчи қабилаларнинг ўтроқ ҳаёт кечирганлигини, маданий деҳқончилик даврига ўтиш жараёнини бирмунча ойдинлаштирди.

Улуғ олим ЛОМОНОСОВ

А. С. Пушкин Михаил Васильевич Ломоносов истеъдодини баҳолаб: «Ломоносов буюк инсон эди. У биринчи университетни ташкил қилди. Яхшироқ айтганда, у бизнинг биринчи университетимиз эди», деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, М. В. Ломоносов рус ва жаҳон фани тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган ва уни янги кашфиётлар билан бойитган буюк истеъдоддир. Михаил Васильевич деярли барча фанларни ўзида мужассамлаштирган қомусий олим бўлган. У ўз ақлидроки, бебаҳо илмий кашфиётлари билан физика, химия, астрономия, география, геология, тарих каби ўнлаб фанлар тараққиётига катта улуш қўшди. Айни вақтда Ломоносов фан даҳоси сифатида ўз давридан олдинга жуда илгарилаб кетган улуғ зотлардан эди.

Унинг ҳаёти бугунги авлод учун ибрат рамзидир. У 1711 йил 19 ноябрда Архангельск губерниясининг Холмогор уездидаги Денисовка қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Ўқишга муҳаббат унда жуда эрта уйғонди. У 14 ёшидан бошлаб Магницкийнинг ўша даврнинг рус физика-математика энциклопедияси ҳисобланган «Арифметика» ва Смотрицкийнинг «Славян грамматикаси»ни ўргана бошлади. У кучли иштиёқ билан фаннинг ҳамма соҳаларини ўзлаштириб олишга интилди. 19 яшар Ломоносов 1730 йилнинг қаҳратон қишида ҳеч қандай маблағсиз ўз юртидан Москвага томон пиёда йўл олади ва бу ерга келиб, ўзининг ижтимоий чиқишини яширган ҳолда Славян-Грек-Лотин академиясига ўқишга киради.

1736 йилда М. В. Ломоносов истеъдодли 12 ўқувчи билан бирга Россия Фанлар академияси университетида ўқиш учун Москвадан Петербургга юборилади. Бу вақтда академияда Сибир табиий бойликларини ўрганиш бўйича илмий экспедиция уюштирилаётган эди. Аммо кимё ва металлургия бўйича мутахассислар йўқ эди. Шу сабабли Фанлар академиясининг президенти И. А. Корф қобилиятли студентлардан М. В. Ломоносов, Р. У. Райзерон ва Д. И. Виноградовни металлургия ва тоғ ишини ўрганиш учун Германияга жўнатади.

М. В. Ломоносов чет элда беш йил бўлиб, у ерда физика, кимё ва тоғ ишини пухта ўрганади.


Михаил Ломоносов 1741 йил 8 июнда Петербургга қайтиб келди ва физика фани бўйича адъюнкт (ўша вақтнинг профессор муовини лавозими) қилиб тайинланди. Орадан кўп вақт ўтмай, Ломоносов Германиядаги кузатишларига якун ясаб, металлургия бўйича китоб ёзди. Академия учун физика ва кимё фанларига бағишлаб, турли мавзуларда илмий ишлар яратди.

М. В. Ломоносов ўзининг «Иссиқлик ва совуқликнинг сабаблари ҳақида фикрлар» деган илмий асарларида моддалар ва иссиқликнинг кинетик назариясини ривожлантирди. Натижада шундай хизматлари учун 1745 йилда профессорлик унвонини олишга муваффақ бўлди. Ўша йили Петербург Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди.



М. В. Ломоносов барча фанлар соҳаси учун қомусий олим бўлса-да, айниқса унинг табиатшунослиқдаги ўрни салмоқлидир. Биз шу ўринда олимнинг мазкур фанга қўшган ҳиссаси тўғрисида қисқача тўхталмоқчимиз. У биринчи бўлиб физика фанида «корпускула» (зарра) ва «элемент» (атом) тушунчаларига аниқлик киритди, иссиқлик моддий зарраларининг механик ҳаракатлари натижасида вужудга келишини асослаб, «иссиқлик ўтказгич» («теплопровод») ҳақидаги идеалистик назарияга зарба берди. У немис олими Вольфнинг «Физика курси» китобини 1745 йилда рус тилига таржима қилиб, рус фанига «атмосфера», «термометр», «барометр» сингари илмий терминларни киритади ва биринчи марта физикага бағишланган оммабоп лекцияларни рус тилида олиб боради.

М. В. Ломоносов «Ҳавонинг эластиклик назарияси тажрибалари» асарида (1748) газлар эластиклигини уларнинг зарралари ҳаракати мисолида изоҳлаган. Михаил Васильевич 1748 йилда модда миқдорининг сақланиш қонунини асослади. У оптика соҳасида ҳам катта кашфиётлар яратди:



Зоҳиджон ОБИДОВ

ИФТИХОРИМСАН, ДИЁР

ҚЎШИҚ

Она диёр, ҳар дилда баҳор очдинг,
Партия бош, қуёш бўлиб нур сочдинг.
Илҳомкорсан, ол байроғинг — қанотим,
Мардонавор шонли довонлар ошдинг.

Қайда бўлмай, ёдинг билан яшайман,
Шавқинг билан мағрур қадам ташлайман.
Бахтинг — бахтим, дардинг — дардим ҳам
Аҳдинг — аҳдим, авжинг билан жўшай мен.

Адолатнинг машъали бор қўлингда,
Адоватнинг бели сингай йўлингда.
Гуркирайвер, доғда қолсин ғанимлар,
Сенинг зафар қучган ўнгу сўлингда.

Она диёр, бахти барқароримсан,
Шарафимсан, шоним, ифтихоримсан.

ГАГРА СОҲИЛЛАРИДА

Гагранинг тоғларида
Кўм-кўк қалин ўрмонзор,
Ўрмонзордан денгизга
Мўралар оқ бинолар.
Истироҳат боғида
Пальмалар қатор-қатор,
Тарам-тарам баргларин
Қанотдай силкиб қолар.

Соҳилларда тумонат
Офтобга тоблар ўзни.
Капалакранг зонт тикиб,
Баъзилар мудрар аста.
Қуёш кўкдан боқади
Узмасдан асло кўзни,
Тан яйратар соҳилга
Боққанича ҳавасда.

Денгиз тўлғонар сокин,
Ҳамон қўр тўкар офтоб,
Майда тўлқинлар узра
Ялт-юлт ўйнар шуълалар.
Ҳар бир лаҳза афсункор,
Ҳар бир лавҳа бир китоб,
Денгиз қушидай бу дил
Парвозни хушлаб қолар.

Бунда ҳар нарса дилбар,
Ҳар лаҳзада минг ором,
Сайргоҳлардан шўх-шўх
Дил тўлғар куй қўзғолар.
Тушми булар, тушдай тез —
Бўлмасин дейман тамом,
Йўқ, бу тушмас, ҳақиқат,
Ҳушим ҳушёр шавқ олар.

Роҳатижон маскан бу,
Бири биридан сулув,
Толма бўйинли ғозлар
Ойна кўл бўйлаб сузар.
Гўё оппоқ елканлар
Ёриб борган каби сув,

Майин тўлқинлар узра
Бири биридан ўзар.

Ел уфурар хуш ислар,
Демак, жизиллар кабоб,
Соҳилда нон-насиба
Ҳамма учун муҳайё.
Улфатчилик қизийди,
Қуйилмаса ҳам шароб.
Турфа тилдаги гурунг
Ҳар бир қадамда пайдо.

Сўлим Кавказ тоғларин,
Боғларин кўп кездим мен,
Денгизда қулочкашлаб
Қанчалаб сузганим бор.
Бу ўлканинг шавқини
Ҳар қадамда сездим мен
Лекин она юртим ҳам
Қаттиқ қилмоқда хумор.

Ҳаёт — ўктам, ҳаёт — соз,
Мен унга ҳар дам мафтун.
Аммо унинг эртасин
Уйламасдан йўқ илож.
Тинчликнинг душманлари
Баъзан қилар дилни хун,
Бу борлиқ омонлиги
Инсофга жуда муҳтож.

Фурсат етди бу ердан
Кетар бўлдим бу айём.
Кашф этдим талай дўстлик,
Талай туйғу, тароват.
Ширин-ширин суҳбатлар
Яна этсин деб давом,
Дейлик: «Бузилмасин ҳеч —
Ватандаги ҳаловат!»
Ҳаловат бузилмағай!

ҲАМШИРА

Атроф жим, қор босмиш: оппоқ ҳар томон
Бўлмаган сингари қонли жанг мутлоқ.
Кифтлардан босгудек пастламиш осмон,
Жимжитлик зўридан зинғиллар қулоқ.
Босарди тобора жимжитлик ва қор,
Кўринмай қолганди тўрт қадам нари.
Етардим ғужанак бўлиб яродор,
Наздимда йўқ эди нажот асари.
Наздимда йўқ эди мутлақо нажот,
Етардим совуқдан беҳол, титраб, оч.
Қон билан тенг оқиб борарди ҳаёт,
Ажалга кўникмай йўқ эди илож.
«Наҳотки, кўрмасам туғилган ўлкам,
Арикда қуёшнинг нур сачратқисин.
Наҳотки, товланиб келганда кўклам,
Туймасам қирғоқда ялпизлар исин.
Наҳотки, энди мен баҳорги боғда
Олчазор гуллаган онни кўрмасам.
Наҳотки, биллур тонг ярқирар чоғда,
Қушларнинг чуғури бирла турмасам.
Наҳотки, зафарнинг гаштини сурмай —
Кетгайман, — дер эдим, — дил тўла армон.
Наҳотки, ғолиблар сафида юрмай, —
Ўлгайман,— дер эдим,— битаркан дармон.»
Тунда қор тўзонин ёриб баногоҳ,
Оқ пўстин кийган қиз рўй-рост кўринди.
У жоним боридан бўлди-ю огоҳ,
Ченага ўнгармоқ учун уринди...
Бошқасин билмайман, тарк этганди ҳуш,
Санбатда кўз очдим, ўтиб аллавақт.
Етардим кўргандек аланг-жаланг туш,
Чуқур ўй этганди борлиғим карахт.
Уйлардим нажоткор ҳамшира қизни,
Юргай деб не ерда, қай жанггоҳ аро.
Ченасин тортганча аямай ўзни,
Қанчалаб жонга у кирди деб оро.
Қанчадан қанчани сақлабон омон,
Ўзи ҳам соғ-омон юргайми дерман.
Талай йил ўтса ҳам ўтмишга томон —
Хаёлим учади, хаёлан бирман.
Кўзимга кўринар ўша ғизғизон,
Совуқдан ҳовурлар пуркаб боққан қиз.
Мен тирик эканман, наздимда ҳамон —
У омон яшайди, ўлмагай ҳаргиз,
Мангулик мулкидан топмишди макон.

микроскоп тузилишини такомиллаштирди, рефрактометр, «Тунги дурбин», «Батоскоп», горизонтоскоп, фотометр ва бошқа турли телескопларни ихтиро қилди.

Олим 1756 йилда ёпиқ идишда металларни қиздиришга оид машҳур тажрибалар ўтказди, уларда кимёвий реакция вақтида модданинг сақланиши ва ёниш жараёнларида кислороднинг ролини аниқлаб берди, симобни музлатиш устида тажриба олиб борди.

М. В. Ломоносов геология ва минералогия фанлари ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган бетакрор олимдир. Унинг геология, кончилик ва металлургия соҳасидаги энг муҳим ишлари «Металлургия ёки руда ишларининг дастлабки асослари» асарида ва унга киритилган «Текширилаётган конлардаги эркин ҳаво тўғрисида» ҳамда «Ер қатламлари тўғрисида» деган иккита иловада баён этилган. 1763 йилда биринчи марта эълон қилинган бу асарлар геология ва кончилик-металлургия соҳалари бўйича муҳим масалаларга бағишланган қимматли ишлардир.

«Металлургиянинг дастлабки асослари» асарида металлар ва полиметаллар, рудани механик бойитиш, металларни ишлаб чиқариш, тозалаш ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар берилган эди. Мазкур асарга илова қилинган иккинчи рисоласи — «Ер қатламлари тўғрисида» илм-фан тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Академик В. И. Вернадский (1863—1945) сўзлари билан айтганда, Ломоносовнинг бу асари «XVIII асрдаги рус ва чет эл адабиётида геология фанининг биринчи энг яхши очерки ҳисобланади». Шу боисдан ҳам Михаил Васильевични Россия геологияси ва минералогиясининг асосчиси, деб ҳисоблаш ўринлидир.

М. В. Ломоносов асарларининг асосий ғояси кимё, физика ва математикадаги аниқ усулларни геологик текширишларга амалий татбиқ этишдан иборат бўлди. У ер қобиғининг ҳаракати тўғрисидаги фаразнинг ҳам авторидир. Олим ернинг ички энергияси бу ҳаракатнинг сабабчиси деб билади. Унинг фикрича, бу энергия кимёвий реакциялар ва молекулаларнинг ишқаланиши натижасида пайдо бўлади. Ломоносов қазиб олинадиган ёқилғилар: торф ва тошкўмирнинг ҳосил бўлишини ҳам тўғри тушунтиради. У бундай ёқилғилар ўсимликлардаги органик моддаларнинг табиий ўзгаришидан ҳосил бўлади, деб кўрсатади. «Ер қатламлари тўғрисида» асари тупроқшунослик фанининг шаклланишида катта роль ўйнади. Ломоносовнинг тупроқшунослик тарихидаги буюк хизматларини таъкидлаб академик В. И. Вернадский уни «...нафақат биринчи рус тупроқшуноси, балким умуман биринчи тупроқшунос», деб атаган эди. Ломоносов ўша даврлардаёқ ер пўстида тупроқларнинг пайдо бўлиши жараёнларини тўғри ва аниқ кўрсатиб, тупроқларнинг таркиби, хоссалари ва географик тарқалиши соҳасида дастлабки илмий назарияни яратди; тупроқдаги чиринди (гумус)нинг ҳосил бўлиши, шўрланиш жараёни сабаблари тўғрисида фикр юритиб, тупроқларнинг биринчи таснифи (классификацияси)ни ҳам яратди. «Мен ҳимоя қилиб, докторлик даражасини олган назарияни, — дейди илмий генетик тупроқшунослик фани асосчиси, машҳур рус олими В. В. Докучаев, — Ломоносов аллақачонлар ўз асарларида кенг ва анча умумлаштирилган ҳолда баён этганини профессор Вернадскийдан ҳайрон бўлиб эшитдим».

М. В. Ломоносов ўзининг «Ер қимирлаш туфайли металларнинг пайдо бўлиши тўғрисида сўз» асарини ҳам геология масалаларига бағишлаган. У ер қимирлашнинг турли хилларини таърифлаб, ер қобиғининг тўлқинсимон қимирлаши тўғрисида биринчи бўлиб фикр юритди. «Ер қимирлаши натижасида тоғ жинсларида ёриқлар пайдо бўлади, кейин бу ёриқлар турли хил моддаларнинг эритмалари билан тўлиб қолади ва рудали ертомирлар ҳосил бўлишига замин ҳозирлайди», деб таъкидлади у ишонч билан.

М. В. Ломоносов ватанимиз география фанининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. У 1757 йилдан ўз ҳаётининг охиригача Фанлар академиясининг География департаментини бошқарди. Олим ер сиртининг тузилиши, қитъалар ҳаракати, Ер айланиш ўқи қиялигининг ўзгариши натижасида Ер шаридаги иқлимнинг ўзгариши масалаларини тадқиқ қилди ва аниқ хулосалар чиқарди.

Олим картография ва геодезия соҳасида ҳам катта ишларни бажарди, Россиянинг географик атласини тузиш ишига раҳбарлик қилди. 1761 йилда Зуҳро сайёрасида атмосфера борлигини аниқлаган.

М. В. Ломоносов ўз асарларида ўсимликлар нафақат илдизи орқали тупроқдан озиқланиши, балки барглари ёрдамида ҳаводан ҳам озиқланиши мумкин, деган фикрни биринчи айтиб, бу билан фотосинтез процессини дастлаб яратган олимдир. Маълумки, ўсимликларнинг ҳаводан озиқланиши ҳақидаги фикрни 1783 йилдагина швед олими Сенебье тажрибада тасдиқлади. XIX асрнинг охирида, яъни М. В. Ломоносовнинг вафотидан юз йил кейин улуғ рус олими К. А. Тимирязев бу ҳодисани ҳар томонлама ўрганди ва мазкур соҳадаги назариянинг асосчиси сифатида жаҳонга танилди.

Электрофизиологияга доир биринчи тажрибалар ҳам Ломоносовнинг хизматидир. Электр токи таъсирида ўсимликларнинг ҳаракатга келишини аниқлашга қаратилган кузатишлар олиб борди: 1752 йилда атмосферадаги электр зарядлари таъсирида ўсимликларнинг таъсирланиши ҳодисасини аниқлади.

М. В. Ломоносов қишлоқ хўжалигига доир масалалар билан ҳам шуғулланди. Деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида мамлакатда илмий-тадқиқот муассасаси ташкил этиш фикрини айтади. Олимнинг бу ажойиб фикри унинг вафотидан кейин икки йил ўтгач (1767 йилда) ташкил этилган «Эркин иқтисодий жамият» ташкил этилиши билан амалга ошди. Бу жамият Россияда деҳқончилик усулларини илмий асосда яхшилаш борасидаги катта ишлар билан шуғулланди. Чет эл агрономияси тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Ломоносов 1747 йилда немис тилидан рус тилига «Лифландия экономикаси» китобини таржима қилди. Унда деҳқончилик, қорамолчилик, паррандачилик ва асаларичиликка доир масалалар кенг баён этилган эди. Лекин Ломоносов Россияга чет эл тажрибаларини механик равишда кўчиришга қарши бўлган.

Буюк олимнинг илмий мероси фақат совет даврида, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина чуқур ва атрофлича ўрганилди. СССР Фанлар академияси М. В. Ломоносовнинг 10 томдан иборат тўлиқ асарлар тўпламини нашр этишни 1958 йилда тугаллади. Унинг номини совет халқи чуқур ҳурмат билан эъзозламоқда. Жаҳондаги энг йирик ҳисобланган Москва университети Ломоносов номидадир. Ленинграддаги Табиий фанлар ва техника тарихи институтида бу буюк олимнинг музейи бор. СССР Фанлар академияси М. В. Ломоносов номидаги иккита олтин медаль таъсис этган.

1948 йилда Шимолий Муз океани сувлари тагидаги бир тизма тоғ ва Ойдаги кратерлардан бирига М. В. Ломоносов номи берилган. Кўплаб шаҳарлар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари буюк инсон номи билан аталади.

Совет фани ва техникаси бугун мислсиз тараққиёт босқичида экан, бунда шубҳасиз М. В. Ломоносовдек улуғ бобокалонларимизнинг муносиб ҳиссаси бордир. Унинг бебаҳо илмий мероси шундай юксалиш учун пойдевор бўлди.

Исмоил БОБОХЎЖАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати,
Юсуф ҚЎРБОНОВ,
биология фанлари кандидати

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БЕБАҲО ТАНГАЛАР

Сисиан районидаги Сюник қишлоғида истиқомат қилувчи О. Казарян томонидан топилган хазина тарихчи олимлар учун бебаҳо бойлик бўлди. Бу одам ўз боғчасини ободонлаштириш пайтида ер остидан сопол кўза топиб олди. Кўза ичида 1 минг 883 дона қадимги кумуш тангалар бор эди.

Маълумки, Сосонийлар давридаги Эронда, Араб сосонийлари (Табаристон) мамлакатида, Бағдод халифалигида зарб этилган бу тангалар ўрта аср Арманистонида кенг муомалада эди. Олимларнинг ҳисобларига кўра, мазкур хазина IX асрда кўмилган. Топилган кумуш тангалар билан Арманистон Давлат тарих музейининг экспозициялари яна бойиди.

ЧУЧВАРАҲЎР ТУРНА

Иван Франко областидаги Пшеничники қишлоғининг болалари бир куни йўл чеккасида қаноти ва оёғидан яраланган турнани кўриб қолдилар. Болалар шўхлик билан турнани қийнаб қўйишлари мумкин эди. Жонивор парранданинг бахтига Мария Васильевна Тузяк келиб қолдию турнани болаларнинг қўлидан ажратиб олди. Турна ҳам ўз халоскорининг ҳамиятига кўзи етгандек, Мария Васильевнага эргашиб, унинг ҳовлисига кириб борди.

Мария Васильевнанинг ўғли колхозда ветеринар врач бўлиб ишлайди. Она-бола дарҳол турнанинг қанотига ва оёғига дори-дармон суриб боғлашди, унга дон беришди. Мана, етти йилдирки, ўша турна ҳовлидан бир қадам ҳам ташқарига чиқмайди, ўзини шу ҳовли эгаларининг бири, деб билади. Фақат бир афсуслансарли жойи шундаки, сувда ов қилиш учун кўлларга учиб боролмайди. Лекин Мария Васильевна ҳамиша унга меҳрибонлик қилади. Аллақачон уй паррандасига айланиб қолган турна Мария Васильевна пиширib берадиган варениклarni — қарам ёки мева солиб пиширилган чучвараларни жуда хуш кўради.

АДОЛАТ ЙЎЛИДАН

Бундан саккиз йил аввал ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаган афғон халқи кўп заҳматларни бошдан кечириб, эзгу мақсадлар рўёби йўлида қийинчиликларни бартараф этиб келмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий қолоқлиги, 90 фоизга яқин аҳолининг саводсизлиги, феодал муносабатлари билан боғлиқ қатор омиллар тараққиёт суръатига халал бермоқда.

АДРда революциянинг дастлабки йилларида йўл қўйилган баъзи хатолардан ўз вақтида тўғри хулосалар чиқарилди. Ҳозирги кунда афғон халқи турмушининг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Инқилобгача бўлган даврга нисбатан мамлакатда электр қуввати ишлаб чиқариш бир ярим баробар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш эса беш баробар ошди. Ер-сув ислоҳоти ўтказилиши натижасида ҳозирга қадар 335 минг деҳқон оиласига ер бўлиб берилди. 11 миллион деҳқон феодаллар асоратидан озод этилди. Деҳқонларни қишлоқ хўжалик кооперативларига бирлаштириш кенг тус олди.

Саноат маҳсулотларининг 60 фоизи давлат секторига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Ишчи ва хизматчилар учун 400 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Касалхоналардаги ўринлар сони 80, врачлар сони эса 40 фоиз кўпайди.

Афғонистонда ҳозирги кунда 21 минг саводсизликни тугатиш курслари ташкил этилган бўлиб, уларда 500 мингга яқин киши таҳсил кўрмоқда.

Эрксевар афғон халқи тараққиёт йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда. Халқ ҳокимияти сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланиб, унинг тарафдорлари кўпайиб бораётганлигини жамиятга раҳбарлик қилаётган АХДП сафига аъзо бўлганларнинг сони 150 мингга етганлигидан ҳам кўриш мумкин. Уларнинг асосий қисмини ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ташкил этади. Партия сафига қабул қилинаётганларнинг ярмидан кўпи ёшлардир. Сўнгги йилларда партия сафларида хотин-қизлар сони икки баробар кўпайди.

Касаба союзи, демократик ёшлар ташкилоти, демократик хотин-қизлар ташкилоти ўз сафларида ўн минглаб ҳақиқий курашчиларни бирлаштирган. Бу кучлар революциянинг социал базасини ташкил этади. Ҳукуматнинг яқинда қабул қилган қарорига мувофиқ, давлат органларини бошқаришда турли табақа кишилари ва ташкилот вакиллари иштирок этадилар. Булар орасида ишчилар, деҳқонлар, зиёлилардан ташқари ҳунармандлар, дўкондорлар, руҳонийлар, кўчманчилар бор. Давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган Революцион Кенгаш состави 79 кишига кўпайтирилди. Янги сайланган ва тайинланган раҳбарларнинг 70 фоизи партиясизлардан иборат.

Мамлакатда сиёсий ва иқтисодий фаоллик ҳам сезиларли даражада ошмоқда. Корхоналар таъмир қилинаяпти, янгилари барпо бўлаяпти ва уларда ишлаб чиқаришга бошқош бўладиган юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда.

АХДП Марказий Комитети ва АДР Министрлар Советининг ташаббуси билан мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳам мамлакатда қолоқликни тугатиш, халқ турмуш даражасини оширишга қаратилган.

Аммо ҳали АДРда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Америка империализмининг АДРга қарши эълон қилинмаган уруши эса устига-устак мамлакатдаги мавжуд қийинчиликларни чуқурлаштириб, янгиларини келтириб чиқармоқда. Америка ва бошқа Ғарб давлатлари етказиб бераётган қуроллар душман тўдаларининг ёвуз ниятларини амалга оширишда қўл келмоқда. Уларнинг ёш афғон ҳокимиятига етказган моддий зарари 36 миллиард афғонидан ошиб кетди. Халқаро империализм, Никарагуа, Ливия, Кампучияда бўлгани сингари, Афғонистонда ҳам мамлакатнинг ички ишларига аралашиб, халқни танлаган тараққиёт йўлидан чалғитишга уринаётир.

Қўшма Штатлар аксилинқилобчиларга кўрсатаётган ёрдам ҳажмини тобора ошириб бормоқда. Яқинда Вашингтон маъмурияти



Хўжаобод районидаги механизмлашган кўчма колонна қурувчилари дам олиш зонасида.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

Покистон территориясида бошпана топган афғон аксилинқилобчиларига «Стингер» деб номланган «ер-ҳаво» ракеталарини етказиб бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Вашингтон маъмуриятига қулоқ солинса, уларнинг АДР ички ишларига аралашувининг ҳеч қандай ноқонуний томони йўқ эмиш. АҚШ президентининг неоглобализм деб аталган доктринасига кўра, бу бор-йўғи Афғонистонни коммунистик хавфдан ҳимоя қилиш эмиш. Саккиз йил мобайнида АҚШнинг афғон аксилинқилобчиларига кўрсатган ёрдами 1,5 миллиард доллардан ошиб кетди. Қўшма Штатларнинг Афғонистондаги душман тўдаларига кўрсатаётган ёрдами ҳажмининг кенгайиб бориши Вашингтоннинг бу региондаги вазиятни янада кескинлаштираётганидан далолат беради.

Америка марказий разведка бошқармасининг чет элларда махфий операциялар ўтказиш учун мўлжалланган маблағининг 80 фоизи фақат Афғонистондаги қўпорувчилик ишларига сарфланмоқда. АҚШ Афғонистонга қўшни Покистон территориясида аксилинқилобчилар ҳарбий тайёргарлик ўтаётган 120 дан ортиқ лагерлар, юздан ортиқ қурол-аслаҳа омборларини ташкил этган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу йилнинг 28 июль куни Владивостокда сўзлаган нутқида, 1986 йилнинг охирига қадар Афғонистондан 6 та полк ўз Ватанига қайтарилишини эълон қилди. Совет Иттифоқи Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий йўл билан бартараф этиш имкониятларини вужудга келтириш мақсадида АДР ҳукумати билан бамаслаҳат шундай жиддий қарор қабул қилди.

АДРга қарши эълон қилинган уруш олиб бораётган доиралар мамлакатимизнинг бу ташаббусига муносиб жавоб берадилар, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга Афғонистонга қарши душманлик режаларини амалга ошираётганлар билиб қўйишлари керакки, АДРга қарши интервенция давом этадиган бўлса, Совет Иттифоқи қўшинисини кулфатда қолдирмайди.

Уртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети номидан партиямиз XXVII съездига қилган Сиёсий докладида: «Биз Афғонистон ҳукуматининг илтимосига биноан шу мамлакатда турган совет қўшинларини жуда яқин келажакда ўз ватанига қайтаришни хоҳлар эдик. Масаланинг сиёсий жиҳатдан тартибга солинишига эришилиб, АДРнинг ишларига ташқаридан қуролли аралашув реал равишда тўхтатилиши таъминланиши ва бу аралашувнинг қайтадан бошланмаслиги пухта равишда гарантияланиши биланоқ бу қўшинларни босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш муддатлари ҳам афғон томони билан келишиб қўйилган», деди.

АДРнинг ҳукумати 1980 йилнинг 14 май, 1981 йилнинг 24 августида эълон қилган Баёнотлари ва давлат раҳбарларининг чиқишларида мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қандай кафолат берилишини кўрсатиб ўтганлар.

Биринчидан, Покистон территориясида аксилинқилобчилар тайёргарлик ўтаётган лагерлар тугатилиши, иккинчидан, душманларга қурол етказиб берилиши тўхтатилиши керак. АДР ҳукуматининг талаблари асосан мана шулардан иборат. Лекин расмий Вашингтон Афғонистон ҳукуматига бундай кафолатлар беришни ўйлаётгани ҳам йўқ.

Тараққиёт йўлини танлаган афғон халқи ички қийинчиликларни бартараф этишда ёлғиз эмас. Совет — Афғон дўстлиги кўп йиллик анъанага эга.

Дўст афғон халқи билан мавжуд бўлган анъанавий алоқаларимиз Савр инқилобидан сўнг янада кенгайди.

Шу йилнинг 21 апрель куни Кремлда бўлиб ўтган Совет — Афғон музокаралари вақтида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Келажакда бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланиши шубҳасиз.

Турсун ҚОРАТОЕВ

НАФОСАТ СОҲИБАЛАРИ

Марксизм классиклари айтганидек, инсоннинг умумий маданият даражаси хотин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланади. Зеро, жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бир қисми хотин-қизлардир. Аёл нафосати, унинг куч-қудрати асрлар оша куйланиб келинаётир.

Кўп қиррали истеъдод соҳиби, забардаст шоир, Мақсуд Шайхзода ҳаёт гўзалликларидан ўзига хос равишда эстетик завқ олди. Унинг ижодига катта таъсир ўтказган кучлардан бири хотин-қизлардир. Моҳир нафосатшунос олим аёлларнинг инқилобдан олдинги аянчли аҳволи ҳамда Улуғ Октябрь инқилобидан кейинги «ўз озод ва бахтиёр жамиятларининг тенг ҳуқуқли аъзолари, ўз бахтлари ва тақдирларининг эгалари сифатида бутун ижодий куч ва ғайратларини коммунизм қурилишига сарф этаётганликлари»ни ўзига хос овоз билан куйлади.

Адибнинг кўпгина асарларида Октябрь революциясидан кейинги ўзбек совет аёлларининг социалистик жамият қуриш учун эрлар билан бир сафда туриб ҳормай-толмай қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатаётганликлари ўз бадиий ифодасини топган. Дарҳақиқат, юксак нафосат соҳибалари — СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Сорахоним Эшонтўраева, Галия Измайлова сингари санъаткорлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова изидан борган уста механизатор ва пахтакорлар, тўқувчи Буолма Жўраева, Дилбар Қулматова, Каромат Ёқуббоева каби юзлаб-минглаб ўзбек хотин-қизлари образи Шайхзода ижодининг илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди.

«Совет аёли — оналикнинг, шавкат ва севгининг, ҳаёт ва ижоднинг тимсолидир», — деганида Мақсуд Шайхзода тамомила ҳақ эди.

Адиб ижодининг қайси бир даврига назар ташламайлик, унда совет хотин-қизларининг нафосати кўтаринки руҳ билан мадҳ этилганининг гувоҳи бўламиз.

Улуғ Ватан уруши даврларида М. Шайхзода «поэзиянинг ярқироқ шамширини» баланд кўтариб, душман босқинчиларига қарши жангга отланди. Унинг «Қуёш қизи Зебохон», «Она кузатаркан» каби шеърларида совет хотин-қизларининг ватанпарварлиги, мардонавор жасорати, ҳайратомуз қаҳрамонликлари, букилмас иродаси, улуғвор қудрати зўр маҳорат билан куйланди.

Шоир ўзининг «Она кузатаркан» шеърида она билан Ватан тушунчасини, она билан мардлик, қаҳрамонлик туйғуларини уйғун ҳолда тасвирлайди. Қалбига юртнинг қайғуси ва шодлиги сингиб кетган она фронтда жанг қилаётган фарзандларини улуғвор ғалабаларга чорлайди, унинг хитоби жангчиларга куч-қудрат бағишлайди, уларни жанговарликка отлантиради:

Сени туғдим ботирлик учун
Мени десанг, Ватан деб кураш.

Шоирнинг «Қуёш қизи Зебохон» шеърида жасур ўзбек қизи Зебохон она юрт номидан совет аёлларининг «улуғ кучини» ва букилмас иродасини намойиш қилиш учун қўлига қурол олади:

Қўлга олдим автомат
Босқинчилар шунга мот.
...Азиз Ватан еридан
Ёвни отиб тераман,
Юксак норма бераман.

Мақсуд Шайхзоданинг шунга ўхшаш қатор шеърлари жангчиларни қаҳрамонликка, мардликка ундайди.

Дарҳақиқат, аёллар қудрати беқиёсдир. Доҳиймиз В. И. Ленин: «Миллионлаб аёллар қатнашмасдан туриб, биз пролетариат диктатурасини ўрната олмаймиз, уларсиз биз коммунистик қурилишни олиб бора олмаймиз», деб айтган эди Клара Цеткинга. Ленининг бу башоратини ҳаёт тасдиқлаб турибди. Ҳозирги кунда меҳнат армиясининг ярмини ташкил қилган хотин-қизлар гўзал турмушимиз қучоғида эркаклар билан ёнма-ён туриб яратувчилик ишларини олиб бораяптилар, коммунизм қуриш йўлида фаол иштирок этаяптилар. Мақсуд Шайхзода хотин-қизларнинг ҳаётдаги ўрнини улуғлаб, ҳамма соҳада улар хизмати буюклигини умумлаштириб шундай деган эди:

Сен буюк онасан, мушфиқ, меҳрибон,
Уртоқсан ижодда, курашда, жангда,
Шоирлар шеърига соқчи-посбон,
Тириксан шеърда, қўшиқда, рангда.

Ўзининг кўп ва хўп асарлари билан ўзбек совет адабиётига катта ҳисса қўшган Мақсуд Шайхзода ижодида совет аёлларига хос гўзаллик, қаҳрамонлик, улуғворлик, нафислик юксак эстетик дид билан куйланади, шарафланади, уларнинг нурли образлари ўлмас мисраларга муҳрланади.

Муборак АҲМЕДОВА

«Тез ёрдам»да беморни даволаш. Врач А. Ҳакимов, фельдшерлардан Л. Новикова, Н. Каримов.
В. Мосин фотоси



«Тез ёрдам» вақт танламайди.
В. Мосин фотоси



Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг механизатори Ш. Оллоберганов ўз агрегати билан.

В. Мосин фотоси



Тошкент чинниси.

М. Пенсон фотоси

Сой соҳили сўлим-сўлим...

А. Жданов фотоси



Рассом Малик Набиев ўз ижодхонасида.

В. Мосин фотоси

М. НАБИЕВ. ШОИР МАҚСУД ШАЙХЗОДА.



Медицина фанлари доктори, профессор Муҳтарама Содиқова ўз шогирдлари Феруза Тўлаганова ва Фарида Аюпова билан.

Ҳ. Солиҳов фотоси

ДИЛДА ЭЪТИҚОД БИЛАН...

БИЛИМ юртининг парткоми, медицина фанлари доктори, профессор Муҳтарама Шароповна Содиқовани мўъжазгина хонага бошлаб кирди.

— Баъзи олимларнинг учрашувларга кечикиб келиш одати бўлганидан, Сизни сал эртароққа айтгандик. Узр, опа, озгина дам олиб турасиз, — партком хижолат аралаш ростини айтди.

— Одам ўз сўзига масъул бўлиши шарт. — Профессор фикрини сингдирувчи мулойим, аммо қатъий гапирарди. — Ҳа, майли, китобларингиз кўп экан, томоша қилиб турарман... — деб хижолат бўлиб турган парткомни яна ноқулай аҳволда қўймаслик учун қўшиб қўйди.

— Талабаларимиз сизга саволлар тайёрлаб қўйишган, мана кўздан кечириб турсангиз ҳам бўлади...

Муҳтарама Шароповна расмиятчиликни ҳам беҳад ёмон кўрарди. Минбардаги нотиқ билан пастдагилар орасида аллақандай сирли парда тортилган йиғилишлардан безиларди. Очиқ-ойдин, рост суҳбатларни ёқтирарди.

— Қоғозларсиз ҳам гаплашаверардик...

— Йўқ, йўқ. Биз Сизни ўйлаб эмас... Чарчатиб қўйишмасин деб...

Партком шоша-пиша чой қуйиб узатди-да, чиқиб кетди.

Муҳтарама Шароповна оддий катак дафтарга ниҳоятда эътибор билан ёзилиб, тартибланган саволларга беихтиёр қаради: «Ота-онангиз ҳақида гапириб беринг...»

Муҳтарама Шароповна врач бўлса ҳам, санъат кишисига ўхшаб тез таъсирланарди. «Ота-она» деган ёзувларнинг тагида чиндан ҳам аллақачон ҳаётни тарк этиб кетган энг яқинлари — жону жигарлари тургандай бинафша рангли сиёҳни силагиси келди. Баъзилар ўтган кишилар ҳақида гапиришганда, кўпроқ уларнинг соддалиги, саводсизлиги... яна нималар ҳақидадир сўз очишади. Йўқ, Муҳтарама Шароповна талабаларга онаси, акаларининг эътиқоди бутун, ҳалол кишилар эканлигини айтади. У отасидан жуда эрта етим қолганлиги учун уларни гоҳ катта, гоҳ кичик акалари қиёфасида тасаввур қилиб ўрганиб қолган. Беш болани етаклаб Бухородан Самарқандга, ундан Тошкентга келиб жойлашган, қаттиқ-қуруқ кунларда ҳам фарзандларини илм йўлидан қайтармаган заҳматкаш, нуроний онасини қанча гапирса кам. «Қайси халқнинг болалари зиёли бўлса, шу халқнинг қўли узун», — дерди онаси раҳматлик маҳаллада аллақим ўқишга интилган ўғил-қизининг йўлига чиқса. «Ҳой, болам, шогирдинг ўроғлиқ бир нарса ташлаб кетдими? Болаларининг ризқидан қийиб олиб келган бўлмасин!» деб тергаб турарди яқин-яқинларда ҳам. «Онажон, у ёзган нарсаси, кўриб беришим керак», деб даста-даста қўлёзмаларни олиб чиқиб кўрсатганда, кўнгли тинчирди...

Ҳа, Муҳтарама Шароповна кўплар Хуршидабону деб эъзоз қилган онаси ҳақида талабаларга кўп гапириб беради. Ахир, уларнинг ҳам кўпи ҳадемай она бўлади-ку, фарзанд тарбиялайди-ку, зора юракларида яхши из қолдирса...

«Сиз нима учун гинеколог врач бўлгансиз? Ахир, бу унча ёқимли иш эмас-ку...»

Иккинчи саволда ҳам самимият бор эди. Муҳтарама Шароповна ўзи ўтирган кабинетдаги ҳозиргина кўрмоқчи бўлган китобларни ҳам унутди. У одатда ҳеч қайси ишни қўл учида қилмасди.

«Муҳтарама Шароповна беморларга рецептни ҳам шунчаки эмас, алоҳида ихлос билан ёзади», дейишади ҳамкасблари. Ҳозир ҳам ўқувчи дафтарига битилган саволларга астойдил шўнғиди... Ҳар замоннинг орзуси ўзига яраша бўлганиданми ё 40-йилларнинг болалари катталар дардини тез англармиди... ҳар ҳолда Муҳтарама еттинчи синфни тугатиб, Тошкентдаги Охунбобоев номли медбилим юртига ўқишга кирди. Орзуси яхши ўқиб, стипендия олиб, онасига тезроқ ёрдам берса... Олдин «акушерка» деган сўз бироз ғайритабиийроқ, сирлироқ туюлиб, шу бўлимни танлаган эди. Кейин техникумни имтиёзли тамомлаганида, Тошкент Медицина институтида ўзи яхши кўриб давом эттирди бу факультетда ўқишни.

«Инсон учун, унинг қувончи учун қилинаётган барча ишлар қандай бўлишидан қатъий назар, жуда ёқимлидир...» Профессор иккинчи савол ёнига шундай деб ёзиб қўйди...

«Ҳаётингиздаги бахтли кунларни гапириб беринг...» Муҳтарама Шароповна бундай саволлар учрашувдан-учрашувга кўчиб юришини билса ҳам, умридаги бахтли дақиқалари ҳақида ўйлаб кўрмаган экан. «Қайси бир кун?» Балки, онасига илк бор қўлига маҳкам қисиб, стипендия олиб келган лаҳзасидир?

„ГУЛИСТОН" ГАЛЕРЕЯСИ

ҚАЛБДАГИ ҚУЁШ

«Ҳаётда ўз қўшиғини топаолган, уни қайтарилмас оҳангда кўпчиликка манзур қилиб куйлаган санъаткорни бахтли инсон деса бўлади»,— деб ёзган эди машҳур рассом Ўрол Тансиқбоев.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Малик Набиев рассом, педагог, санъатшунос олим сифатида ҳам таниқлидир.

Бу мўйқалам устаси асарларида тарихий сиймолар образларини бадиий жиҳатдан ўзига хос маҳорат билан талқин қилади. Улар орасида хоразмлик буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний портрети алоҳида ажралиб туради.

1949 йили улуғ олим Абу Райҳон Беруний портретини яратиш учун конкурс ўтказилади. Унда Малик Набиев чизган портрет тўлақонли деб эътироф этилади. 1973 йилда эса буюк ўзбек мутафаккири таваллудининг минг йиллиги муносабати билан иккинчи маротаба конкурс эълон қилинади. Рассом бу гал ҳам Беруний портрети устида ишлашни давом эттириб, конкурс ғолиби бўлади. Сўнгроқ, бу портрет ЮНЕСКОнинг «Курьер» журнали муқовасида, Иттифоқимиз ҳамда хорижий мамлакатларнинг кўпгина журнал ва газеталари саҳифаларида, шунингдек, открытка, марка, плакатларда бир неча бор нашр этилди.

Портретда фандаги чигалликларни ечиш учун чуқур хаёлга чўмган, ўйчан кўзлари вазминлик билан олис келажакни кўраётган, ўз илмий кашфиётига бутун вужуди билан берилган тарихий шахс, инсонпарвар олим Абу Райҳон Берунийнинг салобатли образи гавдалантирилган. Портретнинг орқа фонидан кўзга ташланаётган китоблар, геометрик асбоблар Берунийнинг қомусий олим ва мутафаккир инсон эканини ўқувчи кўз олдида тўла гавдалантиради.

Мусаввир Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ар-Розий, Рудакий ва бошқа бир қанча Шарқ мутафаккирлари образларини ҳам катта маҳорат билан яратди.

М. Набиевнинг тарихий мавзудаги асарлари машҳур шахслар портретларидангина иборат эмас, албатта. Улар орасида композицион жиҳатдан пухта, мураккаб воқеаларни жонлантирувчи полотнолар ҳам мавжуд. Чунончи, «Спитамен кўзғолони», «XVII асрда Самарқандда ҳунармандлар кўзғолони», «Жиззахдаги 1916 йилги кўзғолон», «Муқанна жангномаси», «Эски мактаб», инқилобчи шоир Ҳамза Ҳакимзодага бағишланган «Учрашдилар», «Уйғониш» деб номланган полотнолари чуқур мазмун, драматизм билан йўғрилган.

Рассом ижодида яна бир кенг талқин қилинган мавзу — бу замондошларимизнинг меҳнат фаолияти, социалистик турмушимизнинг афзалликлари, илҳомбахшлиги, меҳнат кишиларининг гўзал тақдирлари.

Масалан, машҳур сут соғувчи Мунаввара Исҳоқова портретида бугунги ўзбек аёли образи мувафақиятли тарзда жонлантириб берилган.

Яқинда рассом илғор замондошларимиздан яна бири — КПСС XXVII съезди делегати, пахтачилик бригадаси бошлиги Муҳаббат Аҳмедованинг портретини яратиш учун Самарқанд областига борди. Муҳаббат Аҳмедова дала ишлари билан ниҳоятда банд экан. Хуллас, рассом учун вақт ажратиладиган бўлди. Бир пайт пахтазор оралаб келаётган пахта устасини кўрган рассом ҳамроҳларига қараб:

— Қаранг, у худди чарақлаган офтобнинг ўзгинаси-я! Гўё қуёшнинг бир парчаси ерга тушиб, биз томонга яқинлашиб келаётгандай-а! — деди. Рассом мўйқалами меҳнатда тобланган аёл чеҳрасидаги ана шу ёрқин рангларни полотнога кўчиришга шошиларди.

Дарҳақиқат, инсон қалбидаги ҳис-туйғулар, ғалаёнларни, одамлар ўртасидаги меҳру садоқатни, самимий муносабатларни бадиий жонлантириш рассом асарларига хос хусусиятлардандир. М. Набиев қаҳрамонлари оддий, лекин меҳнат мўъжизаларини яратаётган замондошларимиз — ҳалол, бунёдкор, жамиятнинг олға босиши учун жон куйдириб ишлаётган ажойиб совет кишилари. Бу ўринда «КПСС XXVII съезди делегати Муҳаббат Аҳмедова», «Пионер», «Мунаввара Исҳоқова», «Ғолиблар», «Файзулла Хўжаев портрети», «Чўпон», «Колхоз бригадири», «Она ер меҳри», «Гилам тўқувчи қиз», «Бинокор», «Муаллима Ғоипова», «Қаҳрамон она» асарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Ўз қаҳрамонлари қалбидаги қуёшни кўра билган ва уни ўз асарларида ажиб бир илҳом билан тасвирлай олган рассомларимиздан бири бўлмиш Малик Набиев 70 ёшга тўлди. Лекин устоз рассомимиз илҳоми, шижоатида ёшлик руҳи намоён. Биз буни кўриб турганимиз ҳолда, унинг халқимиз учун кўплаб янги асарлар яратишига тилакдошмиз.

Норсаид ОЙДИНОВ

Балки, қанча бедор тунлар, чинакам машаққат эвазига врачлик дипломини олган лаҳзасидир... Балки тақдир йўлларида унга Содиқ Алиевич Маъсумов, Елқин Холматович Тўрақулов, Давид Абрамович Коган, Елена Евгеньевна Самойлова каби чинакам илм кишилари устозлик, суянчиқлик қилган вақтлардир... Ҳар ҳолда, у йигирма йилнинг нари-берисида ҳам кандидатлик, ҳам докторлик диссертациясини ёқлади...

Балки, энг бахтли кунлари булар ҳам эмасдир... Аёллардаги буқоқ касаллигининг фарзандсизликка таъсири мавзуидаги илмий ишларининг ҳаётга татбиқ қилина бошлаган лаҳзаларидир... Фарзандсизлиги туфайли иккига бўлинай деб турган оилаларни бутлашга ҳиссаси қўшилган кунлардир...

Ҳа, у ўзининг илмий куч-ғайратини асосан шунга сарфлаган. «Аёлларнинг баъзилари нега она бўлиш бахтидан маҳрум?» Ҳозирги иш жойи Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Гинекология ва акушерлик илмий-текшириш институтигача бўлган барча ўқиш ва иш босқичлари ҳам, бу ерда эндокринология бўлими бошлиғи сифатида олиб бораётган ишлари ҳам аёлларни она қилишдек жуда қийин, аммо жуда керакли йўлга бағишланган.

Балки, республикамизнинг турли бурчакларидан келган, келаётган она, оталарнинг миннатдорчилик мактубларини ўқиётган онларидир энг бахтиёр онлари...

«Ҳозир ўғлимиз Умиджон уч ойлик бўлди. Бирам ширин, шўх бўлганки... Раҳмат, менга шунчалик марҳамат кўрсатганингиз учун. Доимо Умиджон ва менинг бахтимга соғсаломат бўлинг».

«Қадрли Муҳтарама Шароповна, бугун менга она бўлишимни айтишди. Барча ташвишларимни тенг тортишганингиз учун Сизга шодлигимни ҳам ёзаяпман. Ҳаммаҳаммаси учун раҳмат!»

Қаршилик Иборат Арабова ва қўқонлик Фромя Мавриди каби умрида илк бор оналик бахтини туйган аёллардан келаётган хатлар қанча...

«Сизни бугунги медицинамиздаги қай ҳолатлар қувонтиради ва қай бирлари безовта қилади?»

Буниси анча жиддий савол эди. Лекин Муҳтарама Шароповнанинг ўзи бу ҳақда жуда кўп ўйларди. Тўғри, давлатимиз медицинанинг аҳволини тобора яхшилаш учун йилдан-йилга кўплаб маблағлар ажратади. У ўзи ишлаётган — таниқли олима Раъно Хўжаева раҳбарлигидаги илмий-текшириш институтининг муваффақиятларини оғиз тўлдириб гапирса арзийди. Жаҳон соғлиқни сақлаш федерацияси уларнинг ишлари билан қизиқаяпти. Уч-тўрт йилдан буён институтлари Женева билан шартнома асосида энг замонавий медицина жиҳозлари билан таъминланмоқда. «Бизнинг илмий-текшириш институтимиз аёллардаги ҳомилани регулировка қилиш ва бошқа синовларни ҳозир шу Женева аппаратларида ўтказаяпти. Ҳозирча натижаси яхши. Балки, бу синовлар келажакда аёлларнинг ҳомилани олдириб ташлаш, ҳомиладан сақланиш каби организм учун ҳам фойдаси бўлмаган тажрибалардан воз кечишга олиб келар...»

Яна... Муҳтарама Шароповна Хосият Абдуллаева, Леонид Орехов, Раъно Усмонова, Варвара Зигизмун каби жуда ишбилармон врачлар, Сайёра Каримова, Феруза Файзиева, Фарида Аюбова каби талантли шогирдлар даврасида ишлайди. Улар билан бирор янгиликни синовдан ўтказиш, муваффақият қозониш ва ҳаётга татбиқ этиш иш машаққатларини анча камайтиради. Лекин ҳали жойларда медицинанинг аҳволи кўнгил тўларли эмас. Ҳали-ҳамон арзимаган бир хасталик туфайли беморлар яшаш жойларидан нажот тополмай пойтахтга саргардон бўлишади... ҳали-ҳамон жойларда диспансеризация тўлиқ ўтказилмайди, аёллар, ёш болалар орасидаги касалликлар узоқ вақтлаб назоратсиз қолиб кетади. Бундан ҳам ёмони: шифокорлар орасида ҳали-ҳамон пора олиб даволайдиган баъзи қаллоблар бор... Муҳтарама Шароповна ҳаммасидан ҳам шунисига чидай олмайди. Узоқ-яқинлардан ёш-ёш жувонлар эрлари, оталари етагида унинг қабулига киришади: «Ота ёки иним, мана бу ҳужжат керак...» деб гап очса, «Қанча бўлса олинг-да, даволанг!» деб таклиф қилишади. Муҳтарама Шароповна ҳақиқатни тушунтиргунча анча уринади. Баъзилари даво муддатини ўтагач, эшигида мўлтираб туришади, қўлтиғида бир кийимлик мато ё қўлида конверт... «Опа, сиз шундай дейсиз-у, оладиганлар бор-да, кўзи қўлингга қараб, бирор нарсани кўрса, кейин яхши гапиришади», дейишади баъзилари Муҳтарама Шароповнанинг тушунтиришларига жавобан... Профессор шундай шифокорларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумидан кейин ҳам яшай олаётганидан безовта бўлади.

Профессор ҳозир ҳам улардан бир-иккитасининг башарасини кўриб тургандек ижирғанди, нохуш ўйлардан қочиш учун деразага қаради: бир парча осмон шундай кўриниб турибди. Совуб қолган чойдан ҳўплади-да, яна олдидаги қоғозга қаради... «Биз ёшларга қандай истагингиз бор?»

Муҳтарама Шароповна Тошкент Давлат университетида илмий коммунизм кафедрасини бошқараётган турмуш ўртоғи, фалсафа фанлари доктори, профессор Отабой Содиқов билан кўпинча шу мавзуда суҳбатлашиб туришарди. Бу суҳбатга гоҳи Муҳтарама Шароповнанинг бирор шогирди (ахир, унинг раҳбарлигида ўнлаб илм қилаётган ёшлар бор) ё эрининг толиб, толибалари ё қизлари Сайёранинг келиб-кетиб юрган тенгдошлари сабаб бўларди. Йўқ, улар ҳозирги ёшлардан нуқсон қидиришмайди, фазилатларидан қувонишади.

— Опа, зерикиб қолмадингизми, талабаларимиз Сизни кутишяпти! — Эшикдан яна парткомнинг шошқин овози эшитилди.

Профессор Муҳтарама Содиқова оқ халат кийиб, бир даста оққушлардай ўтирган талабалар олдига кириб борар экан, кўнгли равшан эди. У қачон, нима муносабати билан бўлмасин, ўз ҳаёт йўлини тафтиш қилган, қониқмаган пайтлари, кўнгли тўлмаган дақиқалари бўларди, аммо умридан узиб ташлагиси келадиган кунлари бўлмасди. Шу ўй уни доим ёшлар олдига — келаси кун олдига бошини баланд тутиб кириб боришга ундарди...

Қутлибека РАҲИМБОЕВА



Тошкент Медицина институтининг 1-клиникасида (ўртада: медицина фанлари кандидати А. Назаров).

В. Жирнов фотоси

Озодалик — саломатлик гарови

ЧАНГ КАНАЛАРИ

Олимлар хонадонларимиздаги чанг энг кучли аллергия қўзғатувчилар турига мансуб эканлигини аллақачон таъкидлаганлар. Мазкур чанг атрофимиздаги органик ва ноорганик моддаларнинг мураккаб бирикмаларидан иборат бўлади. Органик бирикмалар икки турга: ўлик бирикмалар (қисман озиқ-овқат, инсонлар ва жониворлар баданида, ўсимлик қолдиқларида учрайдиган кенг тарқалган қичитқилар) ва тирик бирикмалар (кана, қўзиқорин, кўзга чалинмайдиган ҳашарот гуммакларига)га ажратилади.

Хонадон чангида мавжуд бўлган аллергик касалликларни келтириб чиқарадиган каналарнинг асосий қисмини тери касалликларини тарқатувчи каналар ташкил қилади. Улар кўрпа-тўшакларда, иссиқ ва нам жойларда жон сақлайди. Соч толаларидан тўкиладиган тери қипиқлари ва ҳоказолар билан озиқланади.

Чанг каналари ўзидан кўксов, қичима каби тери касалликларини келтириб чиқарувчи моддаларни ажратадилар. Бу инсон саломатлиги учун зарарлидир.

Бу танозорлардан қутилишнинг бирдан-бир чораси хонадонларимизни ҳамиша озода тутишдир. Ҳафтада камида икки марта хонадонни йиғиштириш, мебелларни намлаб артиш ва юриб туриш зарур бўлади.

Мабодо оила аъзоларидан кимдир аллергия касалига чалинган бўлса, бу тадбирлар ниҳоятда эътибор билан амалга оширилиши шарт. Хона ҳар куни 20 минут шамоллатилади. Шундай қилинганда чанг каналарининг ривожланишига халал берилади. Шунингдек, кийим-кечакларнинг ҳамма тури ҳам очиқ ҳавода тозаланиши шарт. Кўрпа-тўшакларни эса иложи борича тез-тез шамоллатиб, офтобга ёйиб туриш керак, чунки ультрабинафша нурлар икки соат мобайнида каналарни, улардан ажралиб чиқадиган касаллик тарқатувчи моддаларни ҳалок қилади.

РАҚС УСТАСИ



СССР халқ артисти Галия Измайлова ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Ражаб Тангуриев.

АСЛ САНЪАТ ўз бадиий қадрини йўқотмай узоқ, яна ҳам тўғрироғи, абадий яшайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, балет санъати асари жуда ўзига хос: у ижро вақтида, яъни спектакль давомидагина мавжуд бўлади. У саҳнада яшар экан, ҳар сафар янги, бетакрор бир хусусият касб этади, яшариб, мукаммаллашиб боради. Аммо, бирон-бир сабаб билан ижро қилинмай қўйса, ҳаттоки рақс санъати тараққиёти учун тарихий аҳамиятга молик, унинг бутун бир даврини ташкил этган асар ҳам сафдан чиқади, фақатгина томошабинлар ёдида қолади... Балет санъатининг ҳамма фазилатларини тўла-тўкис сақлаган ҳолда, муайян спектаклни ёзиб олиш ёки лентага кўчириш эса ниҳоятда қийин иш. Шунинг учун халқ маданий тарихига янги саҳифа бўлиб қўшилган спектакллар, классик асарлар театрнинг энг яхши асарлари сифатида репертуарда сақланиши, бадиий кенгашлар ва театр коллективлари ўз муваффақиятларини авайлаб-асраши, ривожлантириши керак.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет театри саҳнасида «Маскарад» (Л. Лапутин музикаси, О. Дадишкилиани либреттоси, саҳналаштирувчи — И. Смирнов) асарини ким кўрган бўлса, бу спектаклнинг бош қаҳрамонлари ижрочиларини — Нинанинг нозик, пок образини яратган СССР халқ артисти Бернора Қориевани ва Арбенин сиймосини жонлантирган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ражаб Тангуриевни унутмайди, албатта.

1959 йил... Москвада ўтадиган адабиёт ва санъат декадасига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда эди. Бу ўн кунликда Ўзбекистон илк марта «Маскарад» балет спектаклини намойиш қилиши керак эди. «Маскарад»ни саҳналаштириш билан боғлиқ ижодий иш кўпчиликнинг диққат-эътиборини қамраб олган эди.

Арбенин — олий табақа вакили, кучли, исёнкор шахс образини яратиш, балет санъатида мужассамлаштирилиши жуда оғир бўлган бу вазифани бажариш ёш раққос Ражаб Тангуриев чекига тушди. Маълумки, хореографик образ инсон танасининг таъсирчан музикавий-ритмик ҳаракатлари, ҳолатлари, имо-ишоралар, рақс ва бошқа бадиий воситалар асосида ҳосил бўлади, ўз навбатида қаҳрамоннинг ҳиссиёт оламини тасвирлашга қобил бу омилларни яратиш жараёни ҳам ғоят мураккаб. Лекин «Маскарад» балети драматургияси конфликтининг асосий ифодачиси, ташувчиси бўлган олий табақа вакили Арбенин образини яратишнинг мушкуллиги шундан иборатки, у орқали даврнинг ижтимоий қарама-қаршиликлари, олий табақа муҳитининг айниб, бузилиб кетганлиги, дабдабали маскарадлар, либослар ва ҳашамлар — боодоблик, яхшилик «ниқоблар»и ортида Арбенин ва Нинани, уларнинг севгисини барбод қилган ахлоқсизлик, ҳасад, туҳмат яширинлигини очиб ташлаш зарурлигидадир. Арбенин ҳаётнинг мунофиқона йўлларига, олий табақа жамиятига хос ёлғончилик, бемеҳрликка қарши чиқади, лекин шу билан бирга, ўзига ҳам мазкур жамиятнинг нуқси урганки, пировардида у шу ҳолнинг қурбони бўлади. Бундай мураккаб руҳий образни яратгунча, Р. Тангуриев муайян тайёргарлик даврини — ўзига хос ижодий йўлни босиб ўтган эди, албатта.

У Хевада, меҳнаткаш оилада туғилди. Унинг отаси — Тангриберди Хоразмда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ишида фаол иштирок этган, босмачиларга қарши курашда ҳалок бўлган. 5—6 ёшли етимни — Ражабни болалар уйи ўз бағрига олган. 1938 йили балет мактабининг ташкилотчиларидан бири бўлмиш В. Н. Губская Хоразмга келади, қобилиятли болаларни, шу жумладан Ражабни рақс билим юртида ўқитиш учун Тошкентга бошлаб келади. Ана шу вақтда, ҳужжатларни расмийлаштириш вақтида Ражабнинг фамилияси «Тангрибердиев» деб эмас, «Тангуриев» деб янглиш ёзилиб қолади. Улуғ Ватан уруши бошланганидан кейин рақс билим юрти вақтинча ёпилади; Р. Тангуриев бошқа ўқувчилар — ҳозирда СССР халқ артисти Қундуз Миркаримова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Раиса Ҳожисаидовалар билан биргаликда Янгийўлдаги музикали театрда янги ташкил қилинган балет труппасида ишлаш учун юборилади. Ражаб 1948 йили СССР Давлат академик Большой театри қошидаги Москва хореография билим юртига ўқишга киради ва уни 1951 йили муваффақиятли битиради. Пойтахтда Н. И. Тарасов, А. Лапаури, В. Кузнецов каби балет санъати усталари қўлида таълим олган Ражаб республикамизнинг классик рақс соҳасидаги илк намояндаси сифатида майдонга чиқди. СССР Большой театрида намойиш қилинган «Маскарад» балет спектаклини юксак баҳолаб, «Советская Россия» газетаси ўзининг 1959 йил 21 февраль сонида Арбенин роли ижрочиси Ражаб Тангуриев истеъдоди ва маҳоратини ғоят юқори ва ҳаққоний таърифлади.



«Лазги»

Ҳа, Р. Тангуриев классик рақс соҳасида бизнинг тўнғич санъаткоримиз ва миллий балетимиз «Сухайл ва Меҳри» (композитор М. Левиев)нинг биринчи ижрочисидир. Бу асарда у Сухайл ролини, эндиликда СССР ҳалқ артистлари — Галия Измайлова ва Қундуз Миркаримова Меҳри ролини ижро этган эдилар.

Ражаб Тангуриев балет спектакллари, операл, кинобалетларда 40 га яқин образни яратди. Биз уни «Боқчасарой фонтани» балетида Вацлав, Нурали, Гарой, Қора Қораевнинг «Етти гўзал» асарида шоҳ Баҳром, шу композиторнинг «Чақмоқ изидан» балетида Ленни, «Корсар»да Саидпошшо, Аданнинг «Жизел»ида Альберт, «Штрауснома»да шоир, Ярулиннинг «Шурали» балетида Али Ботир, «Семурғ» балетида Ялмоғиз, «Эсмиральдо»да Феб, «Оққуш кўли»да Зигфрид, Ротбарт, «Кўҳна қалъа афсонаси» кинобалетида Темур Малик қиёфасида кўрганмиз. Лекин унинг маҳорати Арбенин образини яратиш жараёнида ёрқин намоён бўлди.

Р. Тангуриев Арбенин роли устида ишлар экан, бу образнинг руҳий ишонарлилиги сирларини укди, ҳар бир ҳаракат, имо-ишорани сайқаллади, такрорлади, тағин ҳам ёрқинлаштирди. Нина роли ижрочиси, СССР халқ артисти Бернора Қориева билан биргаликда саҳардан кечгача машқ қилди, бу икки санъаткор ўз ҳаракатлари, рақслари рангин мазмунини тобора бойитдилар, уларни тасвирланаётган даврга хос руҳ билан тўлдирдилар. Унда кийинишдан тортиб қандай ўтириб қандай ўрнидан туришгача, саломлашишдан тортиб суҳбатла-

шишгача — барча деталлар аниқ, таъсирчан бўлиши керак эди, буларнинг биронтаси бузилса, бутун образнинг ишонарлилиги, ҳаққонийлигига путур етар эди. Энг муҳими, шуларнинг ҳаммаси рақсда, рақс орқали яратиларди...

Нина ва Арбенин образларини тўлақонли, жонли гавдалантириш йўлида Бернора Қориева ва Ражаб Тангуриев кўп куч сарфладилар. Ниҳоят, орзулари ушалди... Дарҳақиқат, айни балетнинг қуйидаги каби энг ёрқин саҳналарини унутиб бўладими: қорга кўмилган боғда Нина ва Арбенин лирик дуэти... Агарда биз Арбенин—Тангуриевнинг илк чиқишида унинг образида нафрат, ҳисоб-китоб билан иш кўриш, ҳукмфармолик, адоват мужассамлашганини кўрсак, Нина билан дуэтида уни танимай қолгандек бўламиз — Нинанинг соф, нозик, бокира гўзаллиги Арбенинни забт этади: буни унинг енгил қадам олишидан, маҳбубасини тутганида мулойим ҳаракат қилишларидан, шамолдек тез югуришларидан, Нина билан чирмашиб рақс тушганларида улар қалбини муҳаббат туйғуси бирлаштиргани аниқ сезилиб турганидан англаймиз. Унинг чеҳраси шодлик, бахтдан балқади. Арбенин юзида илк марта бахтиёрлик акс этганини кўрган рақиби қиморхонада ютқазгани учун ундан ўч олишни кўнглига тугади...

Сўнгги пардада айниқса теран таассурот қолдиради, унда рақс воситасида инсоний кечинмаларнинг бутун бир найкамалаги намоён этилган: Нина ёрдам сўраб ёлворади, Арбенин эса қатъий; унинг заҳарланганини айтади, у ҳали ўз хатти-ҳаракатларининг тўғрилигига ишонади, қиз ўзининг бегуноҳлиги тўғрисида қасам ичганидан кейин кўнглига аста-секин шубҳа тушади, Нинанинг гўдакникидай беғубор кўзларини кўргач, тушуниб етадики, хато қилибди... ягона севимли кишисидан жудо бўлгач, уни жунун енгади — буларнинг ҳаммаси, кўзнинг очилиши ва ҳар иккисининг ҳалокати пантомима ва рақс дуэти орқали ижодий бир тарзда ифодаланади.

Р. Тангуриев рақс санъатида мавжуд имкониятлардан, ҳаттоки инсон овозига хос барча ранглардан тўла фойдаланади. Спектакль томошабинларнигина эмас, балки тажрибали драма актёрларини ҳам ҳаяжонга солди. Ўз санъати билан мухлисларини кўп бора тонг қолдирган СССР халқ артисти Олим Хўжаев бош ролларнинг ижрочилари — Бернора Қориева ва Ражаб Тангуриевни табриклаб, шундай деди: «Мен — кекса актёр, театрда йиғламасликка ўрганганман. Лекин бугун йиғладим. Болаларим, санъатингиз учун раҳмат!» («Московская правда» газетаси, 1959 йил 14 февраль). М. Ю. Лермонтовнинг «Маскарад»ига музика ёзган А. Хачатурян спектаклдан олган зўр таассуроти остида «Театр» (1959 йил, 5-сон) журналида шундай деб таъкидлайди: «Ражаб Тангуриев ўз партиясини теран самимият, ажойиб енгиллик, равонлик, меъёр билан, гўзал бир тарзда талқин қилади... Мен, бу артист ўз номи Арбенин ролининг драматик саҳнадаги энг яхши ижрочилари номлари билан бир қаторда тура олишини таъминловчи ҳуқуқни қўлга киритди, деб ўйлайман».

«Боқчасарой фонтани»да (Б. Асафьев музикаси, Н. Волков либреттоси) 1962 йили Р. Тангуриев яратган Гарой образи Арбенин образига мутлақо ўхшамайди. Лекин Гарой ҳам Арбенин сингари мураккаб образ, у ботинан қарама-қаршиликка тўла. Р. Тангуриев Гарой образи хусусиятларининг барчасини тўла акс эттирди, бошқа ижрочиларнинг бу образ талқинидаги бир ёқламаликларини бартараф этди. Р. Тангуриев пантомима санъатидан, куйининг ифодавийлигидан мукаммал фойдаланган ҳолда, ҳаракатлар оҳангдорлиги, қадам, қўллар пластикаси, кўз воситасида Гаройнинг ишонарли, бетакрор образини яратади.

«Боқчасарой фонтани»ни томоша қилган киши спектакль биринчи пардаси охиридаги бир манзарани асло унута олмайди: саҳнага қизил ёпинчиқли, улкан, улуғвор, кучли, сочи қирдирилган, лекин гўзал жуссали Гарой отилиб киради. У оёқларини кериб турган ҳолда, бир зарб билан Вацлавни ўлдиради, четда турган қизга назари тушгач, қатъий, аммо елдиримдек қадамлар билан унга — Марияга яқинлашади, шарфини юлиб олади-да, унинг мисли йўқ гўзаллиги, назокати, ҳимоясизлиги олдида лол қолиб, тош қотади. Буни қарангки, юзининг мазмуни дарҳол ўзгаради, кучли бераҳимона ҳаракатлари майинлашади, бетийиқлиги ва ваҳшийлиги вазминлигу мўминлик билан алмашинади. Спекталь воқеалари шу тариқа ўз ниҳоясини топади. Балет драматургияси нуқтаи назаридан ниҳоятда ёрқин жонлантирилган бу эпизод қаҳрамон хатти-ҳаракатларининг пластик зиддиятини тўла-тўкис мужассамлаштиради. Лекин Р. Тангуриев талқинида, бу асардаги авж нуқталардан бири даражасига кўтарилади, у айни ҳолатда ўз устоди — Гарой образини яратишда беназир ҳисобланган А. Лапаури анъаналарини давом эттиради.

«Боқчасарой фонтани»даги кейинги саҳналар ҳам ғоят жозибали: мана, Гарой Марияга ўз муҳаббатини изҳор қилмоқда, маъшуқасига нисбатан олижаноб ва итоаткорона муносабати аён бўлиб турибди... В. Г. Белинский таъбири билан айтганда, «ёввойи қалб қайта туғилди», Мария гўзаллиги унинг кўз ўнгида янги дунёни очди. Гарой ва Зарема тўқнашуви саҳнаси ҳам қабариқ, ёрқин: у, ўз Мариясини ҳозиргина ҳалок қилган Заремага қўлида ханжар — даҳшатли ғазаб билан ташланади. Ниҳоят, пировард-якун: дунёдан этак силкkан, ўзи қаттиқ яхши кўрган Марияниng ҳалокатидан ларзага тушган, руҳан ғариб бўлиб қолган, Зарема қатлини лоқайдларча кузатаётган Гарой-Тангуриев... У Мария хотирасини эъзозлаб, «кўз ёш фавораси»ни қурдиради; қўлида икки дона гул тутган ҳолда, оғир юриб саҳнага кириб келади, оқ юриб — Марияга, қизил гули — Заремага... Елғизланиб, кўзига олам қоронғу бўлиб қолган Гарой фонтан қаршисида аста тиз чўкади...

Р. Тангуриевнинг раққослик истеъдоди кўп қирралидир. У эркаклар рақсини моҳирона, муносиб ижро этади. Шунинг учун ҳам 1957 йили Москвада ўтказилган Жаҳон ёшлар фестивали олтин медали билан тақдирланди, халқ рақси конкурси лауреати бўлди.

Хуллас, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ражаб Тангуриев ижоди республикамиз рақс санъатининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Бу ноёб ва мураккаб мутахассислик қобилият ва истеъдоддан ташқари, профессионал ижрочиликнинг юксак даражада намоён бўлиши учун жисмоний баркамолликни ҳам талаб қилади. Ражаб Тангуриев ўз умрини бағишлаётган классик рақс талаби ана шундай. У республикамизда мана шундай санъат моҳиятини англаш йўлини очган қалдирғочдир. Р. Тангуриев сермазмун умрининг 60 йиллигини нишонламоқда. Айни пайтда қирқ йилдан буён балет санъатининг навқирон намояндаларини етиштириш ишига ҳам ҳисса қўшиб келаётган бу ижодкор куч-қувватга тўлган ҳолда илҳом билан меҳнат қилмоқда.

Азиза САИДХЎЖАЕВА,
фалсафа фанлари кандидати,
доцент



СССР халқ артисти Галия Измайлова шогирдлари билан.

В. Дубровский фотоси



Бўлғуси раққосалар.

А. Жумаев фотоси



Гимнастика бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган командалар биринчилиги мусобақаларида 1-ўринни СССР командаси, 2-ўринни ГДР командаси, 3-ўринни ХХР командаси эгалладилар.

В. Зуфаров, А. Яковлев фотоси (ТАСС фотохроникаси)

СПОРТ — ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

1986 йил 5 июль. Бу кун жаҳон спорти, жумладан, совет спорти тарихида унутилмас сана бўлиб қолди. Ўша куни ватанимиз пойтахти Москвада Яхши ният ўйинларининг тантанали суратда очилиши жаҳон халқлари эътиборини ўзига тортди.

«Биз, планетада яшаб турган кишилар, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Яхши ният ўйинлари қатнашчиларига қарата сўзлаган табрик нутқида, — ўртамиздаги ҳар қандай масофаларга қарамай, эътиқодимиз ва турмуш тарзимиз ҳар хил бўлишига қарамай учрашиб туришимиз, гаплашишимиз, баҳслашишимиз ва ҳалол мусобақада беллашишимиз керак. Бу эса доимо ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик муҳитини вужудга келтиришга кўмаклашади. Шундай қилмай туриб, Еримизни хавф солиб турган фалокатдан омон сақлаб бўлмайди».

Дарҳақиқат, 17 кун давом этган Яхши ният ўйинлари мамлакатлар, уларнинг халқлари ўртасидаги жонли мулоқот, холисона борди-келди асосига қурилган ёшларнинг учрашувлари, спорт мусобақалари бир мамлакат кишиларининг иккинчи мамлакат кишиларини тўғри тушунишларига, охир-оқибатда дунёда тинчликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилишини яққол кўрсатди.

«Спортдаги дўстликдан — Ер юзидаги тинчликка!» деган эзгу ният бутун спорт мусобақаларининг, турли мамлакатлар спортчи ёшлари учрашувларининг руҳини, моҳиятини белгилади.

Яхши ният ўйинларида ҳам 80 мамлакатнинг спортчи ёшлари иштирок этдилар. Москва шаҳридаги спорт майдонларида Ер шарининг беш қитъасидан келган уч мингдан ортиқ атлетикачилар ўзаро куч синашдилар. Юрмала ва Таллин шаҳарларида эса спортнинг 18 тури бўйича 346 комплект совринлар ўйналди. Яхши ният ўйинлари давомида 6 та жаҳон рекорди ўрнатилди. Мусобақа турнирлари давомида 8 та қитъалараро ва 91 миллий рекорд янгиланди. Совет спортчилари Владимир Сальников, Сергей Бубка, америкалик спортчи Жекки Жойнер, Германия Демократик Республикасидан спринтер Михаэль Хюбнер, канадалик спринтер Бенжамен Жонсон, хитойлик гимнастикачи Чэнь Цуйтин, янги зеландиялик эшкакчи Р. Селлярс ва бошқа кўпгина спортчилар мусобақаларда ажойиб натижаларга эришдилар.

Москвадаги «Дружба» универсам спорт залида эркин кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз курашчилари ўйин финалида болгариялик полвонлар устидан ғалаба қозондилар. Бу ютуққа республикамиз курашчилари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. СССРда хизмат кўрсатган спорт мастерлари Арсен Фадзаев ва Аслан Хадарцев яхши натижага эришдилар. Асланнинг укаси Махарбек Хадарцев ҳам команда ҳисобида ғолиблар сафидан ўрин олди.

Яхши ният ўйинларида республикамизнинг бошқа вакиллари, хусусан, сузувчи ва енгил атлетикачиларимиз ҳам мусобақаларда ўз маҳоратларини юксак даражада намойиш этиб, совриндор бўлдилар.

Яхши ният ўйинларининг асосий муваффақияти шу бўлдики, жаҳон аҳли спортдаги ҳамкорлик бошқа соҳаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик учун ибрат бўла олишини чуқур тушуниб етдилар.

Москвадаги ўйинлар — бу янги, катта эзгу йўлнинг бошланиши. Тинчлик ва олимпия ҳаракатининг юксак ғоялари учун курашувчилар, улуғ эзгуликларни қадрловчиларнинг ҳаммаси қудратли оқим бўлиб шу йўлга қўшилаверадилар.

Жаҳон спорти тарихида биринчи марта ўтказилган Яхши ният ўйинлари турли мамлакатларда яшаётган миллион-миллион кишиларда унутилмас таассуротлар қолдирди. У спорт тарихи солномасига ёрқин саҳифа бўлиб кирди.

«Ўйлайманки, ҳозирги мусобақалар, — деди Яхши ният ўйинларининг фахрий меҳмони, тинчликнинг ёш жасоратли курашчиси, эндиликда марҳума Саманта Смитнинг онаси Жейн Смит, — фарзандларимизнинг бахтли келажагини таъминлайдиган янги, ажойиб ишларнинг хайрли дебочасидир. Шуни унутмаслигимиз керакки, биз ҳаммамиз жаҳон тақдири учун, инсоният цивилизациясининг қисмати учун келажак авлодлар олдида бевосита бурчдормиз».

Дунёдаги биринчи социалистик мамлакат бўлган СССРда асос солинган Яхши ният ўйинлари жаҳон халқлари учун ажойиб анъанага айланиб қолади. Келишувга мувофиқ, навбатдаги мусобақалар 1990 йилда ўтказилиши лозим. Ўшанда жаҳон мамлакатларининг спортчи вакиллари АҚШнинг Сиэтл шаҳрида тўпланишлари кўзда тутилган. Маълумки, бу, республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри билан биродарлашган шаҳардир.

Шубҳа йўққи, навбатдаги жаҳон миқёсига эга бўлган спорт мусобақалари ҳам инсониятнинг эзгу ниятлари бўлган тинчлик, ҳамкорлик ва дўстлик ишларига самарали хизмат қилади.

Ш. СИДДИҚОВ



Совриндорлар.

Ф. Қурбонбоев фотоэтюди (ЎзТАГ фотохроникаси)

ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАСИ

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари тарихида қадимдан ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо маркази ҳисобланган шаҳарларда халқ маданиятининг пайдо бўлиши ва тараққиёти масаласи муҳим ўрин тутади. Шаҳарларнинг ташкил топиш тарихи мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, жамият тарихий тараққиётининг кенг кўламдаги йирик муаммоларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ўзбек тарихшунос олимларининг эътибори Шарқнинг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданият марказларидан ҳисобланган Ўрта Осиёда шаҳарларнинг вужудга келиши тарихини ўрганишга қаратилгандир.

Кейинги ўн йил давомида республикамизнинг бир қатор область ва районларида кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар Ўрта Осиёда шаҳарларнинг илк бор шаклланиш жараёни тараққиётининг асосий босқичлари масаласини янгича ҳал этиш имконини берди. Бу борада Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг олимлари олиб борган изланишлар айниқса диққатга сазовордир. Республика археолог олимларининг кўп йиллик илмий тадқиқотлари натижалари Ўзбекистонда шаҳарларнинг шаклланиш жараёнини учта территориал зонага бўлишга асос бўлди. Шаҳар маданиятининг дастлабки илдизлари пайдо бўлган энг қадимги зона Ўзбекистоннинг жанубий районларида жойлашган бўлиб, унинг моддий маданият обидалари республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Асқаров раҳбарлигида ўрганилди. Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон, Кучуктепа каби қатор бронза (жез) даври ёдгорликларида кенг кўламда қазиш ишлари ўтказилиб, Ўзбекистоннинг жанубий районларида шаҳар маданияти тарихи яқингача фанда ҳукм сурган фикрлардан фарқли ўлароқ милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталаридан бошланганлиги исботлаб берилди. Хуллас, бундай илмий тадқиқотлар асосида ўлкада қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга оқиб келиш (урбанизация) тарихи роса минг йилга қадимийлашди. Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон деган жойлардан топилган бой ва нодир археологик топилмалар бундан уч ярим минг йил муқаддам илк шаҳарларнинг умумий қиёфаси: жойланиши ҳамда граждан қурилиши ва мудофаа иншоотлари, асосли ибодатхона ҳақида аниқ тасаввур беради. Айни вақтда бу бой археологик материаллар ўша давр аҳолисининг ўтроқ маданий турмуш тарзи, сувли деҳқончилик, кенг тармоқли ҳунармандчилик хўжалиги (кулолчилик, заргарлик, мисгарлик ва бошқалар) ҳақида илмий хулосалар чиқаришга имкон беради.

Ўзбек археолог олимларининг Ўзбекистоннинг жанубий районларида илк шаҳар маданияти тарихини ўрганиш борасида қўлга киритган ютуқлари қўшни халқлар тарихини ўрганишда ҳам муҳимдир. Чунки археологик материаллар таҳлили ҳозирги Ўзбекистон территориясида қадимда яшаган халқларнинг улар билан кенг иқтисодий ва маданий, ҳатто этник жиҳатдан алоқада бўлганини кўрсатади. Шунга асосан тадқиқотчилар илк шаҳар маданиятининг Амударё ўчоғининг шаклланишида Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда Ҳиндистон билан бўлган савдо алоқалари муҳим аҳамият касб этганлигига эътиборни қаратадилар.

Археология институти олимларининг тадқиқотларига кўра, қадимий Суғд (Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё областлари) ва Хоразм (Қорақалпоғистон автоном республикаси ва Хоразм области) территорияларини Ўзбекистоннинг шаҳарлар пайдо бўлган иккинчи урбанизация зонасига киритиш мумкин. Иккинчи зонада шаҳар маданияти илк темир давридан, яъни милоддан аввалги IX—VIII асрлардан бошланади. Қадимий Суғдиёнанинг пойтахти Афросиёб ҳамда Қарши воҳасининг қадимги пойтахти Ерқўрғон шаҳри харобаларини бир неча йиллар давомида кенг кўламда қазиб ўрганиш туфайли ана шундай хулосага келинди. Изланишлар шаҳар ва у билан узвий боғлиқ бўлган маданиятнинг шаклланиш жараёни бу зонада айниқса милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида юксак даражада бўлганини исботлади. Кўп йиллик археологик текширишлар натижасида Самарқандниг ёши 2500 йилга тенг экани яна бир бор узил-кесил тасдиқ этилди.

Иккинчи зонада шаҳарлар тарихи ва маданиятини ўрганишда археологлардан айниқса Р. Сулаймонов, М. Исомиддинов ва Г. Шишкинанинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Афросиёб, Ерқўрғон ва Суғдиёнаниг бошқа қадимий шаҳарлари харобаларида улар кўп йиллар давомида муттасил қазиш ишлари олиб бордилар. Самарқанд — Афросиёбнинг мовий осмон остидаги шоҳона саройи деворларидаги нодир суратлар, македониялик Искандар ҳукмига қарши бардош берган шаҳар деворларидан тортиб, Ерқўрғоннинг қадимий ибодатхоналарию ҳунармандчилик маҳаллаларини, сарой қолдиқларини ва мудофаа иншоотларини синчиклаб ўрганишда ана шу фидойи олимларнинг хизмати катта бўлди.

Республика бўйлаб кенг кўламда археологик тадқиқот ишлари олиб борган олимлар Ўзбекистоннинг учинчи урбанизация зонасига қадимий Чоч (Тошкент) воҳасини киритдилар. Бу зонада Қанқа, Оқтепа, Шоҳрухия, Бинкат, Шоштепа ёдгорликларидан ташқари, турли тарихий даврларга мансуб беш юздан ортиқ археологик обидалар билан бир қаторда воҳанинг қадимги экологияси, хом ашё манбалари ва уларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлган қадимги конлар ўрганилди. Тошкент шаҳри ва области территориясида олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли бу учинчи зонада, шу жумладан, унинг жанубий районларида шаҳар маданияти милоддан аввалги IV—III асрларда, унинг шимолий районларида эса, милод арафасида бошланганлигини исботловчи бой ашёвий материаллар тўпланди. Маълумки, бу фактик материаллар таҳлили асосида Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик ёши белгиланди ва кенг жамоатчилик 1983 йилда бу санани нишонлади. Тошкент воҳасида шаҳарлар тарихини ва шаҳар маданиятининг шаклланиш жараёнини ўрганишда институт археологларидан Ю. Буряков ва М. Филановичларнинг тадқиқотлари ҳам қимматлидир. Антрополог Т. Хўжаев эса шаҳар маданиятини яратган қадимги шаҳарликларнинг антропологик қиёфасини ўрганиш бўйича самарали текширишлар олиб борди.

Республика территориясида шаҳар маданиятининг шаклланиш тарихини ўрганишда Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Г. А. Пугаченкова бошчилигидаги археолог олимларнинг хизматлари ҳам беқиёсдир. Бу олимлар айниқса биринчи урбанизация зонасида кушонлар даври ва ўрта аср шаҳар маданиятини ўрганишда катта ютуқларга эришдилар. Улар Далварзинтепа, Холчаён, Қизилтепа каби ёдгорликларда қазиш ишлари олиб бориб, ушбу зонада шаҳар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб, унинг сувли деҳқончиликка асосланган Шарқнинг кенг кўламдаги урбанизация жараёни билан узвий боғлиқ эканини исботладилар.

Бу зонада археологик тадқиқотлар ўтказган мутахассислардан Э. Ртвеладзенинг Сурхондарё ҳавзасида кушонлар даври ва ўрта асрлар урбанизация масалаларига оид ишлари эътиборга моликдир. Олим воҳадаги 150 га яқин қадимги қишлоқ ва шаҳарларнинг харобаларини синчиклаб тадқиқ этди. Археологларимизнинг изланишлари туфайли тўпланган бой ашёвий топилмалар ҳозирги вақтда республикамиз музейлари экспозициясини безаб турибди.

Биз бугун кўп йиллик археологик изланишлар натижаларига асосланиб, Ўзбекистон мисолида Марказий Осиёда шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётининг марксча-ленинча нуқтаи назардан чуқур тадқиқ этилиши ва чиқарилган илмий хулосалар умумфанимизга қўшилган муносиб ҳиссадир, деб мамнуният билан эътироф этамиз.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш республика жамиятининг V съездида ҳам бебаҳо қадимий обидаларни асраш ва уларни келгуси авлодларга етказиш, мавжуд ёдгорликлар мисолида халқимизнинг узоқ ўтмишдаги тарихини, маданиятини чуқурроқ ўрганиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Масаланинг ана шу томонига эътибор берилганда заҳматкаш археолог олимларимиз меҳнатининг аҳамиятини янада яққолроқ тасаввур этамиз.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,
тарих фанлари доктори



Археология институтининг директори Аҳмадали Асқаров (чапдан биринчи) ўз ҳамкасблари билан қазилма топилмани кўздан кечиришмоқда.

Автор фотоси

АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР



Кумуш танга. VI—VII аср.



Бухоро. Кумуш танга. VI—VII аср.



Қушлар ва балиқлар тасвири туширилган сопол идишлар. XI—XII аср.



Туя тасвири туширилган кумуш обдаста. VIII—IX аср.

Табиат неъматлари

БОДРИНГ

Бодринг серхосият неъмат сифатида қадимдан истеъмол қилиб келинади. Халқ табобатида бодринг ва унинг шарбати истиробли йўталга таскин берувчи, сапро ва пешоб ҳайдовчи, ични маромлаштирувчи, асабни «юпатувчи» дори сифатида тавсия этилади. Таниқли олим А. А. Алтимишевнинг берган маълумотларига қараганда, бодрингда ҳароратни туширувчи, яллиғланишга қаршилик қилувчи, юмшатувчи, оғриқсизлантирувчи хусусиятлар мавжуддир. Илгари замонларда бодринг шарбатини ўпка сили касаллиги пайтида ичишни тавсия этишган. Сархил бодринг ва унинг шарбати қабзиятда буюрилган, истисқо касаллигида организмни ортиқча сувдан холи этувчи омил сифатида истеъмол қилинган. Бодринг шарбати ошқозон ва ичакнинг қадалиб оғришини тўхтатувчи восита сифатида ҳам тавсия этилади. Ўта пишган бодринг ва унинг эски палакларининг қайнатмаси жигар оғриғига, сариқ касалига қарши истеъмол қилинган бўлса, гулларидан тайёрланган қайнатма безгакка даво бўлганлиги рост. Бодринг уруғларидан тайёрланган ичимликлар безгак хуружи, буйрак оғриғи, нафас олиш аъзоларининг хасталикларида фойдалидир.

Айрим манбаларга қараганда, бодринг меваларини уруғидан холи қилинган ҳолда қуритиб, унинг кукуни куйган жойларга сепилса, дардга малҳамлик қилади.

Бодринг юзга оро беришда, ундаги баъзи нуқсонларни йўқотишда ҳам анчагина қадрланадиган неъматдир. Чунончи, бодринг шарбати ёки барра бодринг пўчоқларининг сувли дамламаси билан ҳуснбузар, теридаги доғ, сепкил, «мели» ранглар ва офтоб куйдирган жойлар ювилганда, чеҳрага чирой бахш этади. Туюлган бодринг кукуни терининг яллиғланиши, тошма ва шишларда фойда беради.

Бодрингнинг хосиятларидан илмий медицинада ҳам тадбиркорлик билан фойдаланилади. Юз грамм бодринг 20 килокалорий қувват беради. Шу боисдан бодринг семиз кишилар учун жуда фойдали бўлиб, кишини оздиришга мойиллик яратади. Семиз кишиларга қуйидаги амални тавсия қилиш мумкин: бир ярим килограмм сархил бодринг ва бир-икки дона қайнатиб пиширилган тухум аралашмасини кун давомида истеъмол қилиб туриш лозим бўлади. Маҳсулот айтарли тузланмаган бўлиши керак. Организмнинг ундан оладиган қуввати беш юз калорий бўлиб, ўрта вазнли киши учун кунлик иш қобилиятини таъминлай олади.

Бодрингнинг ўзига хос тарафи шундан иборатки, унинг таркибида инсон организмида асорат қолдирадиган шовул кислотаси бўлмайди. Шу туфайли мазкур неъматдан ниқриз (подагра) хасталигига қарши тавсия қилиш ҳам мумкин. Бодринг таркибида йод элементи мавжуд. Бу элемент ўз навбатида паришонхотирлик ҳамда атеросклероз касаллигидан муҳофаза этади.

Биз учун оддийгина неъмат ҳисобланувчи бодринг таркибида А, B_1, С витаминлари бор. Унда калий элементининг кўп бўлиши организмда ҳосил бўладиган ортиқча сувдан холи этади.

Ҳозирда бодринг ўлкамизда, Иттифоқимизнинг қарийб барча хўжаликларида, шунингдек, махсус иқлимхоналарда кўплаб етиштирилмоқда. Бу неъмат йилнинг барча фаслларида дастурхонимизни безаши мумкин.

Шуни айтиш лозимки, агар меъда, ичак йўллари касалликлари билан оғриган ёхуд шу касалликларга мойиллиги бўлган кишилар бодрингни суиистеъмол қилмасликлари керак.



Ҳосил бу йил мўл бўлди.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

Бодринг табиатимизнинг бебаҳо инъоми, бироқ уни етиштиришда мутлоқ ҳолда азотли ўғитлардан фойдаланиш мумкин эмас. Чунки азотли ўғитлар мева таркибида кўплаб йиғилади. Улар маълум шароитда инсон саломатлиги учун ниҳоятда хавфли бўлган касалликларни келтириб чиқарадиган омиллардан ҳисобланади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос



АЗИМ ТЕРАК

Руминиянинг ғарбидаги Арададан Липовга олиб борувчи йўлнинг икки ёни кета-кетгунча теракзор. Лекин бу ердаги ниҳоятда улкан терак ҳар бир йўловчининг ёдида қолиши аниқ. Уни Руминиядаги энг азим терак, деб айтиш мумкин. Чунки бу теракнинг бўйи 60 метр, танасининг айланаси эса 16 метр. 10 та барваста йигит бир бўлиб, қучоқласалар ҳам, унинг бутун танасини қамрашга қўллари калталик қилиб қолади.

САЙЁРАЛАР ТАРЖИМАИ ҲОЛИДАН

СССР Фанлар академиясининг В. И. Вернадский номидаги Геохимия ва аналитик химия институтининг олимлари йирик илмий тадқиқотлар устида иш олиб бормоқдалар. Улар космик фазони ҳамда Қуёш системасидаги сайёраларнинг, шунингдек, Ернинг чуқур қатламларини, унинг чўкма жинсларини, конларнинг ҳамда иссиқлик динамикаси ва кинетиканинг пайдо бўлишидаги табиий жараёнларни, мўътадил ва радиоактив изотопларнинг геохимиясини ўрганмоқдалар. Ер, Ой ва метеоритларнинг ёшларини аниқламоқдалар.

Яқинда институт ҳузурида замонавий геохимия фанига улкан ҳисса қўшган машҳур олим, СССР ФАнинг вице-президенти А. П. Виноградов музейи очилди.

АЙНАШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Воқеий лавҳа

Менинг дадам кўпдан бери заводда токарь бўлиб ишлайдилар. У кишининг ёнида тарбияланган шогирдлар ҳам анча-мунча. Бироқ ёшлар орасида ўзларини тетик тутишга ҳар қанча уринмасинлар, кейинги пайтларда, етмишга бораётганликлари сабабли,ишда бир қадар толиқиб қолаётганлари сезила бошлади. Баъзан у кишида паришонхотирлик аломатлари ҳам кўриниб қоларди.

Бир кун дастурхон устида гапнинг учини чиқардим:

— Дада, бир маслаҳат бор эди...— дедим.

— Ҳа, гапир, гапиравер, қулоғим сенда,— дедилар дадам менинг фикримни уққандек.

— Қирқ йилдан буён заводда ишлаб, талай шогирдлар етиштиргансиз. Энди дам олсангиз бўлармиди...

Дадам ер остидан менга бир-икки бор қараб қўйдилар-да, аямга юзландилар:

— Меҳрибон ўғлинг нимага шама қилаётганини билаяпсанми? Чарчаган эмишман. Демак, чарчаган от улоққа ярамайди, демоқчими?

— Ўғлингиз ҳақ гапни айтаяпти, дадаси, дам олишингиз ҳам керак-да. Эл қатори иш тутсангиз бўларди. Тенгдошингиз Исмат аканинг пенсияга чиққанига бир йил бўлди, пенсия гаштини суриб, бинойидек юрибди,— дедилар ойим.

— Тушунарли, ҳамманг келишиб олганга ўхшайсанлар. Пенсия тўғрисида гап очманглар ҳали. Заводдаги бригадани ташлаб кетишга кўзим қиймайди.

— Шогирдларингиз — ишнинг кўзини биладиган эпчил йигитлар. Сиз йўғингизда шогирдингиз Шотурсун бригадани яхши бошқарувди-ку, ўзингиз мақтовдингиз...

Дадам шу гаплардан кейин бироз бўшашдилар. Хуллас, бир амаллаб, дадамни пенсияга чиқишга кўндирдик. Мана, бир йилча бўлдики, пенсия гаштини суриб юрибдилар.

Бир куни кечки пайт нотаниш мўйсафид билан уйга кириб келдилар. У одам билан маҳалла чойхонасида танишган эмишлар. Унинг таърифини жуда жойига келтириб мақтадилар. Шу-шу, ўша одам бизникида тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Кейин билсам, у одам дадамнинг «саводи»-ни чиқараётган экан.

Кунларнинг бирида:

— Ўғлим, шу амакингнинг исми Зоҳид қори, масжиддаги ҳужрада истиқомат қиладилар,— деб уни таништирган бўлдиларда, менга ҳам насиҳатомуз сўзладилар.— Ўзи мусофир, ётиб юрган ҳужраси бўм-бўш, ўғлим, шу одамга битта палос обориб ташла, шаҳарда суянадиган кишиси йўқ. Сен билан мен одамгарчилик қилмасак, ким қилади? Ҳа, савоб бўлади, ўғлим.

Менинг ҳам қувлигим тутди. «Хўп», дедим-да, битта палосни қўлтиқлаб йўлга тушдим, тўппатўғри аммамникига олиб бориб қўйдим. Келганимда дадам уйда йўқ экан. Ойимга бўлган воқеани гапириб бердим, жуда хурсанд бўлдилар.

Дадам шу тариқа Зоҳид қори билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдилар. Шуниси қизиқки, бир-икки ой ўтар-ўтмас дадам ҳам соқолни катта қилиб, туппа-тузук мўйсафидлар қаторига қўшилиб олдилар. Дадамнинг бу юришларидан норози бўлганимни пайқаган ойим мени юпатиб дедилар:

— Ўғлим, отангни ўз ҳолига қўй. «Пенсияга чиқинг», деяверириб ҳоли-жонига қўймадик. Мана, пенсияга ҳам чиқди. Маҳалла қарияларига эндигина қўшилиб олганда, улардан ажратиб қўйма. Бир кунмас-бир кун ўзи тушуниб олар. Ҳозирча иккаламиз ҳам индамай турайлик.

— Ойи, сиз шундай дейсиз-у, дадам ўзгариб қолаяптилар,— дедим норози қиёфада.— Кейинги вақтларда заводга — шогирдлари ёнига ҳам бутунлай бормай қўйдилар.

— Ўзингни бос, ўғлим,— дедилар.— Сабр қил, Зоҳид қорининг қадам ташлаши менга ёқмайроқ турипти. Кўнглим ниманидир сезаяпти, яқин кунларда дадангнинг ҳам ундан ихлоси қайтиб қолса, ажаб эмас. Бугун Зоҳид қори бошлиқ қарияларни меҳмонга чақирган. «Тайёргарликни кўриб қўй», деб тайинлаб кетганлар.

Хуллас, ўша куни бизникида ўн нафар қария тўпланди. Бир вақт Кабир домла:

— Ўзингизга маълум, бу киши — Зоҳид қори икки марта ҳожидурлар. Биз диний назоратга мактуб йўллаб, Зоҳид қорини сўфиликдан имомлик даражасига кўтаришларини сўрасак. Шунга нима дейсизлар?— деб қолди.

Дадамнинг гаплари бошқачароқ бўлди:

— Биродарлар, бизникига имоматни муҳокама қилгани йиғилган эмассизлар-ку?

Зоҳид қори нимагадир тараддудланди-да, ўрнидан туриб, ҳаммага қуллуқ қилди:

— Азизлар, менга ихлос қўйиб, имоматга лозим топганингиз учун ташаккур! Лекин мен ҳозир бу ишнинг мавруди эмас, деб ўйлайман. Ҳозирча худонинг даргоҳида яшаб, нон-насибамни териб еб юрибман. Юртингизга эса мусофирман. Яқин кунларда ҳажга жўнашим керак. Агарда сизлар чин юракдан менга яхшилик қилмоқчи бўлсангиз... ҳозирча имом бўлолмайман...

Йиғилганлар бир-бирларига сирли қараб қўйдилар. Ўтириш тарқади. Дадам ҳушини йўқотган кишидай ўтирган жойидан туролмай қолди.

Эртаси куни Зоҳид қорининг қаёққадир ғойиб бўлганлиги бутун маҳаллага тарқалди.

Орадан бир ой ўтгач, район терговчиси дадамни гувоҳликка чақирди. Дадам терговчи хонасига етиб бориб, рўпарада бошини хам қилиб ўтирган Зоҳид қорига кўзи тушибдию ҳанг-манг бўлиб қолибди. Илгари ҳам аллақанақа гуноҳи учун икки марта «ўтириб» чиққан қори товламачилик устида қўлга тушган экан.

Дадам уйга қайтиб келганларидан кейин, ердан нигоҳини узмай ойимга юзландилар-да:

— Шогирдлар ҳам камнамо бўлиб қолди, онаси, анави оқ жужунчамни топиб қўйсангиз, эрта заводдан хабар олиб келсам,— дедилар...

Анвар САИДУМАРОВ




А. Нурқобилов ва Н. Ҳакимовлар чизган плакат.

ПАШША ҚОПҚОНИ

Африкадаги ўттиз саккиз мамлакатда «африка трипаносомози» деган хавфли касаллик тарқалган. Уни «уйқу касали» ҳам деб атайдилар. У бошда сезилиб-сезилмас безгак тарзида бошланиб, секин-аста силлани қуритиб, организмни чарчатади, орқаланти-риб юборади. Касалликни вақтида даволамаса, у кўпинча ўлимга сабаб бўлади. Бу касалликни умуртқа томирлари қонларида текинхўрлик билан яшовчи трипаносомлар пайдо қилади. Улар одам ва ҳайвон организмига маҳаллий халқ тилида чеце деб аталувчи қон сўрувчи пашшалар орқали ўтади. Кишилар кўп йиллар давомида бундай пашшаларни ўлдириш йўли билан трипаносомозга қарши курашишга ҳаракат қилдилар.

XX аср бошида Африкадаги бу ўлат касалининг тарқалиши



оқибатида кўпгина ёввойи ва уй ҳайвонлари қирилиб кетди. Лекин ўшанда уйқу касалига чалиниш ҳоллари нисбатан камайди. Шундан кейингина чеце пашшаси кўпроқ ўрмонларда ва унга туташ жойларда кўпайганлиги сезилди. Энди уларга қарши курашда қурол эмас, балки болталар иш берабошлади. Ўшанда кўпгина Африка ўрмонлари кесилиб кетди. Ҳайвонларнинг қирилиб, ўсимликларнинг йўқотилиши мазкур қитъа табиатига катта зиён етказди. Демак, иллатга қарши бошқа самаралироқ курашиш чорасини қўллаш зарур эди.

Шу асрнинг қирқинчи йилларида ДДТ сингари инсектицидларнинг кашф этилишига умид боғланди. Бу препаратнинг заҳарлилиги маълум бўлиши билан Африкада уни ҳаШаротларга қарши қўллай бошладилар. Нигерия, Уганда, Кения ва Родезия мамлакатларида одам қўлда ишлатадиган тутқичли чанглагичларда сепилди. Ўша вақтда бундай ҳолда атроф-муҳитнинг ифлосланишини ва ДДТ препаратининг келгусидаги хавфли асоратларига унчалик аҳамият берилмади. Кейинчалик бу препарат самолётда сепиладиган бўлди. 1948—1954 йилларда Жанубий Африкадаги Зулуленданинг анчагина территорияси авиация ёрдамида дориланди. Ҳозиргача бу районда чеце пашшаси учрамайди. Кейинчалик Танзаниядаги Тропик илмий тадқиқот институти чеце пашшасини Жанубий Африкадагидек йўқотиш усулини такомиллаштириш мақсадида қатор тажрибалар ўтказа бошлади. Тадқиқотлар инсектицидларнинг катта томчилари узоқ вақтгача таъсирини сақлай олишини кўрсатди. Бироқ препарат кичик идишларда чанглатилганда ўрмондаги дов-дарахтларга яхшироқ сингиши маълум бўлди. Шундай қилиб, препаратни кам дозада аэрозол усулида сепиш методи пайдо бўлди. Чеце пашшаси ғумбакларини босқичини ер остида кечиради ва бу ҳашаротга инсектицидлар таъсири етмайди. Бундай ҳолда аэрозол билан маълум вақтни ўтказиб, бир неча марта дорилаш лозим. Қоидага кўра, беш марта шундай қилинади.

Айни вақтда чеце пашшасига қарши курашишда бошқа усуллар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Масалан, турли хил қопқонлар ишлатилмоқда. Булар жуда оддий бўлиб, уларга ҳеч қанча харажат кетмайди.

1973 йилда француз олимлари икки конусли қопқон яратдилар. Бу масала Африканинг кўпгина районларида самарали қўлланилмоқда. Мазкур қопқон газламадан тайёрланган бўлиб, инсектицидларга тўйинтирилган бўлади. Цеценинг бу хил тури қирғоқдаги ўсимликларда «уя» қуриб олиб, дарё бўйлаб учиб юришга одатланган. Шунинг учун ҳам улар дарёлар қирғоғига ўрнатилган қопқонга тушиб қоладилар. Зимбабве мутахассислари Лондондаги Тропиклар илмий-тадқиқот институти ҳамда Бристолдаги чеце пашшасини ўрганиш лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда бу хавфли ҳашаротга қарши курашнинг бошқа хил усулларини ҳам ишлаб чиқмоқдалар.



Редакция почтасидан

ҲАМШИРА

Кўчада кетаётганида Тўхтахонни кимдир чақиргандай бўлди. Орқасига ўгирилиб қараса, рўпарасида шифохонада даволаниб кетган таниш бир жувон турарди.

— Тўхтахон опа, танимаяпсиз шекилли?

— Таниб турибман, лекин исмингизни эслолмаяпман.

— Мен сизларда даволаниб кетган қашқадарёлик Замира Тошматоваман.

— Эсладим, Замирахон. Соғлиқларингиз яхшими? Нафасингиз энди қисмаяптими?

— Опа, сизларга катта раҳмат. Касалликдан фориғ бўлдим. Ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман. Тошкентда сингилларим ўқишади, улардан хабар олишга келувдик.

Улар кўча бошида бироз суҳбатлашгач, самимий хайрлашдилар.

Тўхтахон йўлда давом этаркан, унинг хаёлидан кечаги кунлари бирма-бир ўтабошлади.

У 1972 йили ўрта мактабни тугаллаб, Жуковский номидаги медицина техникумига ўқишга кирди. Техникумда ўқиб юриб, дастлаб амалий машғулотларга қатнашганини эслади. Унга ҳамшираликка фаолиятини эгаллашда Маркова устозлик қилди. «Ҳамшира учун энг яхши фазилат чаққонлик, беморга зудлик билан ёрдам кўрсата билиш», деб уқтирарди тажрибали шифокор унга.

Мана, 12 йилдирки, Тўхтахон 15-шаҳар касалхонасининг 2-терапия бўлимида ҳамшира бўлиб ишлаб келаяпти.

— Тўхтахон билан анча йиллардан бери бирга навбатчилик қиламиз, — деди ҳамкасби ҳақида Галина Аъзамова. — У ишга жуда меҳр қўйган, доим беморлар бошида парвона, чарчаш нималигини билмайди.

Аъзамованинг гапи туртки бўлдию биз «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарига кўз югуртдик.

«Инсон ҳаётининг садоқатли қўриқчилари борлиги бизнинг, ҳаммамизнинг қувончимиз, — деб ёзганди тошкентлик Зулфия Сатинбоева. — Улар кўплаб кишиларнинг жонига оро кириб, беморларга ҳаёт бағишлади. Илдиз Мансуров, Рихсивой Азимжонов, Инна Змойра сингари врачлар, Тўхтахон Усмонова, Баҳри Холиқова, Мавжуда Давидова, Арофат Ҳусниддинова каби ҳамшираларга чин юрагимиздан раҳматлар айтамиз».

Тўхтахон яшайдиган маҳалла аҳли ҳам ундан миннатдор. У кўни-қўшнилардан бирортаси дардга чалиниб қолса, дарров ёрдамга шошади.

Тун. Ҳамма уйқуга кетган. Лекин Тўхтахон қаттиқ чарчаганидан анчагача ухлай олмада. Эндигина кўзи илинган эдики, эшик тақиллади. Ўрнидан туриб, эшикни очди. Остонада йигламсираганча қўшнисининг қизи Мактуба турарди.


— Тўхта опа, онамнинг иссиқлари 39 дан ошиб кетаяпти. Дори бердим, таъсир қилмаяпти. «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилгандик, ҳали келганича йўқ. Чиқиб бир кўрсангиз.

Тўхтахон эмлагандан сўнг Маҳбубахон кўзини очди. У қўшнисига етиб келган «Тез ёрдам» машинасида зудлик билан касалхонага боришни маслаҳат берди.

Тўхтахон Усмонова учун бундай хайрли ишлар одатий кун тартибига айланиб қолган.

Муқаддас қасамёдда «ҳар бир жойда, ҳар қандай шароитда беморга ёрдам кўрсатишга тайёр тураман» деган эзгу ният бошқа кўплаб шифокорлар қаторида бурчига содиқ оддий ҳамшира Тўхтахон Усмоновани-нинг ҳам қалбига жо бўлганини кўриб, унинг ишидан, хайрли хизматидан биз ҳам хурсанд бўлдик.

Маъпура НАБИЕВА



Биринчи дарс. А. Жумаев фотоси

ЎЗИ БИР ТАРИХ

АВВАЛО, ўртаосиёлик машҳур тарихчи ва филолог олим Абу Саид Абдулкарим ас-Самъоний ҳақида бир неча сўз. У (1113—1167) Марв шаҳрида туғилиб, шу ерда яшаб ижод қилган. Абу Саид ота-онасидан эрта жудо бўлади. У аввал отасининг дўсти ва сўнгра эса амакиларининг қўлида тарбия олади. Унинг бобоси тарихчи, отаси адабиётчи, амакилари ҳам тарих, адабиёт соҳалари бўйича етук мутахассис бўлганлар.

XII асрда Марвдаги кутубхоналар бутун дунёга машҳур эди. Шаҳардаги ўнта кутубхонадан иккитаси Самъонийлар сулоласига тегишли бўлиб, улардан турли Шарқ мамлакатларидан олимлар келиб фойдаланар эдилар.

Оилавий анъаналарга кўра, Абдулкарим Саъмоний илм-маърифат йўлида кўп йиллар давомида саёҳат қилиб, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ, Сурия ва Ҳижжознинг кўп шаҳарларини кезиб чиқади. Самъоний қаерда бўлмасин, ҳамма ерда кўрган, эшитган нарсаларини тўплаб, ёзиб боради, турли олимлар билан учрашиб, улардан таҳсил олади. Ота юрти Марвга қайтиб келгач, у ердаги ал-Амидия мадрасасида дарс беради ва асарлар ёзишга киришади. Самъонийнинг 50 дан ортиқ асари маълум бўлиб, улар фаннинг ҳар хил соҳаларини ўз ичига олади. Лекин бу асарларнинг кўпчилиги мўғул-татар босқинчилари Мовароуннаҳрга бостириб келган пайтда йўқолиб кетиб, фақат бир нечтаси сақланиб қолади. Бундай асарлардан бири унинг «Китоб ал-ансаб» («Насл-насаблар китоби») бўлиб, фан учун нодир манба ҳисобланади. Асар алифбе тартибида тузилганлиги сабабли ундан фойдаланиш жуда қулайдир. Луғат хусусиятига эга бўлган бу китобга Самъоний ўзи билган ва эшитган насл-насабни билдирувчи номларни келтириб, уларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳикоя қилади. Бундан ташқари, у луғатда нисбалар қаторида берилмайдиган баъзи тахаллус ва лақаб номларини ҳам киритган.

Луғатга киритилган материаллар араб халифалигига кирган жуда кенг территорияларни: Андалусия (Испания)дан тортиб Хитойгача бўлган ҳамма ерларни ўз ичига олади. Лекин улар ичида Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотлар асосий ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан асар Ўрта Осиё тарихи ва тарихий географияси учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Буни кўп йирик шарқшунос олимлар, хусусан, В. В. Бартольд ва Н. Ю. Крачковскийлар алоҳида таъкидлаганлар.

Асарда Ўрта Осиё территориясида жойлашган, ҳаммаси бўлиб 900 дан ортиқ географик жойлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Эндиликда йўқолиб кетган ўрта аср шаҳар ва қишлоқлари, улардаги маҳалла, кўча, бозор, мадраса ва дарвозаларнинг жойлашиши ҳақидаги маълумотлар ҳам қизиқарлидир.

Қуйида биз «Китоб ал-ансаб»даги Чоч ва Илоқ, яъни Шош воҳасини ўз ичига олган Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари водиларида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар ҳақидаги маълумотларни изоҳлари билан келтирамиз.

Ўрта аср араб манбаларида Чоч (арабча Шош) ва Илоқ (ҳозирги Оҳангарон)да жойлашган 56 та шаҳар ва қишлоқларнинг номлари айтиб ўтилган. Улардан 35 тасининг қолдиқлари археолог олимлар томонидан топилиб, илмий асосда исботлаб берилган. 21 тасининг эса аниқ тутган ўрни ҳали номаълум. Тошкент областида ҳали жуда кўп археологик жойлар бор. Уларнинг қайси қадимий шаҳар ва қишлоқларга тегишли эканлигини аниқлаб бериш археолог олимларнинг вазифасидир.

Тошкент воҳасида зикр қилинган географик номлардан қуйидагиларини Самъоний ўзининг «Китоб ал-ансаб» асарида келтирган: Борискат — Шошдаги шаҳар. Бу шаҳарнинг аниқ тутган ўрни ҳали маълум эмас. Академик В. В. Бартольд ўзининг Мовароуннаҳрнинг географик очерки асарида бу шаҳарнинг қолдиқлари Тошкент областидаги Паркент шаҳри ўрнида жойлашган деб тахмин қилган эди. Лекин у кейин ўзининг бу фикридан қайтади.

Бискат — Шошдаги машҳур шаҳар. В. В. Бартольднинг фикрича, у Тошкент областидаги Пискент шаҳри ўрнида жойлашган. 1934 йилда бу районни тадқиқ қилган археолог олим М. Е. Массон унинг фикрини тасдиқлаб, Бискатнинг қолдиқлари ҳозирги Пискент шаҳрининг жанубида жойлашган қадимий шаҳар вайроналарига тўғри келади, деган хулосани чиқаради. Бу вайроналар ҳозир Пуштимаҳмуд деб аталади.

Бинкат — Шошнинг пойтахти. Ислом давригача Чоч давлатининг пойтахти Чоч шаҳри бўлиб, у араблар, кейинчалик Хоразм шоҳлари томонидан вайрон қилинган. Бу шаҳарнинг қолдиқлари ҳозирги Тошкент территориясида — темир йўл вокзали ёнида, Салор ариғи бўйида жойлашган. Унинг вайроналари ҳозир Мингўрик деб аталади.

Вайрон қилинган шаҳар ўрнида янги шаҳар IX асрда қайтадан қурилиб, у Бинкат деб аталади. Лекин у эски шаҳар ўрнида эмас, балки ундан 4,5 километр шимоли-ғарбда, яъни ҳозирги Тошкентнинг эски шаҳар территориясида (Ҳамза кўчаси — Чорсу атрофлари) қурилган. IX—X асрларда у Чоч вилоятининг пойтахти бўлган, XI асрдан бошлаб эса Тошкент деб атала бошлаган.

Туккат — Шошдаги шаҳар. Жайхун (Амударёнинг қадимий номи) ва Сайхун (Сирдарёнинг қадимий номи) дарёлари яқинида жойлашган. Илоқнинг ҳунармандчилик ва саноат маркази бўлган. Археолог олимларнинг фикрича, унинг қолдиқлари ҳозирги Тошкент областидаги Олмалиқ шаҳрининг жанубий-шарқидаги Кўлота қишлоғининг чеккасида жойлашган қадимий шаҳар вайроналарига тўғри келади. 1928 йилда археологлар бу ерда қадимий заводнинг қолдиқларини топишган.

Тункат — Шошдаги шаҳар. Бу шаҳар Илоқнинг пойтахти бўлган. X аср араб манбаларида кўрсатилишича, у Бинкатдан икки баробар кичик шаҳар бўлиб, Илоқ дарёси (яъни Оҳангарон) бўйида жойлашган. Ўша даврда Мовароуннаҳрдаги танга зарблаш устахоналарининг иккитаси Бухоро ва Самарқандда, учинчиси эса Тункатда бўлган.

1929—1934 йилларда Оҳангарон водисида М. Е. Массон бошчилигидаги археологлар экспедицияси тадқиқот ишлари олиб борди. Археологлар Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида Совуқбулоқ ва Отчопар сойлари орасидаги Саржайлоқ қишлоғи ёнида жойлашган қадимий шаҳар харобалари қадимги Тункатнинг қолдиқларидир, деган хулосага келдилар. Бу харобалар ҳозир Илоқ деб аталади.

Харашкат — Шошдаги шаҳар. Катталиги жиҳатидан Чочдаги иккинчи (пойтахтдан кейин) шаҳар бўлган. У Сўғддан Чочга келадиган карвон йўли ёқасида жойлашган бўлиб, йирик савдо ва иқтисодий марказ эди. Бу шаҳарнинг қолдиқлари Тошкент область Оққўрғон районидаги Калинин номли колхоз ерларида, Қорасувнинг чап қирғоғида жойлашган қадимий шаҳар харобаларига тўғри келади. Бу харобалар Қонқа деб аталади. Археологларнинг фикрича, Харашкат ҳам Тошкент водисидаги энг қадимий шаҳар бўлиб, унга эрамиздан олдинги I асрда асос солинган.

Хумрак — Шошдаги қишлоқ. Ўрта асрларга оид баъзи манбаларда шаҳар деб берилган. Археолог олим Ю. Ф. Буряковнинг тахмин қилишича, бу шаҳарнинг қолдиқлари Тошкент областидаги Бўка шаҳридан 15 километр масофада, ҳозирги Мичурин номли совхоз ерларида жойлашган қадимий харобаларга тўғри келади. Лекин бу фикр илмий жиҳатдан ҳали асосланмаган.

Захкат — Рўзбордаги шаҳар, Сайхун ва Шош яқинида. Тарихчи Самъонийнинг маълумотига кўра, бу шаҳар ҳозирги Тошкент областида жойлашган. Лекин бошқа ўрта аср манбаларидаги маълумотларга қараганда, Захкат (Дахкат ёки Адахкат) Илоқда жойлашган. Бу шаҳарнинг қолдиқлари Оҳангарон водисида бугунги Ангрен шаҳридан 8 километр шимоли-ғарбдаги Дукант қишлоғида жойлашган қадимий шаҳар харобалари бўлиши мумкин.

Шовкат — Шошдаги шаҳар. X асрга оид араб манбаларида Сакокат ёки Шовкат — Илоқдаги шаҳар деб берилган. Археолог олимларнинг фикрича, бу шаҳарнинг қолдиқлари Тошкент область Оҳангарон районининг Уваиттепа қишлоғидаги харобалардир.

Шахох — Шошдаги қишлоқ. Унинг аниқ тутган ўрни ўрта аср манбаларида кўрсатилмаган. Археологик маълумотларга кўра, Тошкент областида 12 та номаълум археологик жойлар бор. Эҳтимол, шу жойлардан бири Шахох қишлоғининг қолдиқлари бўлиши мумкин.

Ғаннож — Шошдаги шаҳар. Бу шаҳарнинг тутган ўрни ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. В. В. Бартольднинг тахмин қилишича, у Оҳангарон дарёсидан шимолда жойлашган.

Мана кўриб турибсизки, ҳар бир жой, айниқса, шаҳар номининг ўзи бир тарих. Уни ичил ва тарихий манбалар асосида тўғри ўрганиш бизнинг ўтмиш маданиятимиз, халқларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.

Шамсиддин КАМОЛИДДИНОВ

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот



Навоий. «Суғдиёна» спорт клубида.
Л. Гусейнов фотоси

Адабий танқид

АФСОНАЛАР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

«Афсоналари мўл юрт — энг бой юрт, энг умрбоқий юрт. Афсоналар — энг узоқ умр кўрадиган, яъни энг кўп маънавий хизмат қиладиган фахрий ватандошларимиз!» деб ёзади шоир Омон Матжон «Ҳаққуш қичқириғи» достони муқаддимасида.

Бу асар ўқувчига афсоналар мазмуни билан чатишган ғоявий-эстетик туйғуни юктирувчи ўттиз тўққизта шеърдан ташкил топган. «Баҳор пайтлари, дарахтларга яшил аланга чирмашган ва қушлар шохдан шохга сакраб, шод сайрашган маҳаллари бир нарсага диққат қилдингизми? Бу манзара бир қадар шўхроқ болаларнинг ўйинқароқ, довдир табиатини эсингизга солмайдими?! Сой-чи, сой? У тошдан-тошга ирғиб, қувлашаётган бир тўп шумтаканинг худди ўзи! Гулларнинг лов қизариб туриши — ... юзлари оловланган қизалоқ!» Нега шундай? Нега яшил табиат бизга болаликнинг маъсум ва покиза... беғараз ва орзуманд пайтларини эслатади?!

«Бу — табиатнинг иккинчи сири!» — деб ёзади шоир достондаги дастлабки шеърида. Муаллифнинг «учинчи қутб», «бешинчи фасл» каби шеърий топилмаларига ўрганган шеърхон «табиатнинг иккинчи сири» замиридаги оригинал маъно кўчимини англашга ошиқади. Шоир эса руҳиятидаги турфа хил тебранишларни, севинч ва изтиробларни туғилган ғоявий-эстетик мазмунни образли ифодалайди, манзара чизади. Қишлоқни қоқ ўртасидан тошқин сой иккига бўлиб туради. Сойнинг икки томонида яшовчи одамларнинг ноаҳиллиги, уларнинг ораларида арзимаган сабаблар билан тез-тез пичоқлашиш, тошбўрон бўлиб туриши; икки томон болаларининг эса иноқлиги, улар ҳар куни ўқиш тугагач, қирга чиқиб кечгача бирга қувнаб-яйрашлари ҳақидаги соф реалистик лавҳалар кўз олдимиздан бирма-бир ўтади. Муаллиф биз билвосита «кўриб» турган реал воқеалар фонида табиатнинг ва одамлар жамоасининг қайтадан яралиши ҳақида асотир тўқийди: «Бир куни кечқурун болалар қирдаги одатий ўйинларидан қайтсалар... нимани кўрибдилар денг?! Ҳеч нимани!.. Фақат қултепа, харобалар, тутун, қон излари...

Катталар бир-бирлари билан бу сафар жуда жиддий ва омонсиз урушган эдилар... Ҳа, катталар уруши... узуқ-юлуқ булутларнинг жаласи эмас! Катталарнинг уруши вулқон отилганда, ер даҳшатли қимирлаганда... бўладиган фожиалар билан тенг! Ундай пайтда негадир болалар тақдири ҳеч кимнинг эсига тушмайди».

Ер юзидаги ҳар қандай урушнинг номини ўчириш, дунёдаги барча болаларнинг бахтиёрлигини, бағри шаҳидлар қабрига тўла она заминни, унинг яшил тароватини сақлаб қолиш шеърнинг лейтмотивидир. Дарҳақиқат, ер юзини остин-устин қиладиган қанотли ракеталарнинг янги турларини кўплаб ишлаб чиқараётган, инсониятни хавф остида қолдираётган империалистларнинг ҳам ширин фарзандлари бордир-ку, ахир? Нега уларнинг эсига болалар тақдири тушмайди?!

«Ҳаққуш қичқириғи» шеърида ватанпарвар лирик қаҳрамоннинг замон ҳодисалари олдида ҳозиржавоблиги янада кўтаринки руҳда намоён бўлади. Боғолонликларнинг тасаввурича, Ҳаққуш инсонларга тинчлик ва ҳақиқат келтирувчи муқаддас қушдир. У учиб келган юртда уруш бўлмайди. Ҳаққуш субҳидамда: «Ҳақ-қ!» деб қичқирганида, уни на кўришнинг ва на ушлашнинг имкони бор. Унинг «қичқириғини бошқа садо бўлиб юборса ёмон бўлади!» — муаллиф мазкур фольклор мулкини ўз ижодий фантазияси билан бойитади. Унинг талқинидаги лирик қаҳрамон оналар алласини, болалар кулгусини, Ҳаққуш қичқириғини ва Она заминни океан ортидаги авбошлар измидаги ядро қуролларининг портлаши босиб кетмаслиги учун бутун куч-иродасини бағишлаётган, бу ишда ўзини доимо масъул деб билган граждан образидир. Ҳаққушнинг овози унинг учун «юрагидан чиққан садодек, кимгадир айтиши зарур сўздек» ардоқли. У Ҳаққушнинг овозини «ёт бир гумбирлаш, ёт бир садо бўлиб юборадигандай» бўлиб саросимага тушади. Шоир замондошимиз дилидаги бундай саросимали ҳолатнинг сабабини халқ ривояти мағзига муҳим бир деталь қўшиш орқали муайянлаштиради: «Кимдир арзимаган баҳсдан ютилиб: «Ҳаққушни отиб оламан бир ўқ билан! Барибир ҳеч нарса бўлмайди!» дебди. Милтиқ гумбирлаши босиб кетибди Ҳаққуш овозини ўша кун!

Кампирларнинг гапларига қараганда,
1941, 22 июнь тонготари экан ўша кун!

Боғолонликларнинг камалак ҳақида тўқиган афсонаси ҳам автор назарида совет халқи ва дунёдаги барча тараққийпарвар кучларнинг хоҳиш-иродасини ифода этади. Шоир ўз мақсадига бу ўринда фольклор маҳсули тўқимасига оригинал деталь қўшиш орқали эмас, балки мавжуд мазмунни ичдан кучайтириш, бўрттириш орқали эришади.

Ҳасан-Ҳусан эгизаклар тошқин сой бўйида ўйнаб юриб жанггa кетаётган оқ отли бир баҳодирни учратадилар. Баҳодир улардан чанқоғини қондириш учун кўза келтиришларини сўрайди. Болалар қайтиб келгунича тол чивиқдан ўйинчоқ ўқ-ёй тайёрлайди. У ака-укаларга тош ва тунукаларни нишонга олишни тайинлаб, қониб сув ичиб жўнаб кетади. Болалар бу ўйинчоқни эрмакка айлантирадилар: кўзларига нима кўринса нишонга олаверадилар... Ҳатто «ўқ-ёй аста-секин сабаб бўлиб жанжалга, ака-ука бир-бирини олибдилар мўлжалга». Улар бир куни «от устида букчайган, ҳамма ёғи қон-яра, синиқ қилич, тешик қалқон таққан» ўша жангчига дуч келадилар. Ҳорғин жангчи болаларнинг қилиқларини кўриб, ичидан зил кетади, сўнгра улардан яна кўза келтиришларини сўрайди. Ҳасан-Ҳусанлар эса, бу гал сансалорлик қилиб бормайдилар. Шунда жангчи ханжарини кўрсатиб: «Талашманглар, сиз келгунча ўқ-ёй менда қолади. Ким тез келса, ўқ-ёйни ҳам, ханжарни ҳам олади!» дейди. Чопқиллаб кетган ака-укалар қайтиб келиб уни топа олмай, дарёдан, денгиздан сўроқлайдилар.

Шу йўсинда «Ҳасан-Ҳусан ёйи» тарихига доир афсонанинг туб мағзи шоир қаламида инсоният учун маънавий сабоқ даражасига кўтарилади. Камалак ва унинг етти хил ранги бугунги сиёсий ҳаётнинг энг долзарб муаммолари бўлган қуролсизланиш, тинчлик ва халқлар бирдамлигининг рамзига айлантирилади.

...Элнинг шаҳид кетган фарзандлари қабрида мангу олов ёнишининг боиси нима? Нега олов ёқилади? Омон Матжон «Самандар» деган шеърида бу саволга инсоният ҳаётининг ўтмиши ва ҳозирги даврини туташтириб турадиган ибратомуз ҳикмат билан жавоб қайтаради: Она табиат томонидан зуваласи тун билан тонгдан қорилган инсон жисмида тоабад зулмат ва нур баҳс этади. Инсоннинг борлиғи буткул нурдан яралмаганлиги учун кўкдаги қуёш ҳам унга далда бўлолмайди. Буни далиллаш учун шоир асотир (миф) тўқийди:

Қалблардаги зулматга даркор
иккинчи қуёш!..
Номи — Ҳақиқат унинг, кўриниши ёнар тош!
Барча қалбга бир вақтлар тенг
нур сочмишдир, бироқ,
Бир қув зот ўз кўксига яшириб
қўймиш уни!
Ҳар кимга ҳам насибми қуёшларни қантармоқ —
Узиб, осмонга отмиш у куюк юрагини!
Шу-шу фалаклар аро ғойиб кетмиш Ҳақиқат,
«Ҳақ — кўкда» деб, «Худо!» —
деб қутулиб кетмиш ул жон!»

Кейинги мисраларда эса бу поэтик занжирнинг яна бир ҳалқаси, яъни руҳ ҳақидаги асотир уланади...

Ана! Адл Руҳ учар! Шаҳдининг
йўқ ҳудуди,
Гўё минг-минг тонг нурин йиғиб
тикланган байроқ!
Шу эрур одамзоднинг
қанотланган
умиди,
Шу ўлмас Руҳ чиққандир само
забтига ногоҳ!

Хуллас, «Ҳаққуш қичқириғи»да ўттиз тўққиз қўшиқ қуйлаган шоир ҳамқаламларини, замондошларини ўзига жўр бўлиб фахрий ватандошларимиз ҳақидаги қирқинчи, қирқ биринчи... қўшиқларни куйлашга даъват этмоқда.

Исомиддин ЕРМАТОВ

Ангрен



Навоий шаҳридаги «Сугдиёна» спорт клубида гимнастика машқи.

Л. Гусейнов фотоси

ПИРНИЁЗОВ ТАН ОЛДИ

Ҳажвия

Қўшни хонадаги телефон тўсатдан жиринглаб қолди. Мўмин Қобилович ширин уйқудан кўзини очолмай анча вақтгача тўлғаниб ётди. Бир амаллаб бошини ёстиқдан кўтариб, тумбочка устидаги электрни ёқди. Осма соатга нигоҳ ташлади: тун қоқ ярмидан оғиб қолибди. Енида ширингина ухлаётган умр йўлдоши ҳам уйғониб кетди.

— Ким бўлиши мумкин бемаҳалда телефон қилаётган?— деди Мўмин Қобилович кўзларини уқалаб.

— Етаверинг, дадаси,— дея хотини ўрнидан қўзғала бошлади.— Мен борақолай.

Нотаниш овоз унинг эрини телефонга зудлик билан чақирарди.

— У киши ухлаб ётган эдилар. Нима дединг из? Ҳозир? Қандай бўларкин? Яхшиси, эрталаб телефон қила қолинг. Нима? Тушунсангиз-чи, ахир, у киши ишдан ҳориб-чарчаб келганлар. Ие, ие, намунча ўшқирасиз? Қанақа қўпол одамсиз?! Мана, ҳозир чақираман...

Бу ҳангомани эшитиб ётган Мўмин Қобилович шиппагини судраганича ётоқхонадан аста чиқиб келди.

— Ким экан ўша бетамиз?

— Манг, ўзингиз гаплашиб қўйинг-чи, мастми, нима бало, тентакми, билолмадим. Бу десам у дейди, у десам — бу. Тавба!

Мўмин ака трубкани хотинининг қўлидан олди.

— Қулоғим сизда, худди шундай, Мўмин Қобиловнинг уйи бу. Кимсиз? Узи нима гап?

Телефондан эшитилаётган дўриллаган овоз момақалдироқ мисоли гумбурлаб, қулоқни қоматга келтирарди.

Мўмин Қобилович кутмаган «суҳбатдош»ни дарҳол овозидан таниди. У район агросаноат бошқармасининг бош зоотехниги эди.

— Ҳой, Мўмин, менга қара!— дея ўшқирарди уйқубузар.— Биласанми, нима қип қўйганингни?

— Аввало, ўпкангизни босинг, Шониёз Уйқубузарович! Ўзи нима гап? Арпангизни хом ўриб қўйибманми?

— Хом ўриб ҳам кўр-чи, нақ оёғингни осмондан кетириб юбораман! Ҳали шошмай тур, тонг отиб, улуғлар ишга келишсин, нима қилишимни ўзим биламан.

— Гапнинг пўскалласини айтиб қўяқолинг-да, чархпалакдек айлантиравермай.

— Ҳа, майли, менга қара: гапим яхши эшитилаяптими?

— Бутун қишлоқ эшитаяпти овозингизни.

— Демак, телефонинг яхши ишлаяпти, шундайми?

— Менимча, сизга ҳозир хизмат қилаётган аппарат ҳам ёмон ишламаяпти.

— Бекорларни айтибсан! Меники оғзига толқон солиб олган.

— Гапириб турибсиз-ку...

— Тушингни сувга айт. Марказга келиб автоматдан...

— Уйингиздаги-чи?

— Гап шунда-да, галварс! Ой чиқсаям, кун чиқсаям сенларга чиқаверсин... Билиб қўй, кимнинг телефони ишламаса ҳам меники ишлаши зарур! Биласан-ку, ҳадемай фермалардан хабар олишим керак. Қайси участкада қанча сут соғиб олинди, сигирларга ем-хашак берилдими, таги тозаландими, йўқми, ҳамма-ҳамма ердан маълумот йиғиб, районга топширишим керак.

— Ҳаммаси тушунарли, лекин...

— Шошма, гапимни кесма! Телевизору радиода ундоқ, газеталарда мундоқ, деб турилган шу қисталанг дамларда сенинг телефонинг бинойидек ишлаб, меники соқов бўлиб турса, оқибати нима бўлишини биласанми?

— Кимга кераги бор, бунақа сафсаталарни, Шониёз ака? Хотиржам уйингизга бораверинг, бир гап бўлар.

— Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, Мўмин! Ваъдани телефон симидек чўзиб, тезда тузатиб бермасанг...

— Хавотир олманг, Шониёз ака, уйингизга етиб боргунингизча телефонингиз ишлаб кетади. Хайр, яхши туш кўриб ётинг.

Шониёз Пирниёзов уйига қайтиб келиб, бундай қараса телефони жиринглаб турибди. У ҳаллослаганича айвонга чиқиб трубкага ёпишди.

— Ҳа, ҳа, тўғри, Пирниёзов уйи!

— Телефонингиз ишлаяптими, ўртоқ Пирниёзов?— дея мулойимгина сўради аёл киши.

— Тўғри, ҳа, Пир...

— Алоқа бўлимидан безовта қилаяпмиз. Телефонингиз ишлаяптими? Хўп, яхши. Тунингиз хайрли бўлсин!

...Шониёз Пирниёзовичнинг ибораси билан айтганда, ҳақиқат тантана қилди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Мўмин Қобилов билан Шониёз Пирниёзов районда бўлаётган кенгашда учрашиб қолишди.

— Қалай, ўртоқ бош зоотехник, алоқа воситасидан шикоятлар йўқми?— дея беғараз жилмайиб қўйди Мўмин ака.

— Ўч олиш ҳам эви билан-да, Мўминжон! — деди Пирниёзов зарда билан.— Бундай қилишингизни билганимда асло нодонликка йўл қўймасдим ўша кеча. Бас энди, яраш-яраш қилиб қўяқолайлик.

— Яна нима гап, Шониёз ака?

— Билиб билмаганга олманг, Мўминжон, бир умр эсда қоладиган сабоқ бўлди. Спортчилар тили билан айтсам, мағлубиятга учрадим. Ўша сизни безовта қилган куни бундай ўйлаб кўрсам, сизни қаттиқ хафа қилган эканман. Худди сиз айтгандай уйимга қайтсам, телефоним ҳеч нарса бўлмагандек жиринг-жиринг қип турипти-да!

— Ана кўрдингизми?

— Бунисига минг раҳмат, оғайни, аммо ану телефон станциясидаги навбатчиларга тайинлаб қўйсангиз, ҳадеб уйқуни бузаверишмасин-да. Энди ширин-шакар туш кўриб ётган пайтимда бир беўхшов қўнғироқ шундай жиринглайдики, юрагим гуп-гуп уриб кетади. «Фермага ўт кетдими, оғилхоналарни сув босдими», деб ўрнимдан туриб, телефонга ёпишсам, «Алло, бу ўртоқ Пирниёзов квартирасими? Телефонингиз ишлаб турибдими? Узр, телефон станциясидан безовта қилдик», дейди-да, жимиб қолади. Ҳар кеча шу аҳвол.

— Аввал ўзингга боқ... деганлари рост экан-да?

— Баракалла! Ўйламай қилинган иш — келтирар ташвиш,— дея унинг гапига қўшилди бош зоотехник.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ



Келажагимиз!..

В. Жирнов фотоси

Ўткир фикрлар

«Ҳозирча тўп пахтакорчилар қўлида... Эшматов тўпни боши билан тепиб юборди, аммо тўп дарвозани ёнлаб ўтиб кетди... Меҳмонлар дарвозаси олдидан қаттиқ тепилган тўпга Тошматов етиб олмоқчи бўлди. Аммо тўп ундан тезроқ ҳаракат қилиб, майдон чеккасига чиқиб кетди...»

(Футбол шарҳловчисининг сўзи)

«Мўйлабчамни супурги айлаб, Туфлигинг чангини артайин».

(Бир ҳаваскор шоир шеъридан)

«Кимга ёнғоқ керак бўлса, шу ерда тушсин».

(Автобус ҳайдовчисининг «Ёнғоқ» бекатидаги эълони)

«Газетангизда олманинг тишга фойдаси борлигини ёзибсизлар, бунинг учун раҳмат! Лекин ўша мақолада бир нарса аниқ ёзилмапти, мен шуни билмоқчи эдим. Яъни сўрамоқчиманки, олма протез тишларга ҳам фойда берадими?»

(Редакцияга келган хатдан)

«Шоқосим кабобпазнинг тўйида маҳалла котиби мени уялтирмоқчи бўлди: «Ҳам хўрдани урасиз, ҳам бурдани», деди. Хўрда ичганим рост, лекин нонни бурдалаб эмас, бутун олиб кетганман».

(Бир чаламулланинг эътирофи)

Ўрмон ОМОНОВ

ШОҲИМАРДОН ШАББОДАСИ

Шоҳимардон тоғлари
Кийди кўм-кўк кўйлагин.
Сунбул сочдек тароқлади
Мажнун толнинг баргларин —
Шоҳимардон шаббодаси.

Кўкдек Кўли қуббон юзин
Жимиллатиб чимчилайди,
Тоғ гулидек гўзал қизнинг
Қирқ кокилини силайди —
Шоҳимардон шаббодаси.

Ҳилпиратса тортиб хиёл
Атлас кўйлак, рўмолини,
Қизларга ҳам келмас малол,
Кўз-кўз қилса жамолини —
Шоҳимардон шаббодаси.

Шўхлигими навбаҳорнинг,
Оҳанрабо овозими?
Чимилдиққа кирган ёрнинг
Эркаланган шўх нозими —
Шоҳимардон шаббодаси?

Майин-майин елпиб қўяр,
Хушбўй-хушбўй ҳаво бўлиб.
Суюб-суюб ўпиб қўяр,
Уйноқи дилрабо бўлиб —
Шоҳимардон шаббодаси!

СЎХ СУВИ


Сўх, сувинг муздаккина,
Шўхлигинг қиздаккина.
Бағрингга босгин мени.
Яйрасин ўзбеккина!
Тоғ оралаб оққан сув,
Сакрар ўйноқи оҳу.
Лиммо-лим обизамзам,
Қўйнингда қолсин мангу!
Тўғон боши шаршара,
Шаббодасига қара!
Сувинг — сулув келинчак,
Бош ювар сочин тараб.
Кўз ёшдек милдирайди,
Тўрғайдек чулдирайди.
Жилғадек жилдирайди,
Чақмоқдек гулдирайди,
Балиқ балқиб келади,
Олтин оқиб келади.
Сувинг севинчга ўхшар,
Қалбдек қалқиб келади.
Офтоб сенга онадур,
Тоғларда муз ёнадур.
Дарёгинам, тўлиб оқ,
Ташналигим қонадур!

КАКЛИК

Арчазорда беозор каклик,
Сокин сўқмоқ узра солланар.
Мафтун этмиш мовийлик, поклик,
Тоғни қўшиқ титроққа солар.

Милтиғини ўқталиб овчи,
Боқар харсанг тошлар пастидан.
Наҳот, нурли қўшиқнинг кучи
Қайтаролмас уни қасдидан?..

ЯНГИ КИТОБЛАР



КЎП ЙИЛЛИК ИЖОД МАҲСУЛИ

Москвадаги «Наука» нашриётининг Шарқ адабиёти бош редакцияси томонидан Озарбойжон Фанлар академиясининг академиги, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зиё Буниятовнинг «Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати (1097—1231)» («Государство хорезмшахов-ануштегинидов (1097—1231)» [1] монографияси чоп этилди.

Бу асар олимнинг «Озарбойжон отабеклари давлати», «Озарбойжон VII—IX асрларда» монографиялари, шунингдек, араб тилидан рус тилига таржима қилиб сўзбоши ҳамда шарҳлар билан таъминлаб, «Ўзбек халқининг шонли ўғли генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишлайман» деган шарифнома билан нашр эттирган — Шиҳоббиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Сират ас-султон Жалолиддин Менкбурни» («Султон Жалолиддин Менкбурни ҳаётининг тасвири») китобининг бевосита давоми сифатида вужудга келган.

«Китоб муаллифида, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу — Хоразмшоҳлар давлати тарихини жамловчи ишни ёзиш нияти «Озарбойжон отабеклари давлати (1136—1225)» монографиясини яратиш даврида туғилган эди, — деб ёзади З. М. Буниятов ўз сўзбошисида. — Ҳар икки давлат бир тарихий даврда амал қилган эди; уларнинг ҳукмдорлари, айниқса отабек Жаҳон Паҳлавон (1175—1186) ва хоразмшоҳ Текиш (1172—1200) бир-бирлари билан дўстона муносабат боғлаган эдилар. Ниятни рўёбга чиқаришга киришишдан аввал катта манбашунослик ишлари бажарилди...» (5-бет).

З. М. Буниятов ижодида Ўзбекистоннинг ўрта аср даври тарихи атрофлича ёритилган. «Ўзбекистон менинг ижодимда алоҳида ўрин эгаллайди, — дейди олим бу ҳақда. — Ўрта аср Ўзбекистони, хусусан, хоразмшоҳлар давлатига тааллуқли ҳамма тарихий маълумотларга мурожаат этганман, асарларимда улар ўз аксини топган» (қаранг: «Гулистон» журнали, 1982 йил, 2-сон).

[1] З. М. Буниятов. Государство хорезмшахов-ануштегинидов (1097—1231). Издательство «Наука», Москва, 1986. Ҳажми 18, 67 босма тобоқ. Тиражи 4800 нусха.

Муаллиф алоҳида уқтирганидек, эрамизгача бўлган II минг йилликнинг ўрталаридаёқ Хоразм тупроғида ривожланган ирригация мавжуд эди, эрамизгача бўлган I минг йилликнинг ўрталарига келиб эса бу ирригация техникаси янада юксак даражага кўтарилди. Ана шу даврдан бошлаб, Хоразм Ўрта Осиёнинг ва бутун Эрон дунёсининг энг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланади. Кейинчалик, халифалик таркибида ҳам Хоразм маданиятнинг қадимий маркази сифатидаги ўз аҳамиятини сақлади; маданий анъаналарнинг ворисийлиги натижаси ўлароқ Хоразмдан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний каби буюк олимлар етишиб чиқди. «X асрнинг охири — XI асрнинг бошида, бу ерда ал-Беруний ва Ибн Сино ижод қилган пайтда, Хоразмнинг фан маркази сифатидаги аҳамияти айниқса ёркин намоён бўлди, — деб давом этади З. М. Буниятов. — Лекин 1017 йилдан — Хоразм Маҳмуд Ғазнавий томонидан забт этилганидан кейин, Хоразмнинг Ўрта Осиёдаги давлат тузилишлари марказларидан бири сифатидаги аҳамияти юз йилдан кўпроқ даврга ўз кучини йўқотди: XI асрнинг 40-йилларигача Хоразм Ғазнавийлар ҳукмдорлиги таркибига кирди, сўнг эса Салжуқийлар давлатининг бир қисмига айланди» (3-бет).

Озарбойжон олими ўз асарида хоразмшоҳлар тўртинчи сулоласига мансуб Ануштегинийлар (1097—1231)нинг қарийб 140 йиллик ҳукмдорлигини, маркази Хоразм ва пойтахти Гурганж бўлган хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатининг пайдо бўлиши, тараққий этиши ва таназзули жараёнини тадқиқ этади, ўша давр сиёсий ва иқтисодий тарихи масалаларига эътиборни қаратади, маданият тарихи муаммоларига катта ўрин ажратади. «Мутахассислар ва барча тарих билан қизиқувчиларнинг эътиборини бу давлат асосан шу нарса билан ўзига тортадики, у мўғулларнинг Ғарбга йўналган босқини зарбасини биринчи бўлиб қабул қилди, миқдорий жиҳатдан мўғул лашкарига нисбатан устун бўлишига қарамай, мамлакатнинг чегара вилоятларида ҳам, асосий территориясида ҳам мудофаани ташкил эта олмади. Бунга қарамай, Ўрта Осиё бир қанча шаҳарларининг (жумладан, хоразмшоҳлар пойтахти Гурганжнинг) аҳолиси ва кўпгина ҳарбий отрядлар боскинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар ва уларга озмунча зарар етказмадилар, — дейди З. М. Буниятов. — Сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Менкбурни мўғулларга қарши кураши ва яққол шахсий жасорати билан истилочиларнинг энг қатъиятли ва фаол рақиби сифатида шоншуҳрат қозонди».

З. М. Буниятов монографияси 10 бобдан иборат бўлиб, уларда Хоразмшоҳлар давлатининг шаклланиши, тузилиши, равнақи, ҳарбий тартиблари, давлат ва саройнинг асосий мансаб-мартабалари, шаҳарлари ва қишлоқлари, пул муомалалари, маданий ҳаёти, бу давлатнинг тор-мор этилиши ва ҳалок бўлиши, ўз ватанини тарк этган хоразмликларнинг тақдирлари илмий, кенг ўқувчилар оммасига тушунарли — содда ва ёркин тарзда кўрсатиб берилади.

Тарихий манбаларни чуқур илмий ўрганиш ва марксча-ленинча методология асосида тўғри талқин қилиш натижасида яратилган бу асар республикамиз илмий, адабий жамоатчилиги ҳамда кенг ўқувчилар оммасига маъқул тушади, деган умиддамиз. Уни ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш айни муддао бўлур эди.

Сўзимиз охирида айтиб ўтишни хоҳлар эдикки, Зиё Мусаевич Буниятов ўлкамиз тарихини ўрганишга республикамизнинг энг сермаҳсул шарқшунос тарихчилари даражасида ижодий ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳикматли тасодифни қарангки, бу атоқли олим Бокуда, шундоққина Ҳазар денгизи бўйида, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги кўчада истиқомат қилади... Яъни қардош Озарбойжон пойтахтида, Ҳамза кўчасида яшайдиган қардош, туғишган олимимиздан Ўзбекистоннинг бой ва қадимий тарихини ёритиб берувчи янги асарлар кутишга ҳақлимиз.

М. ҚЎШМОҚОВ

БЎШ ВАҚТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ?

Социалистик жамиятда экономика ва маданиятнинг тараққиёти меҳнаткашлар бўш вақтининг ортиб боришини таъминлайди. Коммунизмга яқинлашганимиз сари иш вақти эмас, ишдан холи бўлган бўш вақт жамият бойлигининг мезони бўлиб боради. Бўш вақт «билим олиш учун, ўз идрокини ривожлантириш учун, социал функцияларни бажариш учун... жисмоний ва ақлий кучлардан эркин суратда фойдаланиш учун...» сарфланганда ҳақиқий ижтимоий бойликка айланади, деб таълим берган эди Карл Маркс.

Кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, истеъдод ва қобилиятларини ўстириш, сиёсий, меҳнат ва ижтимоий фаоллигини ошириш, хуллас, уларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этишда маданий-маърифий муассасалар системаси муҳим роль ўйнайди. Маданий-маърифий муассасаларда олиб бориладиган ишларнинг принципларини илмий ва амалий ишлаб чиқиш педагогика фанининг таркибий қисмидир. Шу жиҳатдан педагогика фанлари кандидати Абдулла Муҳамедовнинг «Маданий оқартув иши педагогикаси» ўқув қўлланмаси («Ўқитувчи» нашриёти, 1985 йил) эътиборга моликдир. Унда маданий-оқартув педагогикасининг баъзи масалалари талқин қилинган. Чунончи, маданий-оқартув педагогикасининг предмети ва вазифалари, маданий-маърифий муассасаларнинг таълим ва тарбияни ташкил этишдаги ўзига хос хусусиятларининг педагогик асослари, шахсни ривожлантиришнинг, маданий-маърифий ишларни ташкил этувчиларнинг шахсий-ижтимоий сифатлари масалалари ҳамда кишиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, ўз-ўзини қайта тарбиялашнинг педагогик проблемалари тадқиқ қилинган.

Қўлланмада маданий-маърифий ишларни юритувчи педагогларнинг маҳорати ҳамда бу соҳадаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштиришнинг педагогик асослари ҳам эътибордан четда қолмаган.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар томонлама камол топган кишини тарбиялаш идеология ишининг негизидир. Бу ижтимоий масаланинг муҳимлиги КПСС XXVII съезди ҳужжатларида алоҳида таъкидланди. Мазкур масалани педагогик йўналишда ҳал этишнинг ўзига хос муаммолари бор. Бунда педагогика фани эришган ютуқлар қўл келади. Қўлланманинг «Маданий-оқартув педагогикасининг предмети ва вазифалари» деган бўлимида масалага шу жиҳатдан ёндошилган. Педагогика фанининг янги кишини тарбиялашдаги роли, катталар тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари, тарбиянинг ижтимоий ҳодиса эканлиги, шахснинг ривожланишида тарбиянинг роли каби масалалар изчил ёритилган. Коммунистик тарбия назарияси ва практикаси эса педагогика фани зиммасига жамиятнинг ривожланиш қонунлари ва тарбиянинг ижтимоий вазифаларини белгилаб берди. Китобда марксизм-ленинизмнинг тарбия ҳақидаги назарий таълимоти, Н. К. Крупская, А. В. Луначарский, А. С. Макаренко, В. А. Сухомлинский каби машҳур педагогларнинг бу фан соҳасига қўшган ҳиссалари баён қилинган.

Қўлланманинг «Коммунистик тарбиянинг мақсади ва уни маданий-оқартув муассасаларида амалга ошириш йўллари» деган бўлимида коммунистик тарбиянинг таркибий қисмлари — ғоявий-сиёсий чиниқтириш, меҳнат тарбияси, совет ватанпарварлиги ва интернационализми, ахлоқий, эстетик, атеистик ва жисмоний тарбиянинг шахс камолотидаги роли масалалари ҳақида гап боради. Муаллиф бу масалаларни ёритишда машҳур педагог А. С. Макаренконинг: «Ҳар бир софдил ўқитувчи ўз олдида катта сиёсий мақсад — гражданин тарбиялаш мақсадини кўриб туради ва бу мақсадга эришиш учун зўр бериб курашади», деган умумбашарий ўгитига амал қилади. Шунингдек, янги инсонни тарбиялашда уларнинг ёш хусусиятлари, маълумот даражалари, индивидуал-психологик жиҳатлари инобатга олиниши лозимлиги қайд этилади.

Қўлланмада маданий-маърифий муассасалар коллективи шаклланишининг босқичлари ва ундаги педагогик вазифалар, социалистик коллективларнинг тарбиявий функциялари, коллективнинг таркиб топиши ва ривожланишида ахлоқий-сиёсий муҳитнинг аҳамияти, коллективнинг кишиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари ҳақида ҳам фойдали фикрлар билдирилган.

Умуман, мазкур китобни ўқиган студент-ёшлар, маданий муассасаларнинг ходимлари бўш вақтини қандай фойдали ўтказиш ҳақида керакли маълумотларга эга бўладилар.

Ғулом ҒАФУРОВ,
филология фанлари кандидати

ЯНГИ КИТОБЛАР

ШАХМАТ

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Шу йил июль ойида Тошкентда Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган навбатдаги анъанавий — 15-шахмат турнири бўлиб ўтди. Кескин ва қизиқарли ўтган бу беллашув республикамизда шахмат қандай ривожланаётганлигини, резервлар тайёрлаш муаммоси қандай аҳволдалигини тасаввур қилишга имкон берди.

Шуни айтиш керакки, турнирда асосан тошкентлик ва чирчиқлик шахматчилар беллашишди. А. Хўжаев хотирасига бағишланган турнирнинг бир неча бор ғолиби В. Логинов, спорт мастери Д. Қаюмов билан С. Пикчук катта тажрибага эга шахматчилардир. Улар билан бирга Я. Гейслер, Р. Зиётдинов, С. Загребельний, Г. Серпер, М. Салтаев каби ёшлар ҳам шахмат тахтаси узра куч синашдилар.

Биринчи тур натижаси, умуман олганда, чакки бўлмади. Гарчи В. Логинов В. Маланюкнинг кетма-кет берган зарбаларига дош беролмай, 37-юришда таслим бўлган бўлса-да, М. Салтаев москвалик И. Янраевни мағлубиятга учратиб, муҳим очкони қўлга киритди. Қаюмов — Загребельний, Гейслер — Зиётдинов учрашувлари дуранг натижа билан тугади. Иккинчи турда Зиётдинов Серперни енгиб, олдинга ўтиб олди.

Кейинги турларда Серпернинг ўйинлари катта қизиқиш уйғотди. Дастлаб, икки партияни бой берган бу тошкентлик ўқувчи тезда ўзини ўнглаб олди. Саккизинчи турда у оқ доналар билан Загребельнийга қарши ўйнади. Қоралар устунликка эришиш мақсадида пиёда учун сифатни қурбон қилиб, фарзинга таҳдид сола бошлади. Ана шунда оқлар кутилмаган юриш қилди, яъни фарзинни иккита енгил сипоҳ эвазига қурбон бериб, 15 юришдан сўнг рақибини таслим этишга мажбур қилди. У кейин Қаюмов билан Салтаевни ҳам доғда қолдирди.


Биз бу шахматчи ҳақида тўхталаётганимизнинг боиси бор. Г. Серпер ёш бўлишига қарамай, анчагина тажрибали. У бундан бир неча йил олдин Тошкентда бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадасида команда составида чемпион бўлган эди. Еш шахматчи тинмай ўқиб-ўрганиб, ўз маҳоратини ошириб бораяпти. Мазкур турнир эса, бу борада унга маҳорат мактаби бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Лекин барибир бу сафар ҳам турнир ғолиблиги меҳмонларга тегди: севастополлик халқаро мастер В. Маланюк ҳаммадан кўп очко тўплади ва бош совринни қўлга киритди.

Ш. АКБАРОВ

ЗАКОВАТ НАМУНАСИ

Собиқ жаҳон чемпионлари — Х. Р. Капабланка билан М. Ботвинник 1938 йилда биргаликда ижод қилган ва қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу партия шахмат хазинасининг дурдоналаридан ҳисобланади. М. Ботвинник — Х. Р. Капабланка

1. d4 Kf6. 2. C4 e6. 3. Kc3 Cв4 4. e3 Бу юришдан мақсад марказни мустаҳкамлашдир. 4. ...d5. 5. a3 Cb4: c3+ (мабодо оқлар Се7 тарзида сипоҳ сурса, у ҳолда, қоралар Kf3 тарзида жавоб қилар ва фарзин гамбити системаси келиб чиқиши мумкин эди). 6. b2: C3 c5. 7. c4 : d5 e6 : d5 8. Cd3 o—o. 9. Ke2 b6. 10. o—o Ca6. 11. Cd3 : a6 Kb8 : a6. 12. Cc1 — b2 Ботвинникнинг фикрича, Фd3 юриши яхшироқ эди. 12. Фd7! 13. a3 — a4 Ле8. 14. Фd3 c4 қоралар «с» йўлини очиш ўрнига ёпиб қўйдилар. 15. Фс2 Kb8 16. Ле1 Кс6. 17. Kg3 Ка5. 18. f3 Kb3. 19. e4ф : a4. Оқлар бир пиёдани қурбон қилиб, марказни эгалламоқчи. 20. e5 Kd7 21. фf2 g6 22. f4 f5. 23. e5 : f6 Бу — ҳужумни давом эттириш учун ягона, бирдан-бир тўғри йўл. 24. f5 Ле8 : e1 25. Лf1 : e1. Ла8 — e8 26. Ле6! Ле8 : e6. 27. f5 : e6 Крg8 — g7. 28. Фf4 Фе8 Қоралар мажбурий тарзда шундай юриш қилмоқда. 29. Фе5 фе7 30. Cb2 — a3!! Ботвинник сипоҳини қурбон қилди, яна кимга денг, шахмат даҳоси Капабланкага... Мазкур



юришни кўриб: «Уч карра офарин Ботвинникка!» — деб хитоб қилишган эди шахмат билимдонлари. 30. Фе7 : a3. 31. Kh5+! Ана бу юриши билан Ботвинник ўзининг забардаст юқори даражали шахматчи эканлигини яна бир марта намойиш қилди. 31. g6:g5. 32. Фg5+ Крf8. 33. Фg5:f6 Крf8 —g8 Агар шоҳ хонасига ўтса, унда оқлар қораларни 2 юришда мот қилар эди. 34. e7 (ҳал қилувчи юриш). 34. Фс1+ Капабланка иложи борича ўйинни дурангга олиб бормоқчи... 35. Крf2 Фс2+ 36. Крg3 Фd3 37. Крh4 Фd3 — e4+. 38. Крh4 : h5 Фе2. 39. Крh4 Фе4+. 40. g4 фе1+ 41. Крh4 — h5 Қоралар таслим бўлди.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат бўйича СССР спорт мастерлигига номзод

Ҳақир-тиканак



ЮРАК ЎЙНОҒИ

Ҳажвия

Анғиллама уй ёнига такси машинаси келиб тўхтади. Ундан ўрта яшар киши тушди.

— Балки кириб эшитармиз-а?— деди у машинада ўтирган йигитга.

— Иложи йўқ, Воҳид. Ишим бошимдан ошиб ётибди. Бунинг устига, бугун хотиним билан театрга бормоқчиман,— деди йигит.

— Ҳай, нима ҳам дердим. Хўп, соғ бўл, Турғунжон.

— Лекторнинг нима ҳақда гапирганини эртага айтиб берарсан. Бизнинг маҳаллада эскилик сарқитлари йўқ,— деб кулди Турғунжон.

Воҳид унга қўл силкитиб, «Илғор» маҳалласи клубига кирди. Деворга ёпиштирилган афишадаги эълонга кўзи тушди. «Бугун соат 19.30 да клубимизда «Эскилик сарқитларига ўт очайлик!» мавзуида лекция бўлади. Лектор А. Мусаев».

...Узун столда мўл-кўл нознеъмат. Турли ёшдаги йигирма чоғли киши зўр иштаҳа билан палов ейишмоқда.

Мезбон — хотини билан театрга бориш учун шошилган ўша кулча юзли, қориндор Турғунжон меҳмонларга югуриб-елиб хизмат қилмоқда. Меҳмонлар кетма-кет қичқиради:

— Ука, бизга «Тўқсон беш»дан бўлсин!

— Бизга ҳам кўкидан!

Турғунжон меҳмонларнинг олдига тавозе билан чой келтириб қўяди. Кимдир стол четига уриб, илик қоқади. Бошқа бири чойнакдаги «обизамзам»дан ўғринча пиёлага қуйиб сипқоради.

Зиёфат пировардига етади. Тўрда, мўйсафидлар даврасида ўтирган кетмоннусха соқолли семиз мулла қаттиқ кекиради-да, кўзларини чирт юмиб, қироат келтиради. Кайфи тарақ йигитлардан бири хуррак отади. Кутилмаганда, тиловатга семиз меҳмоннинг хурраги жўр бўлади. Мулла хуррак отаётган меҳмонга қаҳрли нигоҳ ташлайди.

Шу пайт кимдир хуррак отаётган йигитнинг биқинига туртди. Йигит бир сапчиб, кўзларини очди, атрофига олазарак тикилди ва ҳеч нарсага тушунмасдан, бор кучи билан чапак чала бошлади. Йигитнинг ёнидаги киши ҳам уйғониб кетиб, қарсакка жўр бўлди. Пўрим кийинган йигит кафтига йўталди... «Учиб» қолган меҳмонлардан бири ҳиринглади ва ҳиқичоқ тутиб, «ҳиқ» этиб қўйди.

Қарсаклар тинди. Меҳмонлар бир-бирлари билан гаплашганларича, ўринларидан тура бошладилар. Мезбон меҳмонларнинг ёнига югуриб борди-да, елкасига тўн ташлаб, қўлига пул қистирди. Мулла ва унинг икки ёрдамчиси хурсандлигидан оғзи қулоғига етаёзган мезбонга миннатдорчилик билан қараб қўйишди.

Меҳмонлар кўздан ғойиб бўлишлари билан аёл кишининг ғазабнок овози эшитилди:

— Тийинлаб жамғарган пулимизнинг ҳаммасини яна кўкка совурдингиз! Кошкийди шу назриёздан фойда чиқса. Ҳаммаси хўжакўрсинга... Шунча пулни исроф қилгандан кўра, икковимиз курортга бориб келсак бўлмасмиди? Ахир, юрагингизнинг мазаси йўқ-ку?!.

...Дипломат тутган бояги Воҳид кўпқаватли бинога кириб келади. У кенг, ёруғ фойеда Турғунжонни кўриб қолади. Ҳамкасабалар бир-бирлари билан самимий қўл бериб сўрашадилар ва катта йўлакдаги эшиклар ёнидан секин ўтадилар.

— Хўш, қалай, Турғунжон, кеча театрга тушдингизми?

— Ҳа, жуда қизиқ спектакль экан. Сиз-чи, кеча лекцияга кирдингизми? Қизиқ эканми?

— Э, қизиқ бўлганда қандоқ. Биласанми, лектор ҳатто... сенинг ва қўшниларингнинг ҳам пўстагини ҳўп қоқди. Баъзи бир кимсалар «Сендан мен камми?» қабилида иш тутишиб, хурофий маъракалар ўтказишаркан-ку?! Маҳаллангдаги қаллоб Тешавой борку, фирибгарлиги учун илгари қамалиб чиққан, ўша мўмай хайр-садақалар эвазига иккинчи данғиллама уй қурилишини бошлаб юборибди... Яна бир киши худди шу минутларда худойи қилдираяпти, бунисини эртага айтаман, деди лектор...

— Нима? Мен?.. Мен ҳақимда ҳам гапирди дедингми?— Турғунжоннинг кўзлари чақчайиб кетди.

Бироқ Воҳид ҳеч нарса эшитмагандек, сўзида давом этди:

— Ўша лектор эртага шу ерда — бизнинг идорамизда лекция ўқийди. Қарагин, эълон ҳам осиғлиқ турибди.

— Нима?! Бизнинг идорамизда лекция ўқийди?!— Турғунжон ғўлдирайди ва юрагини чангаллаганча, безрайиб қолади...

— Нима бўлди, рангингиз ўзгариб кетдими?— Воҳид ташвишланиб сўради.

— Ўтиб кетар... Юрак ўйноғим бор эди...— деди зўрға Турғунжон ва деворга суяниб қолди.

Марат ТУРСУНХЎЖАЕВ



— Шуни бир ёқли қилсам, тинчгина ухлар эдим...

— Клубингизда атеистик лекциялар ўтказиладими?

— Худога шукур, ўтказилади.

Қ. Раҳмонов чизган расмлар



ЛАТИФАЛАР

Насриддин Афанди география ўқитувчиси экан, у ёш Алдаркўсани доскага чиқариб харитани кўрсатибди:

— Волга қаерда?

— Мирзачўлда! — дебди Алдаркўса шоша-пиша.

Насриддиннинг кўзлари олайиб кетибди:

— Нима дединг?

— Дадамлар ўз нархида сотиб келганлар, — дебди Алдаркўса.

* * *

Таниш-билишлари ёрдамида қишлоқ хўжалиги институтини битириб чиққан йигитча дарахт ўтқазаётган Афандига ақл ўргатди:


— Оқсоқол! Кўчатни ноилмий ўтқазаяпсиз, ундан бир килограмм ҳам олма ололмайсиз!

— Тўғри айтасиз, мулла йигит, беҳи дарахтидан ярим килограмм ҳам олма олиб бўлмайди.

А. ИСОМИДДИНОВ

«ГУЛИСТОН»


ЖУРНАЛИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!



Хурматли журналхон!

Сиз «Гулистон» журнали саҳифаларида ўзингизни тўлқинлантирган, ҳаяжонга солган ўй-фикрларингизга жавоб топасиз. Фан-техника тараққиёти тезлашган, инсон омили кучайган, турмушимизда соғлом тафаккур қарор топган бир шароитда сиз барча жабҳаларда мардонавор меҳнат қилаётган илғор кишилар жасорати, уларнинг маънавий-руҳий олами билан мунтазам танишиб борасиз, адабиёт, маданият ва санъат дунёсидаги янгиликларга ошно бўласиз, халқаро мавзуларда қизиқарли мақолалар ўқийсиз, маслаҳатларингиз, ўй-фикрларингиз билан иштирок этасиз. Кисқаси, «Гулистон» журнали ҳаётингиз ва меҳнат фаолиятингизда ҳамкор, ҳамдам ва ҳамфикр дўстингизга айланиб қолиши шубҳасиз.

ЖУРНАЛНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ — 4 СЎМ 20 ТИЙИН.



КРОССВОРД

Энига: 5. Хакасия автоном области маркази. 6. Ўзбекистондаги тоғ. 9. Безак буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган рангли минерал. 10. Ўзбек халқ достони. 14. Дурадгорлик асбоби. 15. Классик шеърий жанр. 16. Қардош социалистик мамлакат. 19. Ватанимиз Шарқидаги кўл. 21. Бухоро областидаги район. 22. Адабий асар қисми. 23. Атоқли қозоқ совет адиби. 24. Мусиқа асари жанри. 30. Тоғ меваси. 31. Цирк артисти. 32. Йиртқич қуш. 35. Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган жангчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 36. Сабзавот. 37. Матонат, қатъият. 39. Медицинада қўлланиладиган ўткир ҳидли учувчан суюқлик. 40. Жун газлама. 41. Чиннисозликда ишлатиладиган минерал. 42. Ҳўл мева.

Бўйига: 1. Зеб-зийнат буюми. 2. Ўзбек классик шоири. 3. Қовун нави. 4. Бино безатувчи уста. 7. Табиий фанлардан бири. 8. Навоий замондоши, тарихчи олим. 11. Рассомлик жанри. 12. Иттифоқдош республика. 13. Болалар ўйини. 17. Спорт ўйини. 18. Рўзғор буюми. 20. Матбуот жанри. 22. Халқ оғзаки ижоди тури. 25. Бадиий каштачилик буюми. 26. Ёғочи қаттиқ сербарг дарахт. 27. Йиртқич ҳайвон. 28. Ўсимликдан олинадиган азотли органик модда. 29. Африка шимолидаги давлат. 33. Қишлоқ хўжалиги ходими, яйлов баҳодири. 34. Классик музикашунос олим, шоир ва бастакор. 37. Шифобахш гиёҳ. 38. Арманистондаги тоғ.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

8-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРД ВА ТОПШИРИҚНИНГ ЖАВОБИ

1. «Бўстон». 2. Пўлкан. 3. Барчин. 4. Заранг. 5. Завқий. 6. Заргар. 7. Ҳулкар. 8. Қундуз. 9. Карпов. 10. Танбур. 11. Хирмон. 12. Рисола. 13. Гоголь. 14. Новвой. 15. Дурбин. 16. Гурлан. 17. Жамбил. 18. Фарзин. 19. Ғаниев (Наби). 20. Каптар. 21. Ипак. 22. Тола. 23. Чанг. 24. Қанд. 25. Клуб. 26. Перо. 27. Марв. 28. Орол. 29. Баёз. 30. «Баёт».

Шакл марказида: Сўз — гул, иш — мева.

Ал-Хоразмий

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎИДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари),

Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 24.07.86 й. Босишга рухсат этилди 29.08.86 й. Р—10913 Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6 Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 201859. Буюртма 4227. Нашр А-112

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000: Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Хева гиламлари.
Ф. Шарафиддинов фотоси.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда марказий газета-журналлардан фойдаланилди.

Қовун пишиғи.
Н. Муҳаммаджонов фотоси



Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз аъзолари М. Эшонқулова, М. Мирғалиева, Х. Орипова.

В. Мосин фотоси



Ургутдаги «Бешқарсак» ансамбли.
М. Пенсон фотоси

Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207